



اوزبکستان س. س. ر. فنلر آکادیمیاسی، ا. س. پوشکین نامیداکی
قیل و ادبیات انستیتوتی و ابوریحان بیرونی نامیداکی شرق شوناسلیک انستیتوتی

محمود کاشغری

دیوان لغات الترک

تورکی سوزلر دیوانی

اوج نوملیک
1 نوم

ترجمان و نشرکا طیارلاوچی
فیلولوکیه فنلری کاندیداتی
صالیح مطلبوف

اوزبکستان س. س. ر. فنلر آکادیمیاسی نشریاتی
تاشکند ۱۹۶۰ یل

ИНСТИТУТДАН

Ўзбек миллий маданиятининг тобора гуркираб ўсиши миллий маданият тарихини янада чуқурроқ ўрганиш талабини қўяди. Бой маданий меросга эга бўлган ўзбек халқининг тарихида «Девону луғотит турк» асари алоҳида аҳамиятга эгадир.

XI асрнинг машҳур олими, тилшунос Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») асари ўз давридаги туркий қабилаларнинг луғатини изоҳлашга бағишланади.

Маҳмуд Қошғарий сўзларнинг турли маънолари ва маъно от-тенкаларини изоҳлаш билан чегараланиб қолмай, турли қабилалар тиллари ўртасида бўлган характерли фонетик ва морфологик фарқларни ҳам кўрсатиб ўтади. Бу жиҳатдан девон фақат изоҳли луғатгина бўлиб қолмай, XI аср тилининг фонетика ва грамматикаси ҳамдир.

Девон XI асрда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятларини ўрганишда ва ҳозирги айрим туркий халқларнинг шаклланиши ва тараққиётини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Девон XI асрдати ҳамда ундан олдинги ва сўнги даврдаги ёзма ёдгорликларни тушуниш ва ўрганиш учун қимматли бир қўлланма бўлиб қолади.

Девоннинг таржимаси ва нашрга тайёрлаш иши институтнинг старший илмий ходими филология фанлари кандидати Солиҳ Мугаллибов томонидан бажарилган.

Девон уч китобдан иборат бўлиб, ҳар бир китоб алоҳида изоҳ ва комментариялар билан таъминланади. Китобда учрайдиган айрим сўз ва тушунчаларга ўз ўрнида изоҳ бериб ўтилади. Изоҳ ва комментариялар ҳам С. Мугаллибов томонидан тузилгандир.

«Девону луғотит турк» ўзбек тилига биринчи мартаба таржима қилинаётир. Шу сабабли бу нозик ва мураккаб ишда баъзи бир камчиликларнинг бўлиши табиийдир. Бу ҳақдаги мулоҳаза ва хоҳишлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти адресига юборилишини сўраймиз.

XI АСРНИНГ БУЮК ФИЛОЛОГЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НОЁБ АСАРЛАРИ

XI аср давомида яшаган ва ижод қилган олимлар ҳамда улар юмонида яратилган асарлар Урта Осиё халқлари ва уларнинг тиллари тарихида, шу жумладан ўзбек халқи ва ўзбек тили тарихида алоҳида ўрин тутади.

XI асрнинг II ярмида қорахонийлар давлатининг маъмурият чегараси анча кенгайган, унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий даражаси кўп жиҳатлардан мустақамланган эди. Бу даврда Юқори Чиндан Фарғона, Таркан, Бухорога қадар чўзилган кен ва катта территориянинг ҳаммаси Буғрохон тасарруфига ўтган эди.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш зарурдирки ҳозиргача мавжуд тарихий асарларда Буғрохон фақатгина Испижоб ва Тирознинг волииси қилиб кўрсатилган. Бу қарашда икки хил аниқсизлик бор:

1. Тироз билан Испижоб икки шаҳар деб берилган, ҳақиқатда эса Тироз ва Испижоб айрим-айрим икки шаҳар эмас, балки биргина шаҳарнинг турли номларидир. Бу шаҳар у даврда Испижоб, Сайрам, Тироз, Мадинатул бғйзо номлари билан юритилар эди. Юқоридаги кўрсатмада Буғрохон фақат биргина шаҳарнинг волииси бўлиб қолади. Бу ҳақиқатга хилофдир.

2. Бу даврда Буғрохон ёлғиз Испижоб ва Тирозгагина воли бўлиб қолмай, балки шу билан бирга Қашқардан тортиб Бухорогача бўлган жойлар унинг тасарруфида бўлган. Баласоғунда ёзилган «Қутадғу билик» асарининг Буғрохон номига ёзилиши, ҳатто у асарда бу катта территориядаги халқлар тили Буғрохон тили деб аталиши, яъни бу даврдаги тилнинг унинг номи билан аталиши ҳам унинг бу территорияларда ҳукмронлигини, унинг нуфуз ва эътибори қанчалик баланд бўлганини исботлайди.

Маҳмуд Кошғарий асарида Бухорога яқин «Сигунсамур» деган жой Бугрохон томонидан Чозан деб аталгани кўрсатилади. Бу хил фактлар Бугрохоннинг Қашқардан тортиб Бухорога қадар чўзилган катта территорияда ҳукм сурганидан дарақ беради.

Бу даврда шаҳарларда ўтроқ ҳаёт кечирувчилар кўпайиб, ҳунармандчилик; бўз, ипак кийимлик тўқиш ишлари, бўёқчилик, сиркорлик, қулоччилик, заргарлик, дурадгорлик, ковушдўз, маҳсидўзлар ўша даврга мос бир системага тушган, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шугулланувчилар катта қатламни ташкил қила бошлаган эдилар. Бу хил ҳунармандлар учун хомашё тайёрловчи касб эгалари ҳам юзага келган эди. Бу даврда кемасозлик ҳунари ҳам маълум даража йўлга қўйилади, савдо-сотик ишлари ҳам анча кенгайди. Мамлакат ҳаётида юзага келган бу ўзгаришлар ёлғиз бир шаҳар кишиларининг эмас, балки турли шаҳар халқларининг ҳам бир-бирлари билан алоқа ва муносабатларини ривожлантиришга йўл очди. У даврнинг тил қурилишида ҳам катта воқеа юз берди. Мамлакатда маданий ҳаёт юксала бориши натижасида, бу даврда бир қанча тарихий, тиббий, бадиний асарлар билан бирга икки гигант филологик асар: 1) «Қутадғу билик», 2) «Девону луғотит турк» асарлари майдонга келди.

Юсуф Хос хожиб ва унинг дидактик асари «Қутадғу билик» ҳақида

«Қутадғу билик» Баласоғуннинг улуғ шоири Юсуф Хос хожиб томонидан тўрт юз олтмиш иккинчи йили (ҳижрий ҳисоби билан) ёзилди. Асар қорахонийларнинг феодал давлатида юзага келган янгилликларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уни узоқ сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш мақсадида ёзилган. Шунинг учун асарда ана шу мақсадга хизмат қилувчи бир қанча сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий-тарбиявий масалаларни қамраб олишга интиланган. Чунончи, унда давлатни идора қилиш усуллари, давлат арбобларининг феъл-атвори, ахлоқи қандай бўлиши, давлат қурилиши масалалари, жамият аъзолари орасидаги муносабат масалалари, у даврда юзага келган турли табақалар ва шубҳабиларнинг аҳамиятини кўрсатиш, иқтисодни тиклаш, хўжаликни ривожлантириш каби қатор масалаларни ўша давр талаби асосида изоҳлаб берган. Юсуф Хос хожиб ўзининг зўр илмий қудрати туфайлигина бундай гигант асарни яратишга муваффақ бўлган. Асарда берилган маълумотлар Юсуф Хос хожибнинг бизга ўз замонининг ёлғиз улуғ шоири бўлганидангина эмас, шу билан бирга у тарих, тиб, риёзиёт ва бошқа кўп фанлардан хабардор зўр фозили бўлганидан ҳам дарак беради.

XI асрнинг етук шоири, олими Юсуф Хос хожиб томонидан ёзилган бу асар Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек

халқининг узоқ ўтмишини ҳар томонлама илмий асосда ёритиш учун муҳим бўлганидек, ўзбек адабиёти ва тили тарихини ўрганиш учун ҳам чексиз муҳимдир. «Қутадғу билик» ҳажм жиҳатдан катта, жанр жиҳатдан у давр учун тамом янги ва биринчи асар эди. Шунинг учун бу асар автор олдига асар тили (адабий тил) асосида катта талаблар қўйди. Ёзувчи у даврда тарқоқ қабилалар оилида мавжуд бўлган тил фактларини, тил хусусиятларини пухта ҳисобга олиши, келажакдаги тил тараққийсига хос хусусиятларини қабул қилиши, халқ оммасининг сўз қўллашдаги практикасига сўяниб ишлаши, стилистик силлиқликка катта аҳамият бериб, унга риоя қилиши зарур эди. Бу масалаларни Юсуф Хос хожиб ўз асарида муваффақият билан бажарди. Унинг асари ўз аври учун тенгсиз асар даражасига кўтарилди. Уни кўпгина халқлар севиб ўқидилар. Шунинг учун бу асар, бир тарафдан, ўша давр тилини системага солишга, мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлса, иккинчидан, бу асар кўпгина янгилликлар билан адабий тилни ривожлантиришга ҳам хизмат қилди. «Қутадғу билик» асарида у даврда мамлакатда юзага келган янгилликлар тил фактлари асосида акс эттирилган. Иккинчи хил қилиб айтганда, «Қутадғу билик» асарининг тили у даврда алоҳида босқичга кўтарилган ёзув тили—адабий тилдан намунадир. Маълумки, айрим адабий асар тили бирор марказлашган шаҳар, ўлка ёки бир неча қабилалар орасидаги яқинлик муносабати билан юзага келган бошланғич умумий тилга мансуб бўлиши мумкин. «Қутадғу билик» тили нимага, ўша даврдаги қандай ва қайси шевага асосланган? Афсуски, бу муҳим масала ҳануз жиддий ўрганилмай келди. Шунини ҳам айтиш керакки, бу муҳим масала, яъни XI асрдаги адабий тил ҳақида ҳозиргача турли хато фикрлар ва чалқаш тахминлар ҳукмронлик қилиб келмоқда. Айниқса у даврнинг адабий тилига ҳоқоний туркларнинг тили асос бўлган деган қарашлар, тахминлар борки, бу нарса беҳад қўпол хатодир. Бу нарса фанга зид ва ҳақиқатдан узоқдир, чунки бу қарашга кўра бир тўда қолақ феодал маъмурияти, сарой ходимларининг тили у давр тилига асос солган бўлиб чиқади. Бир қисм қолақ феодал концепция тилини пухта бир системага тушган, у давр тилига асос бўлган деб қараш тамоман тутуриқсиздир. Ахир, у даврда кўпгина майда ҳунарманд табақалари юзага келган, жамият аъзолари орасидаги алоқа ва муносабат кучайган эди. Бу томондан «Қутадғу билик» тилини пухта ўрганиш, унинг қайси тилга асосланганини илмий асосда исботлаш — тарихда катта аниқлик яратилиши ва бу соҳада содир бўлган қўпол хатоларга хотима беради.

Маълумки, у даврда бир қанча қабилаларнинг ўзаро маданий, сиёсий, иқтисодий алоқалари учун марказ бўлиб хизмат қилган шаҳар ва ўлкалар анча бор эди. Қорахонийлардан олдинги

пойтахт Самарқанд, Бухоро, Узғанд (қорахонийлар пойтахти), Тошкент, Қашқар, Баласоғун, Барсағон, Сайрам ва бошқалар шулар жумласидандир. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» номли асарида ана шу шаҳарларнинг ўзига хос сўзлари (лаҳжавий сўзлар) ҳам изоҳланган. «Қутадғу билик» тили шуларнинг бирортаси таъсирида ҳам қолмаган. Маҳмуд Кошғарий ўз асарида у даврдаги жуда кўп қабилаларнинг қабилла тиллари ва алоҳида шароитда бир-бирлари билан бўлган муносабатлар натижасида юзага келган бошланғич умумий бир тил, масалан, ўғуз группаси, қипчоқ группаси, чигил группалари ҳақида ва уларнинг бошланғич ҳолда умумлаша бошлаган тиллари ҳақида мукамал маълумот берган. «Девону луғотит турк»даги маълумотларга кўра, чигил қабиласи катта территорияда яшовчи кўп нуфузли қабилла эди. Улар Урдукентда, Барсағон қуйисидаги Қаёсда, Сайрам ёнидаги шаҳар ва водийларда яшар эдилар. Чигиллар у даврда катта ўрин тутган яғмо, тухси қабилалари билан қўшни яшар эдилар. Масалан, чигиллар яшайдиган Қаёс шаҳрининг юқорисидаги Соблиғ қаёс, Урунг қаёс қалъаларида тухсилар яшар, Тироз қуйисидаги шаҳарларда яғмолар яшар эдилар. Бу қабилаларнинг бир-бирига муносабати яқин эди. Уларнинг тилларида ҳам яқинлик—бирлик юзага кела бошлаган эди. Уларнинг тиллари бошқаларга нисбатан турли хил термин ва сўзларга бой эди. Ҳатто булар тили билан Ила, Иртиш, Ямор водийларидан Юқори Чингача бўлган территорияларда яшовчи қабилалар тилида ҳам умумийлик юзага келган эди.

Маҳмуд Кошғарий ўғузлар Жайхундан тортиб Қуйи Чингача бўлган қабилаларнинг ҳаммасини чигил деб атайдилар, деб кўрсатади ва бу қарашнинг хато эканини, бу ерларда жуда кўп қабилалар бор деб уқтиради.

وَأَنَّ الْغَزِيَّةَ سَمَّتْ جَمِيعَ التُّرْكِ مِنْ لَدُنْ
جِيحُونَ إِلَى الصَّيْنِ الْأَعْلَى جِكِلْ وَذَلِكَ خَطَأً.

(қаранг: «Девону луғотит турк» I т., 330-бет).

Уғузларнинг бу қараш тўғри бўлмаса ҳам, бу қараш чигилларнинг у даврда тутган алоҳида ўрнини кўрсатиш учун муҳимдир. Акад. В. В. Радлов урхун обидаларини уйғур ҳукмдорининг бобоси номига ёзилган деб келингани хато эканини, бу ёлғорлик чигил топфасининг бобоси Мангубей номига ёзилганини уқтиради. (Радлов, XXVI бет). Ҳақиқатда чигиллар тарихий асарларда хунлар авлоди деб кўрсатилади. Девонда чигил Искандар Зулқарнайин юриш қилган вақтлардаёқ кўп нуфузли халқлардан ҳисоблангани ҳақида маълумот бор. Навоий маълумоти ҳам шунини тасдиқлайди. Искандар Зулқарнайин юришида Навоий фақат чигил ва яғмоларни тилга олади:

Чигил бирла яғмонин айлаб убур,
Нучукким чамадин собову дубур.

(Хамса, Шомуроҳ котиб нусхаси, 400-бет).

Тарихчи Ибнүл Асир Самарқандга қилинган ҳужумда чигил аскарлари бошчилик қилганини ёзади. Ҳар ҳолда чигил қабиласи тили у даврдаги қўшни диалектлар тилини умумлаштириш учун асос бўларлик имкониятга эга бўлган эди. У бир шаҳар халқи билан иккинчи шаҳар халқи орасида, ўлка ва қишлоқ халқлари орасида кучайган турли муносабатларда бирлаштирувчи роль ўйнай бошлаган эди.

«Қутадғу билик» ана шу чигил қабилалари тили асосида ёзилган. Юсуф Хос хожиб бу асарни билан ана шу тилдаги умумийликни яна мустаҳкамлади. Масалан, у даврда қабилалар тилида фарқли талаффуз қилинадиган ва турлича ёзилган сўзлар талаффузида ва имлосида бир хиллик яратди. Чунончи *ёғоч*, *уйат* каби бир қанча сўзлар у давр қабилалари тилида бир неча хил талаффуз қилиниб, бир неча хил ёзилар эди. Бу асар ана шу хил сўзларнинг имлосида ҳам, талаффузида ҳам бирлик юзага келтиришга хизмат қилди. Бу асар у давр тилида бўлган турли хил морфологик ва грамматик хусусиятларни яна янги сўзларда қўллаб, бу ҳодисаларни тилда маълум грамматик ва морфологик қондалар сифатида танитишга ва бунини умумлаштиришга хизмат қилди. Масалан, -чи аффиксини олайлик. Бу аффикс XI аср тилида отларга қўшилиб, от ясалишида (кенг миқёсда) актив аффикс сифатида қўлланади эди. Лекин Маҳмуд Кошғарий бунини алоҳида аффикс сифатида кўрсатмаган, унинг айрим сўзларга берган изоҳидан -чи аффиксини касбни англатувчи аффикс деб тушунгани маълум:

Таржимаси: «Эм — даво, дори демақдир, шунинг учун даволловчи эмчи дейилади».

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотига кўра, бу аффикс у даврда ёлғиз касб англатувчи аффикс вазифасидагина ишлатилган. Ҳолбуки у кенгроқ маънода, яъни фақат касб, ҳунар эгаси маъносидagina эмас, балки бирмунча кенгроқ функцияда қўлланган. Лекин Маҳмуд Кошғарий бу қарашга қўшилмаганлигини ёзган.

تِيْمِجِي الْخَمَارُ وَبَعْضُ النَّاسِ يُسَمُّونَ تَاجِرَ الْخَمِيرِ تَيْمٍ وَالْأَوَّلُ أَصَحُّ
لِإِنَّ الْجَيْمَ وَالْيَاءَ سَمْتَانِ لِلْمُحَرِّفِينَ (Девон, III т., 99-бет).

Таржимаси: «Тимчи ичимлик тайёрловчи демақдир. Баъзи одамлар бу сўзни ичимлик сотувчи маъносида ишлатадилар. Биринчи маъно тўғридир. Чунки -чи аффикси фақат касб-ҳунар эгаси маъносинигина англатади, холос».

Кўринадикки, Маҳмуд Кошғарий -чи аффиксининг маъноси ўша таврда анча кенгайганини ҳисобга олиб етмаган. Ҳақиқатда у тавр тилида бунга мисоллар кўп эди. Уларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. -чи аффикс сифатларга қўшилиб, алоҳида қилиқлилиқ мазмунини англатган:

«Узун+чи+г узундан йироқ тут, соқин»¹. Гапни чўзадиган эзма одам маъносида қўлланган узун+чиғ сўзи ана шу -чи аффикс билан ясалган исмдир.

2. Бирор касб-ҳунар эгаси маъносини англатган:

«Темурчи, тоғочи, ўтукчи, сучи,
Чоғирчи, подачи ё ўқчи, ёчи»².

3. Бирор мансаб, даражани билдиради: ағичи — идишчи, ошхона бошлиғи; битникчи — котиб, секретарь.

«Ағичи удуг бўлса, иш ўртамаз»³
«Идишчи боши кўр ўшандоғ керак»⁴
«Битникчи керак ўз қамуғ хат билр»⁵.

XI аср тилида феълдан от ясовчи аффиксларнинг яна бири -ғу, -гу, -ку аффиксларидир. Лекин булар кўпинча-ғу ҳолида учрайди. Шунинг учун Маҳмуд Кошғарий фақат -ғу формасини кўрсатган.

Бу аффикс ҳақида Маҳмуд Кошғарий шундай ёзди:

غَوْحَرْفٌ يَدْخُلُ فِي الْأَفْعَالِ عَلَى بَيْتِهِ الْأَمْرُ فَيَكُونُ الْكَلِمَةَ اسْمَ الْمَكَانِ أَوِ الزَّمَانِ أَوِ الْأَلْتِهَ يُقَالُ مِنْهُ بَرَعَوْ يَرِ أَيِ وَقَتِ الدَّهَابِ تَرَعَوْ يَرِ أَيِ مَكَانٍ إِلَّا قَامَتَهُ.⁶

Таржимаси: «-ғу аффикси феъл ўзақларига қўшилиб, жой, вақт ва қурол отларини ясайди: борғу ер — борар жой, турғу ер — турар жой каби».

Кўринадикки, Маҳмуд Кошғарийнинг бу таърифида -ғу аффиксининг функцияси анча тор. Шу билан бирга, бу изоҳда Маҳмуд Кошғарий ҳозирги тилдаги сифатдошларни исм деб берган. Чунки Маҳмуд Кошғарий феъл ва ёрдамчи сўзлардан бошқа ҳамма сўзларни ҳам отлар туркумига киритган. Бизнинг текширишларимиз, Қутодғу биликдаги тил фактлари XI аср тилида -ғу аффиксининг функцияси анча кенг эканини кўрсатади.

XI аср ёзма ёдгорликларида бу аффикс билан ясалган сўзларнинг функция ва маъносига кўра уларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- ¹ «Қутадғу билик», В. В. Радлов нашри, 1910, 446-бет.
- ² Шу асар, 284-бет.
- ³ Шу асар, 242-бет.
- ⁴ Шу асар, 255-бет.
- ⁵ Шу асар, 242-бет.
- ⁶ Девону луғотит-турк, III т. 158-бет.

1. Келаси замон сифатдоши вазифасида:

«От тушоғу бўлди»⁶ — от тушовладиган, от оёғига тушов-соладиган вақт бўлди. «От бўшугу бўлди»⁷ — отни арқондан бўшатадиган вақт бўлди.

«Ош ичкү чиқардим, едирди кўруб»⁸ (ичиладиган).

«Егу, кийгу, мингу от айғир сулук»⁹ (ейиладиган, кийиладиган, миниладиган).

2. Феълга қўшилиб улардан абстракт от ясайди: Егу — ейиш, ичкү — ичиш каби:

«Эди терс турур бу ош ичкү, егу»¹⁰. Бу овқатни ейиш, ичиш потўғридир.

«Қатиг орзулади сени кўргуга»¹¹,

«Мени элчи этди ўқиб элткуга»¹².

3. Феъл ўзагига қўшилиб, зарурлик мазмунида қўлланар эди:

«Яна борғу эрса боройини ўзум»¹³ — Агар яна бориш керак бўлса, ўзим борай.

«Қотилғу, қорилғу, улашғу керак»¹⁴. «Надак қилғу айғил кенгаш бер менга»¹⁵.

4. Феъл ўзагига қўшилиб, миқдор мазмунини англатар эди: «Эгин буткү казим қорин тўйғу ош»¹⁶ — Эгним битарлик кийим, қорним тўярлик овқат.

Бу мисрада биткү — битарлик, тўйғу — тўярлик мазмунида маълум миқдор маъносини билдиради.

5. Бу аффикс орқали ясалган от ўзакдан англашилган ишни бажарувчи маъносини англатади: Қутатғу — қут+ат+ғу; қут — бахт, атғу — берувчи, қутадғу кутадғу) — бахт берувчи, бахтлан-тирувчи маъносидадир. Қанағу — қанатувчи, ништар.

6. Қурол номини англатади: супурғу — супурги, тирағу — тиргович, козоку — ўт кавлайдиган асбоб — косов, буқоғу — ўғриларни бўғадиган сиртмоқ.

Демак, «Қутадғу билик» асари сўз ясовчи аффикслар функциясининг тилда стилистик кенгайиб боришига тўлиқ ва аниқ намуналар берган, бу усулни ривожлантирган ва тилда бу ҳолатни пухта системага тушириш учун катта хизмат қилган.

Бу асар тилда кўпгина стилистик янгиликлар яратди:

^{6,7} «Девону луғотит-турк», 393-бет.

⁸ «Қутадғу билик», 426-бет.

⁹ Шу асар, 390-бет.

¹⁰ Уша асар, 216-бет.

¹¹ Уша асар, 297-бет.

¹² Уша асар, 260-бет.

¹³ Уша асар, 244-бет.

¹⁴ Уша асар, 379-бет.

¹⁵ Уша асар, 355-бет.

¹⁶ Уша асар, 297-бет.

1. Синонимларни ёнма-ён қўллаш билан:

«Бу қул-гунг от адғир бу ер-сув қамуқ
Товар — нанг барин қил узунгга улук».

2. Икки сўзни ёнма-ён қўллаш йўли билан жуфт от ясашиб, бу икки сўз ўз мазмунидан бошқа абстракт маънони ифодалайди. Масалан, ўғил-қиз сўзини зурриёт маъносида; сарой-қарши сўзини иморат, ускуна, мол-мулк маъносида; от-устом сўзини мол-ҳол ва олтин-қумуш маъносида; куч-қувват сўзини имконият маъносида; тун-кун сўзини сутка маъносида; йил-ой сўзини доним маъносида қўллаган.

Мисоллар:

«Сарой-қарши, ер-сув санинг бирла йўқ»,
«От-устом қиз-ўғлон санинг бир йўқ»¹⁷.
«Бу куч-қувват ишлат илик ишига»¹⁸.
«Удин ётма тун-кун иши қил анинг»¹⁹.
«Йўриқли киши йўлда қолмас йил-ой»²⁰.

Сийрак бўлса ҳам, бу асарда лексик-синтактик асосда от яса-лиши намуналари берилди:

«Улугдан керақдир кичикка салом»²¹.

Бу мисрада қўлланган улуг, кичик сифатлари лексик-синтактик асосда отга кўчган.

«Қолди ёвуз уюқ кўриб эвин йиқор».

Бу мисолдаги келаси замон феъли йиқор бажарувчи от функция-сидадир.

«Бу ҳолинг кўрардин манинг бу кўзум».

Бу мисрада кўрар феъли абстракт от — *кўришига* айланган.

Айниқса бу асар синонимларни қўллашда ва янги синоним-лар ишлатишда тилда муайян стилистик система юзага келиши-га ҳам асос бўлди. Масалан, XI асрга қадар *олим* сўзи маъноси-да асосан *билка* сўзигина қўлланиб келинган бўлса, бу асарда шу билан бирга *биликлик*, *йқушлуғ*, *олим* сўзлари ҳам қўллана бошлади:

«Неку тер эшиткил тожик билкаси,
Биликлик кишилар кишиси бўлур,
Уқушлуғ кишидан кишилик келур.

Орини тила, борча ичку, еғи.
Қорин тўйғуча е комуғ ем, ичин».

¹⁷ «Қутадғу билик», 486-бет.

¹⁸ Шу асар, 488-бет.

¹⁹ Шу асар, 507-бет.

²⁰ Шу асар, 402-бет.

²¹ Шу асар, 428-бет.

Хуллас, бу асар XI аср қабилавий тилларни бирлаштиришга, у тилни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Бу асар тили пухта системага тушган адабий тил сифатида ҳаммани эргаштирувчи асос ва намуна бўлди. Албатта, ҳар хил фарқларда бирлик юза-га келиши узоқ вақтни талаб қилади. Турли хил адабий ва илмий асарлар жонли тиллардаги кучли алоқа таъсирида юзага келади. Лекин бу асар маълум масалаларда умумийлик яратди ва маълум масалаларга умумийлик яратиш учун замин ҳозирлади.

Бундан ташқари, «Қутадғу билик» ўз даврининг юксак ба-двий асари сифатида ҳам бениҳоят муҳим ҳужжат. Чунки у энг эски адабий асар намунаси сифатида сўнгги босқичлардаги ёзув-чиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган, сўнгги давр ёзувчилари ун-дан фойдаланганлар. Шунинг учун бу асар сўнгги давр ёзувчи-лари асарларида учрайдиган адабий таъбирлар, поэтик образлар, рамзли ишоралар, шеърийга хос услуб ва иборалар ва ҳатто айрим номлар каби бир қанча масалаларнинг моҳиятини очишга ҳам ёрдам берувчи бениҳоят муҳим асардир.

XI Асрнинг улуг тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий

XI асрда бир шаҳар билан иккинчи шаҳар халқлари, бир қа-била билан иккинчи қабила аъзолари ўртасида алоқа ва муно-сабатлар кучаяди, бироқ тилда хилма-хиллик ҳукмрон эди. Тилда мавжуд бўлган хилма-хилликларга барҳам берил-ти, тилда маълум нормалар яратиш каби улуг ва ғоят шарафли ишга эҳтиёж туғилади. Ана шу талабга жавобан Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарини ёзди.

* * *

Ўрта Осиё халқларининг атоқли фарзанди Маҳмуд Кошға-рий XI асрда яшаб ижод этди. Унинг бебаҳо «Девону луғотит турк» асари у давр маданий ҳаётида ва тилшунослик тарихида алоҳида саҳифа очди. Унинг асари ўз даври учун бениҳоят катта воқеа бўлгани каби, туркология фани соҳасида ҳам биринчи на-муна бўлди. Маҳмуд Кошғарий туркология фанининг дастлабки устоди бўлди, туркологиянинг маҳсус фан сифатида ривожлани-шига асос солди. Шунинг учун ҳам у аллақачонлар жаҳон миқ-ёсида буюк олим сифатида танилди. Туркологлар, тарихчилар, адабиётшунослар, археологлар ҳануз унга улуг устод сифатида чуқур ҳурмат билан қараб ёндашадилар, унга асосланадилар.

Афсуски, бу улуг олимнинг муҳим асари ҳанузгача жамоат-чилик назаридан четда қолиб келган ва жиддий ўрганилма-гандир.

Бу ҳол «Девону луғотит турк» асари ҳақида баъзи тутуруқсиз фикрлар тарқалишига ва асар автори шаънига айрим бўҳтонларнинг юзага келишига ҳам сабабчи бўлган. Баъзилар Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларни арабчалаштириб, бузган десалар, баъзи бировлар, асар арабчадан таржима қилинган, деб масъулиятсизлик билан Маҳмуд Кошғарий ва унинг асарига туҳмат қилганлар. Масалан: немис турколог Бергштроссер девонни 850 ҳижрий йилда вафот этган Абу Иброҳим ал Форобийнинг арабча «Девонул одоб» деган асарининг таржимаси, деб ёзган²². Бу хил тутуруқсиз фикрларнинг пайдо бўлишига қисман асарнинг кенг тарқалмагани ва жиддий ўрганилмагани сабаб бўлди. Ахир, у ҳақда ҳануз бир жиддий илмий текшириш ишини кўрсатиш қийин. Шунинг учун биз дастлаб улуг олим Маҳмуд Кошғарийнинг шахсияти ҳақидаги мулоҳазаларимизни айтишни мувофиқ топдик.

Маҳмуд Кошғарийнинг тўлиқ исми: Маҳмуд Ибнулҳусайн ибн Муҳаммадил Кошғарийдир. Унинг бобоси Қашғарда туғилган бўлса ҳам, асосан Баласоғунда ҳаёт кечирди. Унинг туғилган йили аниқ бўлмаса ҳам, девон ёзилган вақтларда (1068 йилда) анча ёшларга боргани аниқдир. Чунки девон устида у узоқ йиллар ишлади, дастлаб у кўп йиллар юртма-юрт кезиб материал тўплади, Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган кенг ва катта территорияни бирма-бир кезиб чиқди ва бу катта территорияда яшаган уруғлар, қабилалар, халқларнинг ўзини, уларнинг касб-корларини, турар жойларини, нуфузларини аниқлади ва уларнинг тилларини синчиклаб ўрганди. Натижада у шунча катта территорияда яшаган барча қабилаларни ва уларнинг тилларини жуда пухта ва мукаммал аниқлашга муваффақ бўлди. Ҳатто у ҳар бир сўзнинг қайси қабиллага тегишли эканини, сўзларнинг қадимги ва ҳозирги вариантларини, сўзларнинг маъно ва шаклларида доир хусусиятларини, сўзлар талаффузида қабилалар орасидаги мослик ва фарқларни ҳар томонлама аниқлаб чиқди ва ниҳоят тартибга солди. Шундай узоқ ва чидамли меҳнат натижасида у ўзининг «Девону луғотит турк» деб аталган бебаҳо асарини яратди. Унинг бундан олдин ёзган *جواهر النحو في لغات الترك* «Жавоҳируннаҳви филуғотиттурки — туркий тилларнинг наҳв қоидалари» деган асари ҳам бор эди. Афсуски, бу асар бизга етиб келмаган, бу асар яна ҳам мураккаброқ эди, у асар яна ҳам кўпроқ вақтни олган эди, шунинг учун Маҳмуд Кошғарий девоннинг охирида: «Бу китоб умримнинг охирига етказди»,— деб ёзди. Мана шуларнинг ҳаммаси девон ёзилган вақтларда Маҳмуд Кошғарий-

нинг анча ёшларга борганидан, кексалигидан, унинг XI аср бошларида туғилганини тахминлаш мумкинлигидан дарак беради.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг боболарини сўз бошидаги «а»ни «ҳа» қилиб сўзловчи қабилалардан деб кўрсатган. Бу кўрсатма унинг қайси қабиладан эканини аниқлаб бермаса ҳам, унинг жуда илгариги даврлардан шу территорияда катта ўрин тутган бир қабилла фарзанди эканини жуда аниқ кўрсатиб беради. Чунки қадимги ёзма ёдгорликларнинг тил фактларига кўра ҳам, ҳозирги тил фактларига кўра ҳам бу хил тил хусусиятига эга бўлган қабилалар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Бу қабилла девон ёзилган даврга нисбатан борган сари кенг ўрин олган ўзбек қабилаларининг биридир. Навоий давридаёқ бу қабилла, катта нуфуз қозонган эди. Девон ёзилган вақтда у қабилла тилида асосан «а»ни «ҳа» қилиш кўринган бўлса, Навоий даврида «ў»ни «ҳў» қилиш «о»ни «ҳо» қилиш ва «у»ни «ҳу» қилишгача кенгайганлиги Навоий асарларида аниқ кўринади. Ўл — ҳўл, ўкуз — ҳўкуз, ович — ҳович, улқар-ҳулқар каби. Ҳозир булар Қорақалпоғистон АССР ва Қурамада, Фарғонанинг айрим районларида, Қорабўлоқ ва бошқа жойларда яшайдилар. Маҳмуд Кошғарий ана шу қабилалар фарзандидир.

Маҳмуд Кошғарийнинг қаерда, қачон ва қанча ўқигани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Туркий тиллар соҳасида биринчи марта қондалар яратган, етук олим Маҳмуд Кошғарий, ҳеч шубҳасиз, ўз даврининг энг юқори маълумотли олим ва фозилларидан эди. У араб тили, араб адабиётини, форс адабиётини жуда асосли эгаллаган эди. У ғоят принцили, тақлиддан узоқ, масалани фактлар асосида ҳар томонлама пухта ўрганиб иш қилувчи алоҳида шахс эди. У илмга, хусусан тил илмига қаттиқ эҳтирос қўйган олим эди. Унинг девон ёзиш устидаги хатти ҳаракатлари шуни исботлайди. У ёзди: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқладим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим, бўлмаса мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хуш фаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найздорларидан эдим («Девону луғотит турк, I т., 9-бет»). Шунинг ўзи ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг ин тартиби нечоғлик пухталигини, ўз ишида пухта илмий метод қўллаганини, тил фактларига тўғри ёндашганини, ишга ўта кетган ҳарислигини, эҳтиёткорлигини, ўз даврининг улуг тилшуноси эканини яққол кўрсатувчи фактдир.

Маҳмуд Кошғарийнинг узоқ вақтлар юртма-юрт кезиб тўплаган материаллари унга, биринчидан, ўша давр тилини ҳар то-

²² Востокведческий литературный журнал, т., 24, стр. 154.

монлама ёритишга имконият тугдирган бўлса, иккинчидан, бу усул билан бор тил фактлари асосида пухта илмий хулосалар чиқаришга ҳам йўл очди. У материаллар Маҳмуд Кошғарийга, у давр тилининг фонетикасини, лексикасини, морфологиясини, диалектологиясини жуда пухта ва тўла илмий асосда изоҳлаб беришга асос бўлди. Маҳмуд Кошғарий ўзининг иш методи билан ҳам намуна бўларлик оригинал олим эди. Девонда берилган изоҳларга кўра у асарни ишлашга киришишдан бошлаб қандай тамомлаш ва қандай усул қўллаш ва бошқа масалалар ҳақида узоқ фикр юритди ва иш усулини пухта планлаштирди. Шунинг учун ҳам у давр учун бениҳоят улуғ ва мураккаб ҳисобланган бу катта асарни ўз вақтида охирига етказишга муваффақ бўлди. Ахир у даврда луғатчилик соҳаси янги масала эди. Луғат тўплаш, сўзларни изоҳлаш, зарур ўринларга мисоллар топиш, алифбе тартибига солиш ва бошқа луғатчиликка доир яна кўп ишларнинг ҳаммаси янги иш эди. Ана шуларнинг ҳаммасини унинг бир ўзи бошлади ва қутулгандан ортиқ даражада сифатли қилиб тамомлади. Бунда унинг иш бошидаги пухта плани ва ўз олдига қўйган вазифани кўнгил билан ишлаши, унда бўлган зўр лингвистик истеъдод (дид) катта ёрдам берди.

Асар ёзиш устида тузган планига мувофиқ у дастлаб кўп йиллар юртма-юрт юриб халқ оғзидан луғатлар тўплади. Сўнг уларни ўзига хос бир усулда тартибга солди ва ниҳоят уларни керагича изоҳлаб, керакли мисоллар билан таъминлади. Бу хил иш усули унга луғатларни изоҳлаш ишини осонлатиш, сўзларни тўла илмий асосда тўғри изоҳлашга ёрдам бериши билан бир қаторда, асарга у яна кўп янги масалалар орттиришга, асар мундарижасини яна ҳам турли лингвистик қондалар билан бойитишга имконият тугдирди. Натижада Маҳмуд Кошғарий йирик лексиколог сифатида у давр тилининг бутун лексик хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлди. Унинг асарида омоним ва синонимлар, антоним ва метатезалар, сўзларда тўлиқ ва қисқа вариантлик, диалектал лексика ва бошқа кўпгина лексик хусусиятлар биринчи мартаба лексиканинг мустақил бўлимлари сифатида изоҳлаб берилди. Унинг асарида бу масалалар махсус бўлимлар сифатида изоҳланмаган. Чунки луғат китобида бу хил масалаларни алоҳида изоҳлаш қондага хилоф эди. Лекин Маҳмуд Кошғарийнинг сўзларни изоҳлашда тутган пухта илмий методи йўл-йўлакай бўлса ҳам, бу бўлимларни махсус бўлим ҳолида ифода-лаб бера олганидан дарак беради. Масалан, девонда ун, тўрт каби жуда кўп сўзлар кўп маъноли омонимлар экани, табиб маъносида эмчи, ўғоч каби теги қўллашувчи кўпгина синоним сўзларнинг кўрсатиб берилган.

У сўзларни изоҳлашда ҳам ўзига хос алоҳида маҳорат кўр-

ганини ҳеч қим тавонидан олгани изоҳланмаган сўзларга биринчи марта изоҳлар берили. Ишбуҳасиз, энча қийин ва оғир эди. Лекин бу қийинчиликни Маҳмуд Кошғарий тугал ҳал қилди. У сўзларни изоҳлашда зарур қонуниятларни мукаммал эгаллаган мутахассис каби вазифани тўла-тўқис бажарди. У ҳар бир сўз устида хилоқ ва махсус кузатиш олиб борган мутахассислар таърифи сифати аниқ ва тўлиқ изоҳлар берди. Унинг изоҳларида сўзлар маъносининг истеъмоқ ўрни кенгайиб бориши, абстрактланиш мисоллари, ҳатто унинг сўзлар ҳақидаги изоҳлари қанчалик қатъийлиги ёки дастлабки гипотеза экани, бу масала устида у даврлардаги бошқа тилшунос олимларнинг мулоҳазалари ва бошқалар ҳам очиб берилган. Маҳмуд Кошғарий айрим сўзларни изоҳлар экан, баъзан меннинг текширишимча шундай, деб кўрсатса, баъзан бу ҳақда ҳамма олимлар иттифоқ, деб уқтиради. Баъзан буни мен ўз кўзим билан кўрдим, деб изоҳлайди ва баъзан мен шундай тахмин қиламан, деб ҳалол арз қилади. Асарда Маҳмуд Кошғарий ўша давр луғат составида мавжуд ҳамма сўзларни, ҳар хил сўз туркумларини, сўзларда шакл ва мазмунда доир ҳар қандай ҳолисаларни ўз даври тилшунослигига ишорат қиладиган жуда пухта ва илмий асосда изоҳлаб берди. Сўзлар этимологияси ҳақида, сўз ясалishi ҳақида ва ҳар хил сўз туркуми асосини аффикелар ҳақида биринчи марта у қондалар тузди. Ҳар биринчи бу масалаларни йўл-йўлакай кўрсатиб борди. Маҳмуд Кошғарийнинг сўзлар устидаги узоқ текширишлари унга ҳар бир сўзнинг этимологияси, сўзда айрим даврларда юзага келган фонетик ва семантик ўзгаришлар, у ёки бу сўз талаффузида қабилалар тилидаги фарқ ва бошқалар ҳаммаси аён ва равшан бўлган эди. У ўз асарида сўзларнинг маъносини изоҳлар экан, сўзларга бўлган турли-туман хусусиятларни ҳам изоҳлаб беришни зарур топди ва йўл-йўлакай сўзларнинг ҳар хил хусусиятларини кўрсатди берди. Лекин бу хил масалалар кўп вақт олар ва кўп урни талаб қилар эди. Ҳатто бу хил масалаларнинг бир қисми махсус қондалар тузишини ҳам талаб қилувчи катта бир иш эди. Ҳолбуки, бу хил ишларга асар структураси ҳам, вақт ҳам йўл бермаг эди. Маҳмуд Кошғарий қўлай, ихчам йўл асосида катта қонуниятларни тушунтириш усулини қўллади. Масалан, у сўлоқ сўзини қуйидагича изоҳлайди: Сўлоқ: талоқ, қора жигар. Бу сўз синонимлар луғатдир. Бу сўздаги с ҳарфи т ҳарфи ўрнига алмашганлиги. Арабча طست و سلس سўзларидаги каби, бу сўзларнинг асли طس و ست дир. Бу ерда арабчага ўхшашликни кўрсатиш, баъзилар ўйлаганча туркий сўзларни арабчага ўхшатиш эмас, балки бу фонетик қоида араб тили дарсликларида кўрсатилганлигига ишорат қилиш, бу қоида туркий тилда ҳам бор-

лигини уқтириш, бу хусусият тилда муҳим қонунлардан эканидан хабардор қилишдир. Бу усулни у кўпгина масалаларда, қофия ва вазн масалаларида, грамматик хусусиятлар ва мақолларда ҳам қўлади. Шу билан ҳам у ўз асарида тил хусусиятига доир кўп масалаларни қиёсий усул билан ихчам ибораларга сиғдиришга имконият топди. Унинг асарида от, сифат, сон, олмош, феъл, равишдошлар, ҳатто у давр тилидаги кўмакчи ва боғловчилар, ундов ва тақлидий сўзлар ўз ифодасини топди. Асарда сўз турларининг ҳар бири жуда бой фактлар асосида биринчи марта қоида остига олинди. Ҳатто у сўзлар маъноси ҳақида ҳам лингвистикада анча кейин аниқланган хусусиятларни ўша даврдаёқ ўртага қўйди. Сўзларга янги маъно юклаш йўли билан ҳам янги сўзлар ясалишини кўрсатиши шу хил янгилликлардандир. Унинг кўрсатишича, янги сўз тилда ёлғиз аффикслар қўшиш, сўзларни бир-бирига бириктириш йўли билангина ясалмай, яна кўп усуллар билан ҳам ясалар эди. Улардан бири сўзга янги маъно юклаш усули эди. Маҳмуд Кошғарийнинг фикрича, сўзларга янги маъно юклаш усули қуйидагича эди:

1. Сўзларни энд, қарама-қарши маънода қўллаш билан ҳам янги сўз ҳосил бўлади. Масалан, сучик сўзи олдин ширинликкагина қўлланиб, сўнг аччиғ таъмлик ичкиликка қўлланиши шунга мисолдир. У кўр сўзини ҳам ана шундай зиддият асосида юзага келган, деб уқтиради.

2. Бутун ўрнида бўлак, бўлак ўрнида бутун қўллаш асосида янги сўз пайдо бўлади. Сабан сўзи илгари қўш ва омовларнинг ҳаммаси маъносида қўлланган бўлса, бу сўз сўнг фақат омовга хосланиб қолиши шундайдир.

3. Сўзлар пайдо бўлиш ўрнига кўра янги маъно англатади, масалан, киши аъзоси маъносидаги ўпка сўзи сўнг аччиғ, ғазаб маъносида қўллана бошлаши шунга мисолдир. Ёмғир маъносида бўлут ва осмон сўзини қўллаш ҳам сўзлар пайдо бўлган ўрни асосида янги маънога кўчиб, янги сўз ясалишини кўрсатувчи мисолдир. Уғузлар қий-гўнгни оғил дейишлари ҳам, бош сўзи ўрнида соч сўзини қўллаши ҳам шундай. Сўзда янги маъно масаласида Маҳмуд Кошғарий қарашларини бу ерда тўла равишда кўрсатиш ўринли эмасдир. Унда сўзларнинг кўчма маънолари ҳам кенг изоҳланган. Қиз сўзини қиймат маъносида қўллашни мажозий деб кўрсатган. Туғмоқ сўзи илгари фақат одамга нисбатан қўллана эди. Сўнг бу сўз ҳайвонларга нисбатан ҳам қўллана бошлаган. Бу ҳодисани Маҳмуд Кошғарий воқеанинг юзага келишидаги ўхшашлик муносабати билан сўзни истиора усулида қўллаш деб уқтирган.

Хуллас, Маҳмуд Кошғарий ўз асарида сўзга жуда кенг ўрин берди. Ўша даврда халқ оғзида қўлланган ҳамма сўзларни тўп-

лади ва уларнинг ҳар қандай жанрларда қандай қўлланишини зўр чидам билан пухта аниқлади. Сўзларга доир ҳар қандай хусусиятини ўз даври тилшунослиги савиясига нисбатан анча кенг ва чуқур, мукамал ифодалаб берди. Шунинг ҳам айтиш керакки, у айрим лексик хусусиятларда ўша давр тилшунослигига хос хатоларга ҳам йўл қўйди. Масалан, лексик бойликда катта ўрни туғиши қўшни тиллардан кирган сўзларни у манфий ҳодиса деб қаради. Шунинг учун у хил сўзларни ўз асарида беришдан тортинди. Лекин шунинг ҳам айтиш керакки, Маҳмуд Кошғарийнинг четдан кирган сўзлар устидаги қараш икки хил эди: 1) турмушга кирган асбоб, ашёлар воситаси билан кирган сўзлар. Турли хил хитой, ҳинд, рус кийимлари номлари, овқатлар номи, дори-лар номлари. Буларни у зарур ва фойдали деб ҳисоблади. Шунинг учун бу хил сўзларни ўз асарида мукамал изоҳлаб берди. 2) тилда бўлган сўзлар ўрнида бошқа сўз қўллаш. Буни у зарарли ҳисоблади. Масалан, кўзаж ва кумғон сўзлари бўлгани ҳолда сўзларнинг форсча офтова сўзини қўллашлари каби ҳолларни у қаттиқ қоралади.

Маҳмуд Кошғарий ўз даврининг йирик фонетика олими эди. У ўз асарида фонетикани махсус бўлим сифатида изоҳламаган. Чунки асар структураси уни талаб қилмаган. Лекин Маҳмуд Кошғарийнинг зарур ўринларда йўл-йўлакай берган фонетик уқтиришларида у давр тили фонетикаси анча кенг изоҳланган. «Девону луготит турк» устидаги кузатишларимизга кўра, Маҳмуд Кошғарий ҳар бир товуш устида махсус текшириш олиб борди ва тилда бўлган ҳар бир товушни тўла илмий асосда ўрганди. Товушларнинг комбинация натижасидаги мавқеларини, физиологик ва акустик ҳолатларини аниқлаб чиқди. Унинг бу соҳадаги чидаман меҳнати, бир тарафдан, жуда кўп сўзлар этимологиясини фонетик қонунлар орқали пухта илмий асосда аниқлашга имконият яратган бўлса, иккинчидан, ўша давр тилшунослигида фонетикага хос кўпгина янгилликларни очишга, бу соҳага бир қанча янгилликлар қўшишга, фонетикани бир қанча янги қондалар билан бойитишга имконият яратди. Товуш ва ҳарфлар муносабати биринчи марта у аниқлади ва у давр ёзувида мавжуд ҳарфлар жопли тил товушларини ифодалашдан оғиз эканлигини очиб берди ва биринчи марта ёзувдаги ана шу камчиликни тўлдирди. Чунки бир қанча янги белгилар тайинлади. У ёзди: «Туркий тилдаги товушлар ўн саккизта ҳарфлар ўн саккизтадир. Ҳолбуки тилдаги товушлар ўн саккизта эмас, кўпдир. Бу ўн саккиз ҳарф еттимайди. Булардан бошқа тилда бўлган товушларни бериш учун яна етти ҳарф керак. Лекин у ҳарфлар йўқ. У етти товушни яна шу мавжуд ҳарфлар устига махсус белги қўйиб ёзилади» («Девону луготит турк», I т., 7—8-бет).

Маҳмуд Қошғарийнинг асарида унлилар системаси, унлиларда кенглик ва торлик, чўзиқлик ва қисқалиқ, унлилар масаласида қабилалар тилига хос хусусиятлар ва уларда теги келиши ҳодисаси ва бошқалар кенг ёритилгандир. У ёзади: «Ёғоч сўзини кенг унли билан ҳам, тор унли билан ҳам қўллаш мумкин». (I т., 76-бет). Бизда ҳозир ҳам бу сўз ана шундай икки вариантда қўлланади. Тўр — уйнинг тўри, тўр — баянқ овлайдиган тўр. (III т., 87-бет). Уй сўзини тор унли билан ҳам, кенг унли билан ҳам қўллаш мумкин. Аран — эрлар. Аран (чўзиқ а билан) — отхона. (I т., 73-бет). Қуриғ ҳам мумкин, қуриғ ҳам мумкин. (I т., 18-бет).

Девонда ундошлар системаси, содда ундошлар, комбинатор ундошлар, ундошларда жараиғланиш ва жараиғсизлик хусусияти, икки ундошнинг қатор келиши, ундошларнинг артикуляция асосидаги ҳолатлари, айрим қўшни тиллардан кирган ундошлар кенг изоҳлаб берилган. Маҳмуд Қошғарий ёзади: «Туркий тиллар сўзларидаги товушларда торлик, кенглик, қаттиқлик, юмшоқлик, икки ундошнинг қатор келиш ҳолатлари бор (қаранг: Девон, I т., 10-бет).

... Бу тилда бурун товуши келган сўзлар ўрнига кўра ж ҳарфи билан бириктиб келади, биринч, бешинч деганлагини каби ёки «н» «г» билан бириктиб келади минг, юнғ деганлагини каби. (III т., 262-бет) ... ҳ товуши ҳинд халқи билан аралашини натижасида тилга кирган товушдир (қаранг: Девон, I т., 9-бет).

Маҳмуд Қошғарий тил фактлари устида узоқ ва чидамли текшириш натижасида тилда ҳарф тушиш, алмашиши, сингиши каби қонда борлигини биринчи марта аниқлади, бу масалаларга қондалар туздн ва ўз асариди, ўрни келганда, бу хусусиятларни кўрсата борди. Тилда фонетик қондалар тил тараққиёти қондасига мувофиқ турли ўзгаришларга учраган сўзлар тарихини ўрганиш, сўз этимологиясини аниқлашда бениҳоят муҳимдир. Масалан, ҳўллаб ичмоқ маъносидаги сўзнинг Қўқон шевасидагина ҳўпитмоқ — чўмилмоқ сўзида қолганини кўрамиз, холос. Шу ҳолда бу сўзнинг этимологиясини товуш ўзгариш қондаси асосидагина аниқлаш мумкин. «Девону луғотит турк»да ўпмоқ сўзнинг икки маъноси бўлгани изоҳланган: I— ўпмоқ (III т., 143-бет.) 2— ичмоқ (III т., 87-бет.) Лекин бу сўзнинг иккинчи маъноси истеъмодан чиққан. Қўпдан бизда фақат биринчи маънодагина қўлланади. Бу сўзнинг иккинчи маъноси фақат ҳўлламоқ, ҳўпитмоқ сўзларидагина сақланиб қолган, демак, ҳўлламоқ сўзнинг асли ўлламақдир. Бизгача сўз олдига бир ҳарф орттирилган формада ўзгариб етиб келган.

Фикр қилмоқ маъносидаги ўлламоқ сўзнинг ўзаги ўй бўлиб, «ла» аффикси қўшилиб феъл ясалгандир. Демак, ўй — фикр, хаёл

маъносида қўлланган деб тахмин қилишга тўғри келади. Қолбуки, бу қараш тўғри эмасдир. «Девону луғотит турк»да бу сўз уч ерда: I т., 50-бет, 55-бет, 129-бетларда учрайди. Ҳар ерда қазилган ер, ер ўй, турар жой маъносидагина изоҳланган. Уя сўзи ҳам ана шу ўзақдан ясалган. Бу сўзнинг бу маъноси фикр, хаёл маъноларидан тамом бошқадир. Демак, фикр, хаёл маъносидаги сўзнинг ўзаги ўй эмас, бошқа бир сўз бўлиб, у ҳарф алмашиш ҳодисасига учраб, бизга ўзгариб етиб келгандир. Бу сўзнинг асли ўй эмас, ақл, фикр, хаёл маъносидаги ўғдир. Бизга ҳарф алмашиш қондасига мувофиқ ҳарф ўзгариб етиб келган. Бу хил мисоллар жуда кўп. Масалан, ҳозир Тошкентда чиройлик сўзнинг синоними сифатида қўлланувчи кўҳлук сўзнинг ўзаги юзаки қаранганда кўҳ сўзига лик қўшилиб ясалган деб тахминлаш мумкин. Аслида бундай тахминлаш хатодир. Бунинг асли кўркили бўлиб бу сўз бир неча хил фонетик ўзгаришлар билан ўзлашган:

1. Бу сўзда ўзбек тилида мавжуд бўлган товуш тушиш фонетик қондасига мувофиқ р ҳарфи тушган, «р» ҳарфининг тушиши ўзбек тилида кенг тарқалган ҳодисадир. -лар аффиксидан берг, чарм сўзларидан р тушиши ҳаммага маълум.

2. к ҳарфи ҳ га алмашган. «к»нинг «ҳ»га алмашиши ҳам ўзбек тилида кенг тарқалган. Сўзларнинг этимологиясини аниқлаш жуда кўп қабилалар сўзларини қиёсий асосда текшириш Маҳмуд Қошғарийга фонетик ҳодисаларнинг тилда тутган алоҳида муҳим маъқенини аниқлаб берди. У бу хусусиятни синчиклаб ўрганиди ва биринчи марта бу ҳақда ўзига хос қондалар яратди. Фонетикани биринчи марта у мустақил илм сифатида изоҳлашга асос солди. У тузган фонетик қондалар бизгача бўлган шунча узоқ муддатда қайта-қайта ишланса ҳам, кўплари ҳамон ўшандай аниқланиб келиши таҳсинга сазовордир. Масалан, у ассимиляция ҳақида шундай ёзган эди: «д» ҳарфи п, т, ч, к ҳарфларига қўшилганда ўша товушга сингиб «т» га айланади: топти, етти, очти, экти каби» («Девону луғотит турк», II т., 28-бет.)

Бу фонетик хусусият ҳозирги ўзбек тили дарсликларида ҳам шундай кўрсатилади.

Маҳмуд Қошғарий ўз даврининг улуғ диалектологини эди. У ўша даврнинг бениҳоят мураккаб вазиятдаги қабилаларини ва уларнинг тилларини мукаммал аниқлаб чиқди. Маълумки, XI асрда Ўрта Осиёда яшовчи қабилалар ҳам, уларнинг тиллари ҳам у давр тузуми шаронтига мувофиқ анча мураккаб вазият олган эди. Илгариларда кам нуфузли бўлган қабилалар йириклашган, баъзи қабилалар бир-бирлари билан бириктишган, янги-янги қабилалар пайдо бўла бошлаган эди.

Илгарироқ бошчилик қилган айрим қабилалар вақт ўтиши билан ўзларининг бошдаги маъқеларини йўқотиб, янгидан маъму-

рийатга кўтарилган қабилаларга тобе бўлиб қолган бўлсалар, бошқа мамлакатлардан келиб жойлашиб қолган кичик нуфузли қабилалар ҳам ўсиб, униб йирик қабилалар қаторига кўчган эди.

Маҳмуд Кошғарий қабилалар масаласига алоҳида аҳамият берди. Бу тўғрида у махсус илмий текшириш олиб борди. Ҳар бир шаҳарни ва ҳар бир қишлоқни бошдан-оёқ бирин-кетин тартиб билан систематик ўрганди. Натижада у шунча мураккаб қабилаларни ҳам, уларнинг тил хусусиятларини ҳам, илгарилардан шу ерларда ўсиб-унганларни ҳам, сўнг келиб жойлашганларни ҳам, ҳатто ҳар қабилани ташкил этган сонсиз-саноқсиз уруғларни ҳам мукаммал аниқлаб чиқди ва уларнинг турар жойларини, жуғрофий мавқеларини белгилади ва ўша давр савиясига мос тўла илмий асосда харита тузди. Уларнинг ёнма-ён туришларини қуйидагича кўрсатади: Рум яқинидаги қабилла бажанак, сўнг қипчоқ, сўнг ўғуз, сўнг ямоқ, сўнг бошғирт, сўнг басмил, сўнг кой, сўнг ябоку, сўнг татар, сўнг қирғиз—булар Чин яқинида, Рум ёнидан Чинга қадар чўзилган қабилалардир. Сўнг чигил, сўнг тухси, сўнг яғмо, сўнг игроқ, сўнг жорух, сўнг жумул, сўнг уйғур, сўнг тангут, сўнг хитой Чин шаҳридадир. У ҳатто бу қабилаларни ташкил этган уруғларни ҳам аниқлаб чиқди. Лекин уларнинг ҳаммасини ўз асарида кўрсатишга зарурат кўрмади. У ёзади: «Ҳар бир қабиланинг беҳисоб кўп уруғлари бордир, лекин мен ўз асаримда уларнинг ҳаммасини баён қилмадим, фақат ўғуз қабиласининг уруғларини ва уларнинг чорваларга қўллайдиган тамғаларининггина намуна сифатида кўрсатиш билан чекландим» (Девон, I том, 27-бет).

Маҳмуд Кошғарий қабилаларни тарихий асосда ёритди. Илгариларда катта ўрин тутиб, XI асрда эргашувчи қабилалар ҳолига тушган қарлұқлар, тангутлар, басмил ва бошқалар ҳам девонда кенг изоҳланди. Урхун ёдгорликларидан маълум бўлишича, бу қабилалар IX—X асрларда илғор роль ўйнаган эдилар. Лекин XI асрларда булар ўзларининг у мавқеларини йўқотиб, бошқа қабилаларга сингиган эди. Маҳмуд Кошғарий ҳатто илгарилар бу ерларга келиб жойлашиб қолган бошқа халқ тоифаларини ҳам синчиклаб ўрганди. У тубутлар ҳақида шундай маълумот беради: «Тубутлар турк диёрида яшовчи бир қавм: Кийик-Мушки (кийикнинг киндигидан кесиб олиб ҳозирланадиган атир) тубутларда бўлади. Тубутлар бир жиноят қилиб, Ямандан қочиб, денгиз йўли билан Чинга бориб ўрнашиб қолган, бола-чақа қилиб ўрчиган, Бани собит авлодларидир. Ҳозир улар бир минг беш юз парсах ерда яшайдилар. Шарқ томони Чин, ғарб томони Қашмир, шимол томони Уйғур, жануб томони Ҳинд денгизидир. Улар ўз тилларини йўқотиб, туркий тилни ўзлаштирган бўлсалар ҳам, ҳануз уларнинг сўзларида ўз тилларига мослаштириш фар-

қи сезилиб туради. Чунончи, онани «ума» дейдилар, отани «аба» дейдилар». Бу қабилалар лексикаси ҳақидаги бу маълумотлар тилшуносларга ва уларнинг тарихий жиҳатдан улар қайси тилга яқинлигини очиб беришда катта аҳамиятга эгадир. Маҳмуд Кошғарий айрим шеваларгагина хос бўлган тил ҳодисаларини ҳам, кўпчилик қабилаларнинг умумлашган тил хусусиятларини ҳам ўз асарида изчил равишда кўрсатиб берди. Бу хил маълумотлар Урта Осиё халқлари тилларининг, шу жумладан, ўзбек тилининг ташкил топишида асос бўлган қабилаларни аниқлаш учун ёрдам берувчи бениҳоят муҳим материал бўлиб хизмат қилади. Ҳатто унинг асарида қабилалар тилида сўз ясалиш масаласи ҳам тўла ёрилди. У тил фактлари асосида қабилаларнинг бир-бирига бўлган муносабатини кўрсатди ва ниҳоят у даврдаги иқтисодий, ижтимоий шароитлар асосида қабилаларнинг бир-бирлари билан бирика бошлаши натижасида юзага келган бошланғич халқ тили намуналарини ҳам яққол ифодалаб берди. Маҳмуд Кошғарий ўз асарида ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татар ва бошқа халқларнинг қадимги қабилаларини ва бу халқларнинг қадимги содда тилларининг намуналарини мукаммал ифоҳлаб берди. Бу халқлар девон материаллари асосида ўзларининг тиллари қайси қабилла тили асосида тараққий этиб, камолга еганини аниқлай оладилар. У ўзининг камтарона «Луғатлар тўплами» деган асарида у даврнинг мукаммал диалектологиясини яратиб берди.

Бу бўлим ҳозирги Урта Осиё халқлари тарихи учун, шу жумладан, ўзбек халқи тарихи учун ҳам бениҳоят муҳимдир. Чунки қабилла масаласи тарихий категориядир. Унинг боши ибтидоий жамият формаси — уруғчилик даврига бориб тақалса, охири жамиятда юзага келган тараққиёт натижасида ташкил топган халқ ва миллат билан боғланади. Шунинг учун қабилла масаласи халқ ва миллат тарихи билан чамбарчас боғланади ва халқ тарихини аниқлашда муҳим асос бўлади. Лекин қабилла масаласи қанча муҳим бўлса, шунча мураккаб ва қийиндир. Қабилла масаласи ҳақида айрим тарихий асарлар чалкашликларга, баъзи тарихий асарлар кўпол хатоларга йўл қўйди. Айниқса Урта Осиё халқларининг қадимги қабилалари айрим тарихий асарларда кўпол равишда бузиб берилгандир.

Маҳмуд Кошғарийнинг қабилалар ҳақидаги маълумотлари ана шундай чалкашликларга хотима бериш, Урта Осиё халқлари тарихи, шу жумладан, ўзбек халқи тарихи ва ўзбек тили тарихи учун аниқлаш қийин бўлган масалаларни аниқлашда бениҳоят муҳимдир. Афсуски, у қабилалар изоҳида айрим аниқсизликларга ҳам йўл қўйди. Унинг изоҳларида айрим қабилалар баъзан бир хил бўлиб қолсалар, баъзан улар фарқли қабилалар каби изоҳ-

лашадилар: ушга уруғ яқинлиги асосида юзга келган қабилалар ёки иқтисодий, иқлимий шартлар натижасида яқинлашган қабилалар изоҳида ҳам аниқсизлик бор. Айниқса бу ҳақда унинг ўз хулосалари ўзи изоҳлаган фактлардан ажралиб қолиши каби ҳоллар бу ҳақда яна ҳам жиддийроқ текширишни талаб қилади.

Маҳмуд Кошғарий шунча кенг территорияда яшаган қабилла ва халқлар тилини, улар тилларидаги фарқ ва бирликни, айрилиқ ва яқинлик каби бениҳоят оғир масалаларни аниқлади. Уларнинг тиллари ҳақида мукаммал асар яратди. Бу билан у туркий тиллар тарихида, туркология илмида, туркология тарихида юксак ўрин олди. Шу билан бирга Маҳмуд Кошғарий ўз асарида тил назарияси масаласида ҳам биринчи олимдир. Тилшунослик илмидаги энг қийин масалалардан бўлган тилнинг келиб чиқиши, сўз туркумларининг қай бири олдин пайдо бўлганлиги, икки тиллик масаласи, чет тиллар таъсири масаласи каби қатор соф назарий масалаларга ҳам тўхталди. Иккинчи хил айтганда, тил назарияси соҳасида ҳам назарийчи олимлар қаторидан ўрин олишга сазовор бўлди. Шунини ҳам айтиш керакки, бу масалаларда у, албатта, ўша давр савиясига мос фикр юритди. Марксистик нуқтаи назардан уларга айрим эътирозлар қилиш, қўлига тузатишлар киритиш мумкин бўлса ҳам, бу масалаларда дастлабки мулоҳазалар унинг шарафига оиддир.

Девондаги тил фактлари ёлғиз XI асргагина оид бўлмай, улар яна ҳам қадимги даврлар тилидан ҳам намунадир. Чунки Маҳмуд Кошғарий тил фактларига тарихий асосда ёндашади. У ўз олдига тил тарихини ёритиб беришни асосий вазифа қилиб қўяди. Унинг ўз сўзи билан айтганда, у бу асарини тилнинг қадимги ҳолини ўрганувчиларга нарвонлик хизматини қилувчи қўлланма, кейинги даврдаги тил ўрганувчи тадқиқотчиларга унга қисс қилиб фойдаланишлари ва керакли илмий хулосаларни чиқара олишларига мос кўприк қилмоқчи бўлган эди. Шунинг учун у ўз асарида тил фактларининг ўша даврга хос хусусиятларини ҳам, аввалги ҳолатини ҳам, қадимги даврлардан бошлаб китоб ёзилган давргача юзга келган ўзгаришларни ҳам изоҳлаб беради. Бу жиҳатдан девон тилнинг жуда қадимги тарихини, уруғчилик даври тилини очиб бериш аҳамиятига ҳам эга бўлган бениҳоят муҳим манбадир.

Маҳмуд Кошғарий ёлғиз тилшуносгина эмас, шу билан бирга у улғу адабиётчи, тарихчи ва бошқа кўп фанлардан хабардор бўлган ўз даврининг йнрик фан арбоби эди. Унинг бизгача етиб келган ноёб асари «Девону луғотит турк» бизга уни мана шундай улғу олим сифатида танитади.

Маҳмуд Кошғарий XI асрда яшаб ижод этди. Маҳмуд Кошғарий билан бизнинг орамызми 9 асрлик гоят чўзиқ бир муддат

ёйради. Бироқ унинг ўз даврида халққа қилган чидамли хизмати уни бизга яқинлаштиради. Ишонларнинг меҳнати, олимларнинг илмий фаолияти кўкларга кўтарилган советлар даври унга шарафли ўрин беради. Унинг илмий мероси Улғу Октябрь куёши остида тенг ҳуқуқ билан тараққий қилаётган Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда бебаҳо дурдона бўлиб хизмат қилади.

XI асрнинг қимматли ёзма ёдгорлиги «Девону луғотит турк»

XI асрда бир қанча илмий, тарихий асарлар яратилган бўлса ҳам, бу асарларнинг кўплари бизга етиб келмаган. Беруний асарлари ва Ибнул Асир, Жўржи Зайдон ва бошқа тарихий асарлар у давргача бўлган қўлига ноёб асарларни Халифа Қўтайба Ҳарорлардан топтириб ёндиртирганидан дарак берадилар. Акад. С. Н. Толстов у даврларда Қўтайба ҳар бир ёзув билган кишини ҳалок қилган, деб ёзади. Шунинг учун у асарларнинг кўплари оғир етиб келмаган. У даврдан бизга саломат етиб келган асарларнинг бири «Девону луғотит турк»дир.

Бу асар катта ҳажмлик уч томдан иборатдир. Асар автори Маҳмуд Кошғарий изоҳдан маълум бўлишича, ҳар уч том 469 шўбача (ҳижрий) ёзилиб битган. У шундай ёзади: «Нок йили тарқаларнинг ўн икки йил номларининг биридир. Бу китобнинг ёзилган йили нок йили эди»²⁸. Асарнинг ёзилиб битган йили аниқ бўлса ҳам, асар устида қанча вақт ишлагани ҳақида бирор маълумот йўқ. Асарнинг катталиги, кўп қиррали экани, унда жуда катта илмий масалалар кўлиги бу ҳақда автор 15 йил ишлаган асар ривоятининг тўғри бўлишига шубҳа қолдирмайди.

Бизга девоннинг биргина қўлёзмаси етиб келган. Қўлёзма Истамбулда сақланади. Қўлёзма ҳақида бунгача деярлик тўлиқ маълумот берилмаган. Шунинг учун биз қўлёзма ҳақида бирор фикр айтолмаймиз. Қўлёзмани кўчирувчи котиб Муҳаммад бини Абу Бақр Дамашқий маълумотига кўра, у қўлёзма асар автори Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қўли билан ёзилган нусхадан кўчирилгандир.

Лекин қўлёзма бизда йўқлиги учун биз ўз таржимамизда («Девон таржимасида») Истамбулда босилган босма нусха асосини кўрдик. Босма нусха катта ҳажмли уч томликдир.

I том—436 бет, II том—294 бет, III том—333 бет. I—II томлар ҳижрий ҳисобида 1333 йилда, III том 1335 йилда босилгандир. Бу қимматли асарни бостириш қанчалик муҳим бўлса, бу ошда у ягона нусханинг бутун хусусиятларини тўла бериш, зарур ўринларни изоҳлаш ва ниҳоят эҳтиёткорлик билан иш олиб бо-

²⁸ Девону луғотит турк, III т., 116-бет.

риш шунча муҳим ва зарур эди. Лекин босма нусхада бу асосий қонда унутилган. Биз ўз таржимамизни Басим Аталай нусхасига солиштириб катта фойда олдик. Мундарижасига кўра девонни икки асосий бўлимга айириш мумкин:

1. Муқаддима
2. Луғат қисми.

Муқаддимада автор турк тилининг аҳамияти ва хусусиятлари, ўз олдига қўйган мақсади, асарнинг тузилиш тартиби, қўлланилган ёзув, феъллардан ясалган исмлар, сўзларнинг тузилиши ва ўзгариши, зикр қилинмаган сифатлар, масдарлар ҳақида, турк табақалари ва қабилалари ҳақида қисқача изоҳ беради.

Луғат бўлимида автор у даврда истеъмолда бўлган ҳамма сўзларни қамрашга интилган ва уларни етарли даражада илмий, тарихий нуқтан назардан кенг ва тўлиқ ёритган. Маҳмуд Қошғарийнинг сўзига кўра, у ўзининг бу асарида ўша даврда истеъмолдан чиққан сўзларнигина тушириб қолдирган. «Мен девонда ишни ихчамлаштириш мақсадида тилда қўлланиб турувчи сўзларнигина бердим. Истеъмолдан чиққанларини қолдирдим». (I том, 5-бет). Маҳмуд Қошғарий девонда архаик сўзлар намунасини ҳам кўрсатиб, уларнинг жуда кўп эканини уқтиради. Бу эса девонда изоҳланган тил жуда қадимий эканлигидан дарак беради.

Сўз шакллари шунча узоқ муддатга етказишда Маҳмуд Қошғарий тугган алоҳида тартибнинг аҳамияти каттадир. Бу тартиб асосида қўлёзма зарарланган, ўзгарган тақдирда ҳам қайси сўз қандай бошланиши, ўртада, охирида қай ҳарф борлиги ва бошқаларни аниқлаш осондир. Эҳтимол, Маҳмуд Қошғарийнинг бу тартибни қўллашда кузатган мақсади ҳам шудир.

Девонда сўзлар иккита (исм, феъл)га айириб кўрсатилади. Олдин исмлар, сўнгра феъллар берилади. Исмларда ҳам, феълларда ҳам олдин ҳамза (у, о, а,) ҳарфлари билан бошланган сўзлар, кейин махсус алифбе тартибида ب (б), ت (т) ва бош-

қа ҳарфлар билан бошланган сўзлар изоҳланади. Девонда оз ҳарфли сўзлар олдин, кўп ҳарфли сўзлар кейин берилади. Маҳмуд Қошғарий энг кам ҳарфли исм икки ҳарфли, энг кўп ҳарфли исм етти ҳарфли деб тахмин қилади.

Марксизм-ленинизм таълимотида ёзма ёдгорликлар жуда юқори ўрин тутати. Марксизм тилга идеалистик асосда ёндашувчи, уни азалий, ирқий ёки табиий ҳодиса, деб кўрсатувчиларнинг идеалистик қарашларини фош қилади ва тилларни узоқ даврлар давомида жамият аъзоларининг иштироки билан, жамиятдаги тараққиёт билан боғлиқ ўсиб ривожланган тарихий категория деб қарайди. Шунинг учун марксизм таълимотида тилнинг тарихини, жамият тарихини ўрганишда ва унинг қадимги ҳолини аниқлаш-

да бирдан-бир асосий ҳужжат ҳисобланган ёзма ёдгорликларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Чунки тил турмуш билан боғли, турмуш талабларига мувофиқ ўсиб такомиллашувчи ижтимоий ҳодисадир. Шунинг учун тил ҳар бир даврда ҳам жамият аъзоларининг ўзаро алоқаси учун хизмат қилиш воситаси бўлади.

Тилларнинг қадимги даврларида юзага келган ўзига хос даврий янгиликлар ўша давр ёзма ёдгорликларида сақланиб қолгандир. Ҳозирги ўзбек тили бу куннинггина маҳсули эмас, балки маълум бир тарихий босқичда қадим юзага келган бошланғич, содда тилнинг ўзгарган, такомиллашган ҳолидир. У бунгача фонетика, лексика, морфология ва бошқа соҳаларда катта ўзгариш ва тараққиёт этапларини кечирган. Ана шу ўзгариш ва тараққиёт йўллари ва унинг қадимги аҳволи қандай бўлганини, у вақтдан бошлаб тилда қандай янгиликлар юзага келганини, уларнинг нимадан иборат эканини илгариги ёзилган ёдгорликлар устида қиёсий асосда текшириш ҳал қилади. Тил тарихини ўрганиш, тилда юзага келган ўзгаришлар, айни вақтда халқ тарихи учун ҳам асос бўлади. Чунки тилда юзага келган янгилик, жамиятда юзага келган тараққиёт ва ўзгариш билан боғли майдонга келади.

Ўрта Осиё халқлари тарихида бениҳоят муҳим манба бўлган бу асар соддача луғат деб машҳур бўлган эсада, аслида бу ёлғиз у давр тилидаги сўзларни изоҳловчи луғат китобигина эмас, балки шу билан бирга ўша даврда бутун Ўрта Осиё доирасида, яъни Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган кенг ва катта территорияда яшовчи уруғлар, қабилалар, халқларни ва улар тилларини ва у давр тилининг фонетикаси, морфологияси ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ва у давр тилидаги ҳар хил адабий жанрлардан намуналар берувчи нодир филологик асардир. Шунинг учун бу асар Ўрта Осиё халқлари тарихини ёритиш учун, хусусан, тил тарихини ўрганиш учун бениҳоят муҳим асардир.

Айниқса девонда қабилалар ҳақидаги маълумот жуда муҳим. Қабила масаласи у даврда айниқса анча мураккаб эди. Мамлакат идорасида юз берувчи тез-тез ўзгариш ва алмашилар билан боғлиқ қабилалар ўрни тез-тез алмашар, янги қабилалар пайдо бўлар, бировлар кўчар, бировлар келар эди. Ҳатто бу ҳодисаларни ўз кўзлари билан кўриб турган ўша давр кишилари ҳам фарқ қила олмас эдилар.

Маҳмуд Қошғарий ёзади: «Чинга қадар чўзилган Жайхун қирғоқларида яшовчиларни ўғузлар чигил, деб атайдилар. Бу хатодир. Бу ерларда ёлғиз чигиллар эмас, кўпгина қабилалар яшайдилар»²⁵. Қабилалар масаласи чигаллигини, ўша даврда

²⁴ «Девону луғотит турк», III т., 333-бет.

²⁵ «Девону луғотит турк», I т., 330-бет.

яшаб турганлар ҳам чалқашганини кўрсатувчи бу хил фактлар кўпдир. Лекин бу ҳодисаларни эътибор билан кузатиб борган Маҳмуд Кошғарий бу чигал масалаларни мукамал аниқлай олган ва уларни зарур ўринларда ўз асариде изоҳлаб берган.

Маҳмуд Кошғарий маълумотиға кўра, XI аср бошларида етти қабилла бирлашмасини аңлатувчи этник термин сифатида «Арғу» термини қўлланар эди. Маҳмуд Кошғарийнинг қабилалар устидаги чуқур текириришлари унга бу территорияда яшовчи қабилаларнинг узоқ тарихи ҳақида лухта илмий хулосалар чиқаришга замин яратди. Маҳмуд Кошғарий ўз асариде бу территорияда яшовчи қабилалардан, тил фактларига кўра, қайбири эски қабилла эканини, қайсилари кейин вужудга келганликларини, қайси қабилаларнинг тиллари нуқсонли ёки тўғрилигини, айрим қабилалар тилида юзага келган камчилик сабабларини, қўшни халқлар билан муносабатларнинг тилга таъсири масалаларини, у ёки бу қабилаларни ёзув тарихини, шаҳарликлар тилларини, ҳатто қайси шаҳар халқлари неча тилда сўзлашишларига мукамал кўрсатиб беришга муваффақ бўлди. Шу билан бирга у қайси қабилалар бири-бирига яқин-узоқлигини турли тил фактлари асосида кенг ёритди.

Маҳмуд Кошғарийнинг у даврдаги қабилалар ҳаётини синчиклаб ўрганиши, бир тарафдан, асарда у давр қабилалари тилларини лухта ёритишга хизмат қилган бўлса, иккинчидан, халқ тарихининг дастлабки босқичида алоҳида ўрни тутган қабилалар тарихини аниқлашда ҳам бениҳоят муҳим манба бўлиб қолди.

Маълумки, қабилалар масаласида тарихий асарларнинг маълумотларини илмий жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаш қийин. Масалан, анча маиҳур тарихий асарлардан ҳисобланувчи Рашидиддин асариде ўғуз қабиласи қуйидагича изоҳланган: «Қорахоннинг хотинидан бир ўғил туғилди. У уч кеча-кундуз онасини эммади. Ҳар кеча ул ўғлон онасининг тушига кириб айтур эди: «Э она, мусулмон бўлди, агар бўлмасанг, сенинг эмчагингни эммасман... Ўғлон бир ёшга етди. Қорахон улуг тўй қилди. Бекларига айтди: мунга от қўярсиз. Беклар жавоб бермасдан бурун ўғлон айтди: менинг отим Ўғуз турур. Бир яшар ўғлоннинг гапирганидан ўтирганлар таажжуб этдилар»²⁶.

Ўғузлар ҳақидаги бу маълумотнинг ҳақиқатга хилоф экани, бу асар авторининг Қорахон давлати ўзи билан тугамай, ўғлига ҳам ўтиши зарурлигини, унинг сулоласи доим ҳукмрон бўлишини оммага ташвиқот қилиш ва шу воқия улар онгига синдиришга интилишдан бошқа нарса эмаслиги ҳар кимга равшан. Шу билан автор Ўғуз қабиласи ҳақидаги тарихни бузиб кўрсатган. Асарда,

бир тарафдан, қабилалар тўла кўрсатилмаса, иккинчидан, бошқа қабилалар: уйғур, қангли, қипчоқ, қарлуқ ва бошқалар ҳақидаги изоҳларда ҳам автор худди шундай ҳукмрон синф манфаати нуқтаи назардан ёндашган, қабилалар тарихини бузиб кўрсатган. Шунинг учун халқ тарихини, айниқса тил тарихини ўрганишда тарихчи ва тилшунослар тарихий асарларга танқидий қарашлари, молдий фактларни ўрганишлари ва уларга асосланишлари лозим бўлади. Демак, қабилалар ҳақида тарихий асарлардаги маълумот қаноатлантирмайди. Ахир ўғузларни ҳамма қабилаларнинг отаси деб талқин этишнинг хато эканлиги ҳаммага равшан. Маҳмуд Кошғарий ҳам Ўғузни қабилаларнинг отаси деб кўрсатади. Лекин ҳамма қабилаларнинг эмас, маълум группа қабилаларнинг отаси деб тўғри изоҳлайди. У группага кирадиган қабилалар орасидаги барча муносабатларни бой тил фактлари асосида изоҳлаб беради. Ҳатто у ўз асариде бу группага кирадиган қабилаларнинг тилларидаги яқинлик ёки узоқлик фактлари асосида уларнинг тарихий кечирмаларини, булар орасидаги муносабат қадимги ёки сўнгги ҳодиса эканини очиб берувчи асосларга ҳам кенг ўрин берган. Тарихий асарларда ўғузларга нисбатан берилган қабилаларнинг катта бир қисмини Маҳмуд Кошғарий иккинчи бир группага киритади ва ўзининг бу классификацияси улар тилларидаги мавжуд фарқларга асосланганини махсус бир бўлимда кенг изоҳлаб беради. Демак, девон маълумотлари ёлғиз тил тарихи учунгина эмас, шу билан бирга халқ тарихи учун ҳам бениҳоят муҳимдир. Бу ерда акад. В. В. Виноградовнинг Ўзбекистон тарихидаги камчиликлар ҳақидаги сўзларини келтириш ўринлидир. Академик В. В. Виноградов қабилла тилларини ўрганиш ишини ёлғиз тилчилар учунгина эмас, шу билан бирга тарихчилар, археологлар, лингвистларнинг ҳам асосий вазифаси деб кўрсатади. Урта Осиё халқлари тарихида юз берган камчиликлар, тарихчилар бу томонга эътибор бермаганларидан келган деб, шундай ёзади: «Урта Осиё халқлари ва Урта Осиё маданиятининг келиб чиқишини ўрганишда юз берган хато: кўпчилик тарихчилар қабилалар, халқлар, миллатлар келиб чиқишини ёритмасликларидир»²⁷.

Ўзбек халқи тарихидаги хато қарашни дастлаб проф. А. П. Якубовский фош қилди. У ёзади: «Узоқ вақт давомида ҳатто ҳозир ҳам тўла барҳам берилмаган қараш, яъни ўзбек халқининг тарихи XV асрда Урта Осиёга киришга уринган ва фақат XVI асрнинг бошидагина Шайбонийхон раҳбарлигида уни тўла забт этган кўчминчи ўзбеклардан бошланади деган фикр ҳукм сурди. Афсуски, бу қараш кейинги вақтларда чиққан СССР тарихи дарсликларини ҳам акс этди»²⁸.

²⁶ Қаранг: Рашидиддин, Сборник летописей, т. II, стр. 81, 1862 г. Ташкент.

²⁷ Вопросы диалектического и исторического материализма, 1951 й., 35-бет.

²⁸ К вопросу об этногенезе узб. народа. Изд. УэФАН ССР, 1911., стр. 3.

Ўзбек халқи тарихи ҳақидаги бу хил хато қарашлар ўзбек тили тарихига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айрим туркологлар тил тарихига тил фактларини пухта текшириш асосида ёндашмай, юзаки ёндашдилар, баъзан айрим тарихий асарлардаги уйдирмалар асосида иш олиб бордилар. Улар бу усулдаги ишлари билан ёзма ёдгорликларни ўрганиш ишига футур етказдилар, ёзма ёдгорликларнинг халқ тарихини аниқлашда тутган муҳим ўрнига халал етказдилар. Шу билан тил тарихи соҳасида ҳам турли чалкашликлар юзага келишига сабабчи бўлдилар. Бу масалада акад. В. В. Радловнинг XI асрнинг қимматли ёдгорлиги «Қутадғу билик» дostonи ҳақидаги ишини мисолга олиш мумкин.

«Қутадғу билик» ҳақидаги дастлабки иш қадимги туркий тилларни яхши билган академик В. В. Радлов номи билан боғлиқдир. Акад. В. В. Радлов бу катта ҳажмли асарни бошдан оёқ немис тилига таржима қилди. Лекин у бу асарни уйғурчага нисбат берди ва бу асар устидаги ишида асарни уйғурчалаштиришга, уйғур тили элементларини бўртдириб беришга уринди. Бу қўпол хато тезда танқидга учради. Акад. Томсен В. В. Радлов ишида йўл қўйилган хатоларни қаттиқ танқид қилди. Айниқса асарда зўрма-зўраки уйғурлаштиришдаги илмга хилоф хатоларни фонетик қонунлар, вазн ва қофия қондалари асосида мукамал кўрсатиб берди.

Натижада акад. В. В. Радлов ўз хатосига тан берди. Асарнинг сўнгсўз қисмидаёқ ўз хатосини иқror қилиб изоҳ ёзди. В. В. Радловнинг ўз сўзи билан айтганда: бу асарни уйғурчага нисбат беришда у асарнинг тил фактлари устидаги текширишларига асосланмай, балки илгарилар шу ерларда топилган асарларга ўхшатиб тахминлаш билан хато қилганига узр баён қилди. (Қаранг: Дас Қутадғу блек, 551-бет).

Проф. С. К. Малов чиғатой тилига оид бир қанча ёзма ёдгорликларни изоҳлар экан, «Қутадғу билик»ни уйғурча эмас, уйғур ҳарфи билан ёзилган энг эски чиғатой тили ёдгорлиги деб кўрсатади: «Уйғур ёзуви ёдгорликлари соҳасидаги қадимдан туркологлар қўлида бир қанча ёдгорликлар бор... қатъий қилиб айтганда, улар уйғур тилида ёзилган эмас. Улар фақат уйғур ҳарфлари билан ёзилган Урта Осиё чиғатой тили ёдгорликлари ҳисобланади. Бунга... турк—мусулмон адабиётининг энг қадимги ёдгорлиги «Қутадғу билик» ҳам кирази»²⁹.

Булар ҳаммаси ёзма ёдгорликлар пухта ўрганилмаганини, шунинг учун ҳам ўзбек тили тарихида бир қанча чалкашликлар ҳукмрон эканини исботлайди.

²⁹ С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, 96—97-бетлар.

Девонда цитата ўрнида келтирилган мақола ва адабий парчалар қадимги адабий жанрларнинг намунаси сифатида фольклор ва адабиёт тарихи учун беҳад муҳимдир. Ундаги адабий парчалар бир бутун асар ҳолида берилмаган бўлса ҳам, Маҳмуд Кошғарийнинг бу парчалар изоҳи устидаги кўрсатмалари, у парчалар қандайдир бирор қасида, кўшиқ, дostonларнинг бўлими эканидан далolat беради.

Уларни баҳор севинчлари, жанг садолари, ботирларнинг қўшиқлари, севги туйғулари, таълимий парчалар, табиат тасвири ва бошқа мавзулар остида айрим асарларга бириктириш мумкин.

Девондаги адабий парчалар ва улар ҳақидаги Маҳмуд Кошғарий уқтиришлари, Маҳмуд Кошғарийнинг адабий асарлар билан ҳам қизиқганини, адабий асарларни ҳам диққат билан ўрганганини исботлайди. Маҳмуд Кошғарий девонда йўл-йўлакай бўлса ҳам, баъзан вазн ҳақида, баъзан адабий жанрлар ҳақида, баъзан истиора, ташбиҳ ва бошқа шеърий хусусиятлар ҳақида маълумотлар беради. Бу хил фактлар шеърий асарларга доир қондалар бошланғич ҳолда бўлса ҳам, ўша даврлардаёқ юзага келганидан дарак беради.

У даврда ўша давр савиясига мос поэтик мактаб вужудга келган эди. Поэтик талабларга тўла жавоб берарлик «Қутадғу билик» асари шуни исбот қилади. Шу хил фактларга кўра, у даврда яна бошқа бир қанча асарлар ёзилганлигини тахмин қилиш ҳам, албатта, мумкин. Бу фикрни девондаги айрим парчалар ҳам исботлайди. Девондаги айрим парчалар у даврда бутун ҳаётини илмий, ижодий ишларга бағишлаган, катта асарлар яратган ёзувчилар бўлганидан дарак беради.

Кучанди билагим, ёғуди тилагим,

Тилинди билагим тегриб ангар жартилур.

(Кўп ёзиш натижасида билакларимга огриқ келди, толди. Энди мақсадга яқин қолди, дилимда ҳикмат чашмалари очилди, замон мени шу даражага яқинлаштирганда умрим туга ёзди).

Бу хил ёзувчилар бир қанча асарлар ёзганликларига шубҳа йўқ. Бироқ улар бизга етиб келмаган. Демак, айрим шахсларнинг қадим даврларга оид адабий асарларининг бизга етиб келмаганини Урта Осиё халқларининг маданий қолоқлигидан, деб изоҳлашлари бутунлай тўхматдир.

Маълумки, ирқий назария вакиллари, Урта Осиё халқларининг қадимги маданиятинигина эмас, балки бу халқлардан етишган олимларга ҳам шубҳа билан ёндашганлар. Машҳур «Тарихи Комил» асарининг автори Ибнул Асир Урта Осиё халқларидан етишган улуғ фалакиёт олими Қутулмишнинг ўз даврининг тенгсиз

олими эканига ҳайрон қолиб шундай ёзади: «Фалакиёт ва илми нужумга ягона олим Қутулмишнинг туркий халқларидан экани ҳайрон қоларлик ҳолдир». («Тарихи Комил», 10-том, 14-бет, 1844 йил, Миср нашри).

Ҳеч шубҳасиз, у даврларда бир қанча асарлар ёзилган, лекин улар бизга етиб келмаган.

Академик С. П. Толстов ўзининг «Древняя хорезмская цивилизация» номли асарида Беруний асаридан келтирган цитатаси бу масала учун ҳам ғоят муҳимдир: Қутайба хоразмликлардан ёзув билган кишиларнинг, улар асарларини сақлаган кишиларнинг бирортасини қолдирмай хароб қилди, йўқотиб юборди. Маданий ёдгорликларни хароб қилишда Қутайбанинг ваҳшиёна ҳаракатларини тасвирловчи бу хил фактларни жуда кўп тарихий асарларда учратамиз. Вали Амр бинни ос Урта Осиё шаҳарларини эгаллагач, бу ердаги кутубхоналарни ёндириш ҳақида халифа Умарга буйруқ беради. Ҳар ердаги кутубхоналарни ёндириш ҳақида ҳар хил маълумотлар Иқдул Фарид, Мизонул ҳақ, Журжи Зайдон ва бошқа асарларда кўпдир. Демак, Урта Осиё халқларининг маданий ёдгорликларининг етиб келмаслик сирини шулардан ўрганиш зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, девонда берилган адабий парчалар ёлғиз XI аср адабиётидангина намуна бўлмай, шу билан бирга уларнинг катта бир қисми жуда узоқ ўтмиш даврлар маҳсулидир.

Масалан, девондаги ябоқу ва басмиллар кураши ҳақидаги парчалар жуда узоқ ўтмишга доир парчалардир. Тарихий маълумотларга кўра ябоқу қабиласининг бошлиғи Арслон текиннинг узоқ ўтмиши маълум. Бу парчаларни Қултегин обидаларидаги ябоқу ва басмилларга нисбат бериш ҳам мумкин. Девонда берилган табиат тасвири ҳақидаги парчалар, севги ҳақидаги рубоийларнинг катта бир қисми яна ҳам узоқ ўтмишга доир парчалардир. Бу жиҳатдан девондаги парчалар адабий ҳаракатнинг жуда узоқ тарихини белгилашга хизмат қилувчи энг муҳим ҳужжатлардир.

«Девону луғотит турк»да йўл-йўлакай берилган географик маълумотлар ҳам диққатга сазовор. Маҳмуд Кошғарий ўз асарида шунча кенг ва катта территорияда ўша даврда бўлган ҳамма шаҳар ва қишлоқлардан, денгиз ва кўллардан, уларнинг тарихидан, жуғрофий мавқеидан, уларда яшовчи халқлардан, ҳатто баъзан унда бор ҳайвон ва ўсимликлардан ҳам анча кенг маълумот беради. Бу жиҳатдан асарнинг қиймати бениҳоят улуг ва тенгсиздир.

«Девону луғотит турк»нинг ўзбек тилига муносабати масаласи

Бу асарнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати масаласига келганда, дастлаб шуни айтиш керакки, ўзбек тили уни яратган ўзбек халқи каби жуда узоқ муддат давомида турли ҳолларни кечиргандир. Ўзбек халқининг узоқ вақтлар кечирган оғир ҳаёт шаронти унинг ўзини ҳам, унинг тилини ҳам унутилар даражага етказди. Айниқса ўзбек тили XIV асрнинг охирида жуда аянчли ҳолга тушди. Бу давр тилини қайта тиклашда улуг ёзувчи Навоийнинг хизмати беҳад улугдир. XV асрнинг гигант олими ва шоири улуг устод Абдураҳмон Жомий сўзи билан айтганда, Навоий ўша даврда унутилар даражага тушган ўзбек тилини қайтадан тирилтирди, янгидан уни дунё саҳнасига кўтариб чиқди.

Суханроқи аз равнақ афтода буд,
Бакунжиҳавон раҳт биниҳода буд,
Тудоди дигар бора ин обрўй,
Қашиди бажавлонғаҳи гуфту гўй.

Бу соҳада Алишер Навоийнинг таҳсинга сазовор иши ҳаммага равшан. Лекин Навоий даврида юзага келган бурилиш вақтли бир бурилиш бўлди. Тездан ўзбек тили яна турғунликка дуч келди. Фақат Улуг Октябр революцияси унга қайта ҳаёт бағишлади. Шонли Коммунистик партия етакчилигида Октябр революциясидан сўнггина ўзбек халқи тенг ҳуқуқли миллатлар қаторида тикланди. У ҳозир мисли кўрилмаган даражада катта қадамлар билан ўсиб ривожланмоқда. Фан ва техника чўққиларини эгалламоқда. Ўзбек тили тарихи устида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Бу ҳақда совет олимлари, тилшунослар, тарихчилар, археологлар, этнографларнинг хизматлари катта. Ҳақиқатда, ўзбек халқининг тарихини ҳам, ўзбек тили ва унинг тарихини ҳам чинакам илмий асосда ўрганиш Улуг Октябр революцияси туфайли большевиклар партияси ва Совет давлатининг яратган имкониятлари туфайли мумкин бўлди. Шу оз фурсатда совет олимлари томонидан бу масалада бир қанча ишлар қилинди. Айниқса ўзбек тили тарихи устида проф. А. К. Боровковнинг хизмати беҳад улугдир. Ўзбек тили тарихида юзага келган бу ҳоллар девон тили билан ҳозирги замон ўзбек тили орасида катта фарқ борлигини кўрсатади. XI аср тил фактларининг ҳозирги тилга муносабатини аниқлаш фонетика, лексика, морфология ва грамматика соҳаларида махсус қиёсий иш олиб боришни талаб қиладиган бениҳоят катта ва мураккаб масаладир. Бу иш тилшунос олимлар томонидан яқин келгусида ҳал этилиши лозим бўлган ғоят актуал проблема ҳисобланади. Биз бу ерда ўз кузатишларимиз тўғрисида умумий мулоҳазаларни айтиш билан чекланамиз. Текширишлар шуни кўр-

сатадики, у давр тили лексикаси ҳозирги ўзбек тили лексикасига асос бўлган. Девондаги сўзларнинг бир қисми тил тараққиёт қонунларига мувофиқ архаик ҳолга тушган бўлса ҳам, асосий қисми турли ҳолларда ёки бутунлай ўзгаришсиз ва ёки баъзи ўзгаришлар билан бизга етиб келган. Шу орада турмушда қўлланиб келган ва бир қанча янги сўзлар ясашига манба бўлиб хизмат қилган. Баъзи сўзлар тил тараққиёти қонунларига мувофиқ бениҳоят ўсиб урчиган, бир қисми сийрак учровчи бир ҳолга тушган. Баъзиларининг формаси ўзгарган, баъзиларининг маъноси ўзгарган, баъзилари турмушдан чиққан.

Девон тили устидаги кузатишларимиз у давр тили морфологик хусусияти: сўз ясашиши, сўз турланиши масалаларида ҳам шундай яқинликни исботлайди. Айниқса у давр тил фактлари жонли тилга жуда мосдир. Масалан, девонда учровчи а, ҳе каби бир қанча ундов сўзлар, эркалаш аффикси «-қи», равиш ясовчи «-ла» аффикси, буйруқ феъли охирига қўшилиб, таъкидни англаувчи «-чи» аффикси ва бошқалар бугунги ўзбек адабий тилида учрамайди. Демак, бу хил сўз ва морфологик хусусиятлар ўзбек тилида бўлмаганми деган шубҳа келиб чиқади. Лекин жонли ўзбек тилига, ўзбек тилининг диалектларига кенгроқ солиштирилганда, бу хусусиятлар ҳам ҳозирги жонли ўзбек тилида, ўзбек тилининг диалектларида тўла мавжуд экани маълум бўлади. Масалан, «-ла» аффикси қўшиб равиш ясаш «ҳозиргина» маъносида янгила тарзида қўллаш Фарғона водисиди ҳозир ҳам кенг учрайди. Узакка «-қи» аффикси қўшиб эркалаш маъносида қўллаш ҳам ҳозирги жонли тилда тўла сақланган: отоқи — отагинам, опоқи—опагинам каби. XI аср ёдгорликларида учровчи «а» ундови у даврда фақат ажабланиш маъносида қўлланган бўлса, у ҳозирги тилда яна ҳам кенг маънода, яъни инкор, ҳайронлик, ажабланиш, афсус маъноларида қўлланади. Феъл ўзагига қўшилиб, таъкид билдирувчи «-чи» аффикси ҳам ҳозирги жонли тилда барқарордир. Борчи — бор, келмачи — келма каби.

У даврда қабилалар тилида фарқли қўлланивчи диалектал хусусиятларнинг ҳам ҳозирги ўзбек тили диалектларида мавжудлиги айниқса диққатга сазовордир. Маҳмуд Кошғарий айрим сўзларни изоҳлар экан, у сўз талаффузида қабилалар тилида фарқ борлигини баъзилар бир сўзни а билан, баъзилар шу сўзни е билан талаффуз қилишларини қайд қилган. Бу хусусият ҳозирги ўзбек тили диалектларида ҳозир ҳам сақланибгина қолмай, ҳатто кўпгина сўзларда учрайди. Ман—мен, янги—енги, чечак—чачак, санчти — сенчти, кама — кема, тагида—тегида, сакратмоқ—секратмоқ, чакмоқ—чекмоқ, чакка—чекка ва бошқалар. Маҳмуд Кошғарий ўша даврда «уй» сўзини кенг ва тор лабланган унлилар билан қабилалар орасида фарқли талаффуз қилганини кўр-

сатган. Бу хусусият ҳозирги ўзбек тили диалектлари (Тошкент ва Фарғона)да сақланиб келаётгани ҳаммага равшан. Бу ҳодиса Тошкент ва Фарғона диалектлари ўша даврдаёқ мавжудлигини ва улар ягона ўзбек халқ тилининг ташкил топишида иштирок этган асосий диалектлардан эканини ҳам очиб беради.

XI аср тили диалектларида сўз бошидаги и билан нй алмашиши ҳам ҳозирги ўзбек тили диалектларида тўла сақланган. Масалан, «уя» маъносидаги «ин» сўзи «ин» тарзида ҳам «йин» тарзида ҳам қўлланади эди. (I том, 36-бет). Илиғ ҳам йилиғ ҳам бор эди. (I том, 46-бет). Маҳмуд Кошғарий маълумотига кўра, бу ҳодиса тилда эски ҳодиса эди, қайси варианты қайси қабилалар хусусияти экани ҳам ноаниқ бир ҳолга келган эди. Лекин Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, «йи»лаш варианты эски форма бўлиб, «и»лаш янгилик эди. Масалан, у «илиғ» сўзини изоҳлар экан, шундай ёзади: «илиғ» сўзининг асли йилиғ эди. (I том, 46-бет).

Бу хусусият у вақтда кам тарқалган, санокли сўзлардагина кўринади эди. Кўпчилик сўзлар девонда «и» билан берилган. Ҳозирги тилимизда ҳам бу хусусият тўла сақланган, балки жуда тараққий қилган, ҳатто бошқа унлиларга ҳам ёйилгандир. Ҳозир кўп сўзларда ҳар икки вариант билан фарқсиз, тенг қўлланади. Илон—йилон, ироқ—йироқ, ирик—йирик, иғирмоқ—йиғирмоқ, ип эшмоқ—ип ешмоқ, итмой—йитмоқ, утмоқ—ютмоқ ва бошқалар. Бугина эмас, «Девону луғотит турк»да изоҳланган яна кўпгина қабилаларнинг тил хусусиятлари ҳам ҳозирги тилимизда мавжуддир.

Бу фактлар, яъни у давр қабилалар тилида бор хусусиятларнинг бизнинг тилимизга етиб келиши ҳозирги тилимизнинг кўп диалектлик моҳиятини очиб бериш, ўзбек халқи тилига асос бўлган қабилалар тилларини аниқлаш, иккинчи хил айтганда, ўзбек тилининг келиб чиқишини ёритиш учун ҳам бениҳоят муҳимдир.

Хуллас, XI аср ёзма ёдгорликлари тил фактларининг асосий қисми ҳозирги ўзбек тилида барқарордир. Дарров сезилмовчи айрим хусусиятлар ҳам бор. Лекин уларни жиддийроқ текширганда, яъни жонли тил, диалектларга қиёс қилганда улар ҳам ҳозирги тилда ҳамон қаердадир борлиги аниқланади.

Девон таржимаси ва транскрипцияси ҳақида

Биз «Девону луғотит турк» таржимасини биздан олдинги икки олим: Броккельман (девонни немис тилига таржима қилиб, 1928 йилда Лейпцигда нашр этган) ва Басим Аталай (усмонлик тилига таржима қилиб, 1939 йилда Анқарада нашр этган) томонидан қилинган таржималарга солиштирдик. Лекин биз ўз таржимамизда Маҳмуд Кошғарий изоҳларини тўла сақлашга интилдик.

Маҳмуд Кошғарий ўз асаридида у давр тилининг фақат фонетикаси, морфологияси, лексикаси ва диалектологиясинингина эмас, шулар билан бир қаторда у давр тилининг ёзуви, орфографияси ва орфоэпияси масалаларини ҳам кенг изоҳлаб берган. Лекин асарда қисқа унлилар ҳам, узун унлилар ҳам биргина шакл билан ифодаланган. Жарангли ва жарангсиз товушлар ҳам биргина шаклда берилган. Лекин асарда йўл-йўлакай сўзлар имлоси ва талаффузи ҳақида берилган изоҳлар девондаги сўзларнинг ҳар бирини тўғри ёзиш имконини беради. Бу ҳол асарни босмага тайёрлашда махсус метод қўллашни талаб қилди. Таржиманда шу хусусиятни сақлашга ҳаракат қилинди.

I) олдин сўзларнинг ўз шакли кўрсатилиб, ёнида унинг транскрипцияси берилди;

II) қуйидаги транскрипция белгилари қўлланди:

а—а; ä—ä; б—б, в, ғ, г, ɡ, ж, з—з, ı—ı, j, қ—қ, қ, л—л, м, н, н, о, օ, п, р, с, т, у, ў, ф, w, х, һ, г, j, ж, ш, օ

III) б билан п ўрнидаги ноаниқ «ب» шакли учун «б» шаклини, к билан г товушлари ўрнида берилган ноаниқ «ك» шакли учун «к» белгисини, ч билан ж орасидаги ноаниқ «ج» ҳарфи ўрнида «j» белгиларини қўлладик.

IV) Девонда қўлланган в билан ф орасидаги талаффузи аниқсиз «ف» ҳарфи учун «w» шаклини қўлладик.

V) баъзан «д» билан «й» ўрнида алмашиб қўлланган «ذ» шакли ўрнида «з» белгиси қўлланди.

VI) л ҳарфи учун баъзан л, баъзан l шакли қўлланди.

VII) Маҳмуд Кошғарий томонидан з ва ж маҳражлари орасидаги товуш деб кўрсатилган «ز» ҳарфи учун «ж» белгиси қўлланди.

VIII) нг диффуз ҳарфи учун «н» шакли олинди.

Унлилар устида ҳам шу хилда аниқсиз белгилар қўллаш мумкин эди. Чунки девондаги унлиларни аниқлаш ҳам айрим ундошлар каби қийин эди. Лекин унлилар масаласида биздан олдин икки таржимон тутган усулга қарши туришга журъат қила олмадик. Улар томонидан қўлланган унлилар асосида иш кўрдик. Фақат Маҳмуд Кошғарий томонидан аниқ кўрсатилган чўзиқ || ҳарфи ўрнида а: шаклини орттирдик. Китобдан фойдаланувчилар айрим сўзлар имлосидан қаноатланмасалар, ёнидаги арабчасига мувофиқ мулоҳаза юриштишлари мумкин. Араб ёзувида хос диакри-

тик белги (зеру забар)лар қўйишда асосий нусхага асосландик. Айрим ўринларда ўз мулоҳазаларимизни ҳам айтдик.

Қатор мутахассис ўртоқларнинг ёрдам ва маслаҳатларисиз бу мураккаб ишни бажариш анча оғир бўлур эди. Шунинг учун мен СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси проф. А. К. Боровковга, филология фанлари кандидати: Ғ. Абдурахмонов, О. Усмонов, Т. Салимов, Х. Комилова, Ж. Тожибоев ўртоқларга, айниқса таржимани сатрма-сатр текшириб чиқиб, катта ёрдам кўрсатган етук арабист филология фанлари кандидати У. Каримовга катта миннатдорчилик билдираман. Бу ишнинг нашр этилишида алоҳида ғамхўрлик қилган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти директори филология фанлари кандидати А. Қаюмовга алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Асарни нашрга тайёрлашда қунт билан ишлаган тил тарихи секторининг ходимлари: И. Қўчқортоев, Ҳ. Низомов, М. Туробова, Ғ. Каримов, Р. Бахтиёрова, шунингдек, Ғ. Саломов, С. Низомиддинова ва кўрсаткичлар тузишда алоҳида эътибор билан ишлаган старший илмий ходим филология фанлари кандидати С. Фердоусга, арабча сўзлар устига зеру забарлар қўйишдек ниҳоятда нозик ва мураккаб ишни бажарган филология фанлари кандидати Ҳ. С. Сулаймоновга катта миннатдорчилик билдираман.

С. МУТАЛЛИБОВ.

ДЕВОНУ ЛУФОТИТ
ТУРК

Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим

Тўлиқ фазл ва санъат эгаси бўлган тангрига ҳамдлар бўлсин. У тўғрилиқ, янглишликни очиқ ва равшан баён қилган қуръонни Жабраил орқали Муҳаммадга юборди. Замоннинг энг соғлари касал ва энг бурролари соқов бўлган бир вақтда Муҳаммадга юқори минбар берди. Хужжатларини юқори тутди. Муҳаммадга ва барчага пешво бўлган хонадонларига салот¹ ва салом бўлсин.

Энди ҳамду салотдан² сўнг бу камина, Муҳаммад ўғли Хусайннинг фарзанди Маҳмуд сўзларини тинглангиз.

Худо давлат қуёшини турклар бурчида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг ҳоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни болиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг [туркларнинг] ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва мумносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл—уларнинг тилларида сўзлашиндир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яқини қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар.

Шончли бир бухоролик олимдан ва нисобурлик бошқа бир шончли олимдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни пайғам-

¹ Салот—мақтов (пайғамбарларга хос мақтов).

² Ҳамду салот—худо ва пайғамбарлар ҳақида мақтов.

барга нисбат бериб айтган эдилар: пайгамбар қиёматнинг белгилари, охир замон фитналари ва ўғуз туркларининг хуружи ҳақида гапирганда, шундай деган эди: турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади.

Ҳадиснинг тўғри ёки тўғри эмаслигининг жавобгарлиги айтган кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, турк тилини ўрганиш вожиб (зарур)дир: ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам уни ўрганиш зарурлигини ақл тақоза қилади.

Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқизларнинг (қирғизларнинг) шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найздорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим.

Бу асар абадий ёдгорлик бўлсин деб, худога сиғиниб, бу китобни туздим. Китоб **ديوان لغات الترك** „Девону луғотит турк“ („Туркий тиллар луғатлари—қомуси“) деб аталди.

Буни улуғ пайгамбар мартабасидаги ҳошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлган саййидимиз ва улуғимиз Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадо биамриллоҳга армуғон қилдим. Тангри унга узоқ умр, абадий ҳурмат, бахтў содатли ҳаёт ато қилсин. Унинг салтанатининг асосларига ҳеч завола етмасин. Унинг фармон доиралари кенггайсин ва юксалсин. Одам ўғиллари унинг мўл карами билан юлдузлар сингари юксак мартабага эришсинлар. Қаҳр залолатига тўлган душманга уни ғолиб қилсин. Унинг соясини, кўркини, қудратини, фазлини, улуғлигини мусулмонлар устидан холи қилмасин.

Мен бу китобни махсус алифбе тартибда³ ҳикматли сўзлар, сажълар⁴, мақоллар, қўшиқлар, ражаз⁵ ва наср деб аталган адабий

³ Ажам ҳарфлари тартибида.

⁴ Сажъ—қофияли проза.

⁵ Ражаз—жанрларда ботирларнинг қаҳрамонликларини тасвирловчи парчалар.

парчалар билан безадим. Қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронғи жойларини ёритдим. Бу иш устида сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бир неча йиллар машаққат тортдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида кўзлайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим.

Китобни саккиз асосий бўлимда чекладим:

1. Ҳамзалик (сўзлар) бўлими⁶.
2. Солим бўлими⁷.
3. Музоаф бўлими⁸.
4. Мисол бўлими⁹.
5. Уч ҳарфли сўзлар бўлими¹⁰.
6. Тўрт ҳарфли сўзлар бўлими¹¹.
7. Ғунналилар бўлими¹².
8. Икки ундош қатор келган сўзлар бўлими.

Ҳар бир бўлимни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отлардан кейин ўз сирасига қараб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинмакетин кўрсатдим. Тушунлиши осон бўлсин учун асарда арабча истилоҳ (термин)лар қўладим. Китобни тузиш олдида Халил ибни Аҳмаднинг¹³ „Китобул айн“ асарида тутган тартибини қўллаш.

⁶ Ҳамзалик бўлими—сўзнинг бошида **ا، و، ي** ҳарфлари келган сўзлар бўлиминдир.

⁷ Солим—сўз таркибида араб тилида „ҳарфи иллат“ деб аталувчи, **ا، و، ي** ҳарфларидан биронтаси бўлмаган, шунингдек, такрорланган ҳарфи бўлмаган сўзлар.

⁸ Музоаф бўлими—бир ҳарфи икки қайта такрорланган сўзлар бўлими.

⁹ Мисол бўлими—сўзнинг бошида, ўртасида ёки охирида **ا، و، ي** ҳарфларидан бири бўлган сўзлар бўлими.

¹⁰⁻¹¹ Шарҳлардаги „Уч ҳарфли сўзлар“, „Тўрт ҳарфли сўзлар“ деган ибораларда араб ҳарфлари назарда тутилади. Чунки унда асосан ундош ҳарфлар асосга олинади.

¹² Ғунналилар бўлими—таркибида бурун товушлари келган сўзлар бўлими.

¹³ Халил ибни Аҳмад наҳв аруз ва бошқа кўп фаилларда ўз даврининг йирик устоди бўлиб, унинг аруз ҳақидаги асари машҳурдир. „Калила ва Димна“ номи асарни арабчага таржима қилган Ибн Муқаффаъ билан бир қанча масалаларда баҳслашган, кўп шогирдлар етиштирган, ҳижрийнинг 170 йилида нафот қилгандир. Халил ибни Аҳмад кўнгина асарлар ёзган бўлса ҳам, энг машҳур асари „Китобул айн“ дир. Бу асар айн ҳарфи билан бошлангани учун шундай аталган. У вақтларда қатъий алифбе сираси ишланмаган эди.

истеъмолдан чиққан сўзларни ҳам бера бориб фикри менда тутилган эди. Бу тартиб араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб ўзиб бораётган турк тилини тўлиқроқ ёритиш жиҳатдан ҳам яхши эди. Лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига асосландим. Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир.

Туркий тилларда қўлланиладиган сўзлар билан истеъмолдан чиққанларини танитиш учун қуйидаги намуналарни кўрсатаман:

أَرِقْ	аріқ	анҳор	қўлланилади.
أَقْر	ақур	отхона	қўлланилади.
قَار	қар	қор	қўлланилади.
قَرَا	қара	қора	қўлланилади.
رَقَا	рақа	ноаниқ	
رَاق	рақ	(чағиштириш қўшимчаси)	қўлланилади.
أَزُق	азуқ	озиқ-овқат	қўлланилади.
أَقْر	ақуз	ноаниқ	
قُرِي	қозі	қўзи	қўлланилади.
قُرِي	қіз	қиз	қўлланилади.
زِقِي	зіқі	ноаниқ	
زِقِي	зіқ	ноаниқ	

Турмушда қўлланиладиган ва қўлланилмайдиган сўзлар шу билан чекланмайди, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли ва бошқа сўзларда ҳам улар кўндир. Биз бу ерда „қадам изи биров юрганлигини билдиради“ дейилгани каби, улардан баъзи намуналарнигина кўрсатиб, бошқаларини шунга қиёс қилишни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қилдик.

Қисқартиш ва енгиллатиш мақсадида бу асарни мендан олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда туздим. Бу ишда мен асарнинг қийматини ошириш,

бошқаларга (фойдаланувчиларга) эса осонлик туғдириш мақсадида, пухта қўлланма бўлсин деб, ҳар бир қабилянинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қондалар туздим. Бу масалага қизиққан мутахассисларга бу асарни қўлланма қилдим. Илгарилаб кетганларга етиш учун мен (бу китобимни) пойгачи отдек уларнинг кетидан юбордим, уларга етиб олиш учун йўл очиб бердим, жуда юқорига чиқиш учун нарвон ясадим. Сўнгра мен ҳар бир қабиляга мансуб сўзларнинг ясаиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланилиб келган шеърларидан, шодлик ва мотам кунларида қўлланиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим, токи, улардан фойдаланувчилар нақл қилувчиларга (тингловчиларга), нақл қилувчилар эса ўз навбатида шу тилда сўзловчиларга етказсин. Шунинг учун ҳам буларнинг ҳаммасини мазкур асарда тўпладим. Бу китоб янгилликлар беришда қиёмига, қиймат ва муҳимликда эса поёнига етди.

Туркча сўзларнинг тузилишида қўлланиладиган ҳарфлар ҳақида

Туркий тилларда қўлланиладиган асосий ҳарфлар сони 18 та. Туркча ёзувда шулар қўлланилади. Уларнинг ҳаммасини қуйидаги сўзлар қамрайди¹⁴:

اخوكه لف. سمج. نرق. بئر. شتيا

Айриб кўрсатилса қуйидагича бўлади:

ا ف خ و ز ق ي ك د
ب ج ح د ه و ع
م ن س ج ر ش ت ل

¹⁴ Бу ерда айрим ноаниқликлар бор. Биринчидан, бунда ۋ ҳарфи кўрсатилмаган. Ҳолбуки, девондаги сўзларда бу ҳарф қўлланган. ۋ билан бошлан-

Арабчада бу ҳарфларнинг тенгдош сираси **ا ب ت ث** синга-ридир. Бу асосий ҳарфлардан бошқа талаффуздагина (ёзувда эмас) ифодаланувчи яна еттита ҳарф борки, туркий сўзлар бу ҳарфларсиз ишлатилмайди. Булар қаттиқ талаффуз қилинадиган **ب** (п) ҳарфи, арабча **ج** (җ) ҳарфи — арабча жим (бу луғатда, яъни туркчада кам қўлланилади), **ز** (з) билан **ش** (ш) оралиғида талаффуз этиладиган **ز** (ж) ҳарфи; арабча **ف** (ф) ҳарфи; нуқтали **غ** (ғ) ҳарфи; **ق** (қ) билан **ك** (к) ҳарфлари оралиғида талаффуз этиладиган юмшоқ **ك** (г), кофе гунна билан **غ** (ғ) оралиғида ҳамда **ق** билан **ن** оралиғида талаффуз этиладиган (н) ҳарфлардир.

Бу ҳарфларни талаффуз қилишда турклардан бошқалар қийналадилар. Бу ҳарфлар ўша [юқоридаги] ҳарфлардек ёзилади, тепасига нуқта қўйилиб айрилади.

Бирор қабила тилида ҳам **ث** ҳарфи йўқдир. Итбоқ ҳарфлари **ط ظ ص ض** (حُرُوفُ الْإِطْبَاقِ) дан бўлмиш **ص ض** ҳарфлари ҳам туркий тилларда йўқдир. Шунингдек, бугиз товушлари **ح ھ** (حُرُوفُ الْأَلْحَقِّ) дан бўлмиш **ح ھ** ҳарфлари ҳам туркий тилларда йўқдир. **ا ك ي** ўкк сўзини **ا ك ي** дегувчилар жуда камдир. **ا ك ي** ўкк сўзини **ك** билан талаффуз қилиш қипчоқчадир. Тутантириқ ёғочини канжаклар **جَاهَا** jāhā дейдилар. Бу сўз тил хусусиятига мос эмасдир; кўз оғриғини **أَوْه** āwāh дейдилар, бу сўз ҳам юқоридагидек мос эмасдир.

Булардан бошқа баъзан, вақф ҳолатида¹⁵ сўзнинг охирига қўшилиб келади. Масалан, лочин қушини чақирришда **تَاه تَاه** таҳ таҳ сўзлар оз бўлса ҳам, бор. **د** билан бошланган сўзлар биринчи томда еттита. Бу ҳодиса уйғур алифбосидаги **ط، ق، د** ҳарфларининг биргина шакл орқали берилганлиги билан ҳам алоқадордир. Иккинчидан, бу ерда **ا** ҳарфи¹⁶ кўрсатилмаган. Ҳолбуки, девонда **ا** ҳарфи қўлланган сўзлар оз бўлса ҳам, бор.

¹⁵ Вақф ҳолати — сўз бугинидаги тўхташ, тиниш ҳолати.

„тай-тай“ дейдилар, отнинг боласини чақирришда **قَرَاه قَرَاه** қурриҳ-қурриҳ дейдилар. Аммо **ا** қўлланган ҳеч бир сўз йўқ. Гоҳо хўтинлилар сўзида бу ҳарф учрайди, чунки бу ҳинд тилининг таъсиридир. Канжаклар тилида ҳам **ا** ҳарфи учрайди дейиш мумкин. Чунки бу ҳам туркча эмасдир. Агар **ث** ҳарфини ёзиш керак бўлса, туркча **ذ** (з) суратида ёзилиб, устига нуқта қўйилади. **ض** ҳам **ذ** шаклида ёзилиб, устига нуқта қўйилади. **ص** ҳарфи ҳам **س** шаклида ёзилиб, устига нуқта қўйилади¹⁶. **ح ع** ҳарфлари туркча **خ** шаклида ёзилиб, айрим белги билан айрилади. Чунки бу ҳарфлар арабчага хосдир. Бу ҳарфлар туркча ёзилса, шаклда ўхшашлик сақланса ҳам, нуқта ва белгилар билан фарқ қилинади. Бу ҳарфларнинг ҳаммаси тўпланса, қуйидаги шакл пайдо бўлади:

متحس صهتير

صوك ونس ووسعد يصصع

Бу хатни ёзишда, талаффузда ўрни йўқлигига қарамай, ёзувда бир турли белгилар орттирилади. Масалан, замма¹⁷ ўрнида **و** — вов, касра¹⁸ ўрнида **ى** — ё, фатха¹⁹ ўрнида **ا** — алиф белгиларини ёмиш қоидадир. Арабчада **ا ب خ** сўзлари бошқа сўзлар билан қўшилиб келганда, талаффузда аниқ сезилмайдиган **ا و ى** ҳарф-

¹⁶ М. Кошғарийнинг бу изоҳлари ўша давр графикасида ўзига хослик мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

¹⁷ Замма (ـ) араб алифбосида **o — ö, u — ü** унлиларини ифодалаш учун қўлланиладиган диакритик белги; бу белги сўзларда тегишли ҳарфларнинг устигагина қўйилади.

¹⁸ Касра (ـ) сўзларда тил олди **i** ва тил орқа **ı** унлиларини ифодалаш учун қўлланиладиган диакритик белги бўлиб, бу белги тегишли ҳарфларнинг остигагина қўйилади.

¹⁹ Фатха (ـ) сўзларда тил олди **ë, ä** ва тил орқа **a** унлиларини ифодалаш учун қўлланиладиган диакритик белги бўлиб, бу белги тегишли ҳарфларнинг устигагина қўйилади.

лария²⁰ қўшилиши шунга мисолдир: **هَذَا أَبُوكَ وَرَأَيْتُ أَبَاكَ وَمَرَرْتُ بِأَبِيكَ**

Барча ҳоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, Қашқардан Чингача—ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган. Туркий сўзларда уч ҳаракат билан келиш **إِشْبَاعُ** ишбоъ²¹, **إِمَالَهُ** имола²², **إِشْمَامُ** ишмом²³, **غُنْنَا** гунна²⁴, **خَيْشُومُ** хайшум²⁵ ҳарфи, икки ундошнинг қатор келиши, **ق** билан **ن**, **م** билан **ب** ҳарфларининг жам келиши, **ل** билан **ن**, **م** билан **ج** ва бошқа ҳарфларнинг алмашиниш ҳоллари ҳам учрайди. Булар ҳаммаси ўз ўрнида гапирилади.

Феъллардан ясалган отлар ҳақида

Отлар икки турлидир: ясама от ва туб от. Феъллардан ясалган отлар феъл охирига ўн икки ҳарфдан бирини қўшиш билан ясалади.

Қўлч, оқ каби отлар туб отлардир. Бу хил отлар бошқа сўзлардан келиб чиқмаган. Ясама отлар бошқа сўзлардан келиб чиқади. Буларнинг баъзилари турмушда қўлланиб, эшитилиб юрилган бўлса, баъзилари аниқ эмас, қиёсий асосдадир. Мен истеъмолдагиларини бериб, муҳмалларини²⁶ ташладим. Лекин муҳмалларни солиштириб аниқлаш мумкин бўларлик қилиб, қуйидагича бир қоида яратдим: феъллардан ясалувчи отлар қуйидаги ўн икки ҳарфдан бирининг қўшилиши билан тузилади. Бу ҳарфлар **ك**, **ق** билан **ا** „аниқ коф“, **ك**, **ق** билан **ا** оралигида талаффуз этиладиган „юмшоқ коф“ (**г**), **و**, **ن**, **م**, **د**, **ل** ҳарфларидир.

²⁰ Бу ибораларнинг бирида **أَب** аб сўзига **و**, иккинчисига **ا**, учинчисига **ى** орттирилган.

²¹ Ишбоъ — товушларни қаттиқ ёки қалин талаффуз қилиш.

²² Имола — товушларни чўзиб талаффуз қилиш.

²³ Ишмом — товушларни юмшоқ ёки ингичка талаффуз қилиш.

²⁴ Гунна — автор бу товушни икки турли деб кўрсатган: **н** билан **г** нинг бирикишидан ҳосил бўлган **н** (масалан: **جُن**); **н** билан **г** нинг бирикишидан ҳосил бўлган **н** (масалан: **بُدُن**) каби.

²⁵ Хайшум — бурун, димоғ товуши.

²⁶ Муҳмал — истеъмолдан чиққан, маъноси ноаниқ сўзлар.

الف алиф

Олим, доно, ақлли маъносидаги **بَلِكَا** билгә сўзи **بِلْدِي** билди феълига алиф қўшилиб ясалгандир. Тажрибада, ақлда катта бўлганларга нисбатан қўлланидиган **أَكَا** оғә сўзи ҳам шундай ясалгандир. Бу сўз **أُوْدِي** ўди нәңни — „нарсани яхши тушунди“ иборасидаги **أُوْدِي** ўди феълининг узагидан ясалган.

Бир турли таом маъносидаги **أُوا** ува сўзи ҳам шундай ясалгандир. Бу сўз „бурдалади, уватди“ маъносидаги **أُوْدِي** ўвди феълидан ясалган.

Кўпинча алиф ёлғиз келмай, **م** билан бирга (-ма/ -мә шаклида) учрайди: **كَسِمَا** кәсмә сўзи **كَسَدِي** кәсди феълидан олингандир. Кўзни беркитмасин, деб сочни кесиладиган жойга ҳам **كَسِمَا** кәсмә дейилади.

أُورِمَا سَج ўрмә сач сўзи ҳам шундайдир. Бу сўз **أُورِدِي** ўрди феълидан ясалган.

ت T

„Қочувчи“ маъносидаги **قَبُت** қачут сўзи ҳам шундайдир. Бу сўз **قَبُدِي** қачди феълидан ясалган. **كُذَّت** кизўт сўзи ҳам шундайдир. Бу сўз **كُذِّي** кизўти [кийди] феълидан ясалган.

ج Z, Ч

„Нон“ маъносидаги **كُمُج** кўмәч сўзидаги **ج** каби. Бу сўз кул ва бошқаларга **كُمِدِي** кўмди деганда қўлланивчи **كُمِدِي** кўмди феълидан ясалган.

سَؤِنُج сәўинч сўзи ҳам шундайдир. Бу сўз **سَؤِنِدِي** сәўинди феълидан ясалган.

ش Ш

Таниш одамга нисбатан қўлланивчи **بِئِش** билш сўзидаги **ش** каби. Бу сўз **بِلْدِي** билди феълидан ясалган.

„Жанг“ маъносида қўлланувчи **اُورُش** уруш, **تُقُش** тоқуш сўзларидаги **ش** каби. Бу сўз **اُورْدِي** урдї ва **تُقېدِي** тоқїдї феълларидан ясалган.

غ F

غ ҳарфида уч хусусият бордир:

1) феълларга қўшилиб, уларни отларга айлантиради. „Нарса тозаланди“ маъносидаги **اَرِنْدِي** арїндї нэн жумласидаги **اَرِنْدِي** арїндї феълнинг ўзагига **غ** г қўшилиб ясалган; **اَرِيغُ** арїг [соф, тоза] сўзи шунга мисолдир.

Қуруқ маъносидаги **قُرُغ** қуруғ сўзи ҳам қуриди феъли ўзагига **غ** г қўшилиб ясалган отга мисолдир.

2) Отларга қўшилиб, уни ўрин отига айлантиради:

„Сайлгоҳ“ маъносидаги **جَايْلاغُ** [а]лағ сўзи **يَا** [а] оти охирига **غ** қўшиб ясалган. Шунингдек, **قېش** қїш сўзидан ясалган **قېشلاغُ** қїшлағ сўзи ҳам **قېش** қїш сўзи охирига **غ** қўшилиб ясалган²⁷.

3) Феълларга **غ** ва **و** у, **ۇ** ҳарфлари бирликда, яъни „ғу“ қўшилиб, уни қурол отига айлантиради. Бу хусусият туркий тилларнинг ҳаммасига ҳам умумийдир. **بېجېدې** бїчдї (кесди) феълнинг ўзагига **غُو** „ғу“ қўшилиб ясалган „нарсаларни кесувчи асбоб“ маъносидаги **بېجغُو** бїчғу сўзи шунга мисолдир.

اُردِي урдї феълдан ясалган **اُورغُو** урғу (урадиган нарса) ҳам шундайдир.

²⁷ [а]лағ ва қїшлағ сўзлари устида автор томонидан берилган изоҳларда бир оз аниқсизлик бор. М. Кошғарийнинг кўрсатишича, бу сўзларга **غ** қўшилиб ясалган. Ҳолбуки, бу ўринда [а]лағ ва қїшлағ сўзларига **غ** ҳарфи эмас, балки -лағ қўшимчаси қўшилиб ясалган деб кўрсатиш керак эди. Лекин бундай ҳолда бу сўзлар феълдан эмас, отдан ясалган бўлади. Аслида эса бу бўлим феълдан ясалган отлар бўлими эди. Фикримизча, автор [а]ла, қїшла феълларини назарда тутган бўлса керак.

Шу маънода **ғ** ўрнида **г** қўллаш [ҳодисаси] ҳам учрайди. **كەسدِي** кэсдї феълдан ясалган **كەسكُونانك** кэсгү нэн (кесадиган нарса) шунга мисолдир.

اُفسۇدِي әвүсдї (совурди) феълдан ясалган **اُفسۇرغُو** әвүсгү (совурадиган) сўзи шунга мисолдир.

غ билан **ك** нинг алмашилиш масаласига келганда, қалин сўзларда **غ** қўлланиб, унинг зидди ингичка сўзларда **ك** қўлланади.

Бу хил сўзлар охиридаги **к/г**, **ғ** ҳарфлари арабча феъллар олдига қўшилиб, қурол оти ясовчи м ҳарфига ўхшайди. „Ўроқ“ маъносидаги **مِنْجَل** мїнжәл сўзи, „ўт ўрди“ маъносидаги **نَجَل** нәжәлә феъли олдига м қўшилиб ясалган. „Элак“ маъносидаги **نَخَل** нәхәлә феъли олдига м қўшиб ясалган.

„Супурги“ маъносидаги **مِنْسَف** мїнсаф сўзи ҳам шундайдир. Яъни **نَسَف** нәсәфә (супурди) феълдан м орттириб ясалган.

Ўғузлар **ғ** ёки **қ** ўрнида **ا** алиф ҳамда **و** ў, **у** ўрнида **سى** сї қўллаб ўзгартадилар. **بېغاج** бїғач бїчасї нэн — ёғоч кесадиган нарса **اوتۇنك كەسەسى** отун кэсәсї балду — ўтин кесадиган болта каби.

Замон ва макон отлари ва масдар [инфинитив]ларда ҳам қоида шу хилдир.

Ҳоқония турклари билан бошқалар орасида, ўғуз-туркманлар билан бошқалар ўртасида пайт оти, ўрин оти ва масдарларда ҳам шундай фарқ бордир. Улар ўз ўринларида кўрсатилади.

ق Қ

„Тароқ“ маъносидаги **تَرغاق** тарғақ сўзидаги **ق** ҳам шундайдир. Бу сўз **سَج تَرادې** сач тарадї гапидаги **تَرادې** тарадї феълдан ясалган.

„Ўроқ“ маъносидаги **أَرْحَاقُ** орғақ²⁶ сўзидаги **ق** ҳам шундай-дир. Бу сўз **أَوْثُ** от орди гапидаги **أُرْدَى** орди феълидан ясалган.

ك К (аниқ коф)

„Бирор нарсанинг бўлаги“ маъносидаги **كَسَاكُ** кәсәк нән иборасида келган кәсәк сўзидаги **ك** ҳам шундайдир. Бу сўз кәсди феълидан ясалган.

„Ёпинчиқ“ маъносидаги **أَشُكُّ** әшүк сўзи, „ёпди, ўради“ маъносидаги **أَشُوْدَى** әшүди феълидан ясалган.

ك ك (юмшоқ коф)

أَوْلَدَى олўди феълидан ясалган **تَرِيكُ** тiрик сўзи каби. **أَوْلَكُ** олўк сўзидаги **ك** каби.

ل ل

بِيَجْفَلُ бiчғил **جَإِرُ** — ковак, ёриқ ер иборасидаги **بِيَجْفَلُ** бiчғил²⁹ сўзида келган **ل** ҳам шу айди. Бу сўз **بِيَجْلَدَى** бiчғилди нән иборасидаги **بِيَجْلَدَى** бiчғилди феълидан ясалган.

Оқ ва қора рангларнинг алмашуvidан ҳосил бўлган „човқар“ мазмунида келган **تَرْغَلُ** тарғил³⁰ сўзидаги **ل** ҳам шундайдир. Бу сўз **تَرْيَلدى** тарилди феълидан ясалган.

م М

„Намат“ маъносида келган **جَازِمُ** жазим сўзидаги **م** м каби. Бу сўз **جَازِتَى** жазити феълидан ясалган. „Бир тилим қовун“ маъносида

²⁶ Бу ерда бир оз аниқсизлик бор. М. Кошғарийнинг кўрсатишича, „тароқ“ маъносидаги тарғақ, „ўроқ“ маъносидаги **أَرْحَاقُ** орғақ сўзлари „тарамоқ“, „ўрмоқ“ феъллари ўзагига қ қўшилиб ясалган, ҳолбуки, бу мисолларда ёлғиз қ ҳарфигина эмас, балки -ғақ қўшимчиси қўшилиб ясалган.

^{29, 30} М. Кошғарий изоҳига кўра бiчғил, тарғил сўзлари бiчғi, тарғi сўзларининг охирига л ҳарфи қўшилиб ясалган, ҳолбуки, мисолларга кўра сўз охирига -ғил қўшимчиси қўшилиб ясалган.

келган **بِيَجْمُ** бiчiм **قَاغُونُ** қағун иборасидаги **بِيَجْمُ** бiчiм [тилим] сўзи **بِيَجْدَى** бiчди [кесди] феълидан ясалган.

ن Н

„Сел“ маъносидаги **أَقِنُ** ақин сўзида келган **ن** каби. Бу сўз **أَقْدَى** ақди феълидан ясалган. „Тупроқ уюми“ маъносида келган **بِيَغِنُ** бiгiн тупрақ иборасидаги **بِيَغِنُ** бiгiн сўзи **بِيَغْدَى** бiгди тупрақ **بِيَغْدَى** бiгди гапидаги **بِيَغْدَى** бiгди феълидан ясалган.

و У, ў

Бу ҳарф қўшилиб ясалувчи сўзлар, асосан, бирикмада келади; бу ёлғиз ҳолда жуда оз учрайди. „Қортуқ-қоруқ“ (қон олинадиган асбоб) маъносидаги **سَرْغُو** сорғу³¹ сўзи „ҳайвон сутини ёки қонини сўриш“ маъносидаги **سَرْدَى** сорди феълидан ясалгандир. „Турадиган ер“ маъносидаги **تَرْغُو** турғу **جَإِرُ** сўзи ҳам шундай.

Бу қондалар фалак қутб юлдузи атрофида айланиш қондаси каби ҳар қандай сўзга татбиқ этиладиган умумий қондалардир. Бу қондалар икки ҳарфли, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли ва ундан кўп ҳарфли феълларнинг ҳаммаси учун ҳам умумийдир. Биз бу ерда қисқа маълумот бердик, бошқа ерларда, Худо хоҳласа, бу ҳақда яна сўзланади.

Сўзларнинг тузилиши ҳақида

Сўзлар икки ҳарфли бўлади: **أَتُ** ат, **أَرُ** әр сўзлари каби.

Уч ҳарфли бўлади: **أَزُقُ** азүк, **بِيَزُقُ** бiзүк (айб) сўзлари каби.

Тўрт ҳарфли бўлади: **جَافْمُورُ** жағмур (шолғом) сўзлари каби.

³¹ Бу ерда шуни айтиш керакки, М. Кошғарий изоҳига кўра, сорғу сўзи **و** ва **و** қўшилиб ясалган, ҳолбуки **و** эмас, **غُو** -ғу аффикси қўшилиб ясалгандир.

Беш ҳарфли бўлади: **قُرُوغَسَاق** қуруғсақ (меъда, курсоқ), **قُرُزُغَاق** қузурғақ (этакнинг бир томони) сўзлари каби.

Олти ҳарфли бўлади: **كَمَلْدُرُك** кәмүдүрүк (отнинг кўкрагига тақиладиган зийнат безаги) ва **قُرُزُغُون** қузурғун (қуюшқон) сўзлари каби.

Етти ҳарфли бўлади: **زَرغُنْجُمُود** зарғунјмуд (хушбўй бир ўсимлик, тангагулли бўлади) каби.

Етти ҳарфли [сўз]лар отларда камдир, лекин [сўзлар] етти ҳарфлидан ортиқ бўлмайди.

Отлардаги орттирма белгилар ҳақида

Отларга орттириладиган белгилар: **مَد** мад³² (чўзиш белгиси), **لِين** лін³³ (юмшатиш белгиси) дир. Масалан, **تَغَار** тағар (қоп, тўрва), **جَاوَار** јавар (тугантириқ) сўзларига орттирилган **ا** алиф чўзиш белгисидир. **قَرِيغ** қоріғ (қўрилган, бегоналардан эҳтиёт сақланган) ва **أَرِيغ** аріғ (тоза, пок) сўзларидаги **ی** ануқ ва **تَنُوق** тануқ (гувоҳ) сўзларидаги **و** юмшатиш белгисидир. **أَشْغَر** азғір (айғир), **إِشْغُون** ішғун (ровоч ўти) сўзларидаги ҳамза, **بَزْغَان** базған (ясси бурунли), **قَزْغَان** қазған (ковак ер) сўзларидаги **ن** ҳарфи, **تُرْقُو** турқу (ипак кийимлик), **قُرْغُو** қурғу (шошмашошар одам) сўзларидаги **و** **كُتْكِي** кўтки (кичик тепа), **بُرْقِي** бурқі (қаттиқ юзли киши) сўзларидаги **ی** ҳарфлари отлардаги ортиқча белгилардир.

Бу сўзлардан **فَاعَال** фаъол, **فُؤَال** фуъол, **فِيْؤَال** фиъол, **فَعُول** фаъул, **فَاعِل** фаъил тарзидаги сўзларда чўзги ҳарфларни тушириш

³² Араб тилида мад ҳарфлари учтадир: **ا و ي** каби. Бу ҳарфларнинг ҳар бири ўзи кўшилган ҳарфларни чўзиб талаффуз қилишга хизмат қилади.

³³ М. Кошғарийнинг кўрсатишича, **قَرِيغ** қоріғ, **أَرِيغ** аріғ сўзларидаги **ی**, **أَنُوق** ануқ, **تَنُوق** тануқ сўзларидаги **و** ҳарфлари юмшатиш белгиси бўлиб қолади; аслида булар ҳарфни чўзиб талаффуз қилишга хизмат қилувчи унлилардир.

мумкин: **بَغَاغ** ёки **بَغِيغ** шаклида ёзилиши мумкин. Дарё ва водининг нариги томони маъносидаги сўзни **بَغُوج** ёки **بُغِيغ** шаклида ёзиш мумкин. Шунингдек **قَرِيغ** ёки **قُرِيغ** шаклида ёзиш фарқсиздир.

Сўзнинг қисқаси узунидан яхшироқ. Қолганлари, худо хоҳласа, китобнинг бошқа ерида айтилади.

Феъллардаги орттирмалар ва уларнинг тузилиши ҳақида

Феъллар икки ҳарфли, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли, олти ҳарфли бўладилар. Феълларга сўнг орттириладиган ҳарфлар унтадир:

алиф-а, **آ**, **ت** т, **ر** р, **س** с, **ش** ш, **ق** қ, **ك** к, **ل** л, **ن** н, **و** ла, **ی** ј

Буларнинг ҳар бири феълларда бирор қўшимча маънони орттиришга хизмат қилади.

الف Алиф

„Ҳасад қилди“ маъносида келган **تَبَزَادِي** табзаді сўзидаги **الف** каби. Бу сўз **تَبَزِي** табіз сўзидан ясалган.

„Қўбуз чалди“ маъносидаги **قَبَزَادِي** қобзаді феъли ҳам **قَبُوز** қобуз сўзига алиф қўшиш йўли билан ясалган.

ت Т

ت т ҳарфи ўтимли феъл ясайди. „Бугдой тозалади“ маъносидаги **أَرِيغ** таріғ арітті жумласидаги **أَرِيغ** арітті феъли **أَرِيغ** арітті феъли ўзагига **ت** қўшиб, ўтимли феъл ясалган сўзга мисолдир.

قُرِيغ қуріғ тон қурітті (кийимни қуритди) гашидаги **قُرِيغ** қуріғ сўзидаги **ت** ҳам шундайдир.

Купинча ўтимли феъл яшашда **ر** ҳарфи **ت** ҳарфи билан бириккиб, **تُر** „тур“ шаклида келади³⁴. Чунончи **بَرْدِي** барді, **بُرْدِي** бурді

³⁴ Бу мисолларда ўтимли феъл ясовчи аффикс - тур шаклида учрагани учун Маҳмуд Кошғарий фақат шу - тур шаклини кўрсатган бўлса керак. Аслида бу аффикс ёлғиз - тур шаклидагина эмас, -тир шаклида ҳам учрайди.

бартурди, كَلَدِي кәлди (келди), كَلْتُرْدِي кәлтүрди (келтирди) мисол-
ларидаги каби.

س С

Феълларга س қўшилиб, орзу ва истак маъноларини билди-
ради, масалан: سَوْفَ اِجْسَدِي суw ичсәди — сув ичмоқ истади. اَشْش
аш jәjсәди — ош емоқ истади каби. س ҳарфи баъзан араб-
ча تَفَاعُلٌ бобидаги каби феълларда бошқа шахсларга нисбатан
ишнинг бўлганга ўхшаб кўринганини, аслида у бўлмаганини бил-
диради. اَلْ مِّنْ دِيْنِ يَرْمَقُ اَلْمِسْنَدِي ол мәндин жармақ алімсінди — у
ўзини мендан танга олгандек қилиб кўрсатди; اَلْ مِّنْ كَا كَلْمِسْنَدِي
ол мәнгә күлүмсінди — у ўзини менга кулиб қарагандай қилиб
кўрсатди.

ش Ш

ش феълларга қўшилиб (арабча مَفَاعَلَةٌ муфоъала бобидаги каби),
ишда икки киши шерик эканлигини билдиради: اُرْشَدِي урдī, اُرْشَدِي
урушдī; تُرْدِي турдī, تُرْشَدِي турушдī каби.

Феълларга ش қўшилиб, баъзан ёрдамлашиш, баҳслашиш
мазмунларида ҳам қўлланилади. Бу ҳақда ўз жойида гапирилади.

ق Қ

ق феълларга қўшилиб энгилниш, хўрланиш маъноларини
билдиради ва мафъул³⁵ ўрнида қўлланади. اُرْ اَجْقَدِي эр ачїқдī —
қамалгани, айрилиб қолгани учун одам оч қолди. يَلْقَى بَقْدِي
jїлқī jутуқдī — йилқи хашаксизликдан ўлар ҳолга келди.

Бу масалада кўпинча ق ҳарфи س билан қўшилиб қўлла-
нади. اُرْ اَرْسِقْدِي эр арсїқдī — киши алданди, اُرْ سَيْسِقْدِي эр
суjсуқдī — одамнинг моли ўғирланди.

³⁵ Мафъул—арабча сифатдош формасига қўлланувчи сўзлар.

ك К

Юмшоқ ва ингичка талаффуз қилинадиган [таркибида тил
олди унлиларни келадиган] ва ёки таркибида ك ҳарфи бўлган
сўзларда ك ҳарфи ق вазифасида қўлланади.

قَجِنِ اُرْ يَسِيكْتِي қачғин эр jәтсїктī — қочган кишига етиб-
олинди, اَلْ اُرْ بِلْسِيكْتِي ол эр бїлсїктī — у одам билинди [у одамнинг
ўзи ва яширин тутган нарсаси маълум бўлди].

ل Л

Бу мажҳул феълларда қўлланади. اَقْ اِتْلَدِي оқ атїлдī ва اُرْ
ақ атī эр оқ аттī жумлаларидаги каби.
بُوزُ تَقْبِدِي ббз тоқдī, بُوزُ تَقْبِلْدِي ббз тоқїлдī каби.

ن Н

ن ҳарфи феълларга қўшилиб, биринчи шахс орқали (бошқа-
лар аралашмай туриб) ишнинг бажарилишини билдиради. اَلْ يَرْ
ол жармақин алїндī — у пулини ўз бошича (бошқалар
аралашмай туриб) олди. اَلْ مِّنْ دِيْنِ تَفَارِيْنِ قَلْنَدِي ол мәндин таварин
қолїндī — у молини мендан ўз бошича (бировнинг аралашувисиз)
олмоқни истади, сўранди.

۷ LA, lā

۷ ла, lā қўшимчаси отларга қўшилиб феъл ясайди, يَكُ قَوْشُ
бэг қушладī — бек қуш овлади иборасидаги каби. Бу гап-
лаги қуш сўзи от бўлиб, феълларга ўхшаш тусланмас эди, лекин
۷ қўшилиб, бутун хусусиятлари билан феълга айланди. Бу асо-
сий қондадир. Буни асингда тут. بَكْ كَنْدَا قَيْشَلَدِي бэг кәнддә
қїшладī — бек шаҳарда қишлади гапидаги قَيْشَلَدِي қїшладī феъли-
ҳим قَيْش қїш сўзига ۷ қўшимчасини қўшиб феъл ясалган
отга мисолдир.

ی ҳарфи ل билан бирликда [لی لی, لی шаклида] қўлла-
нади. Феълга қўшилиб, иш бажарилишига яқинлашиб, сўнг иш-
ланилмаганини англатади. **أَلْ تُرْعَالِي قَلْدِي** ол турғали қалди — у
тураёзди. **أَلْ بُرْعَالِي قَلْدِي** ол барғали қалди — у бораёзди.

Бу қондаларни яхши ўрган.

Сўзларнинг олдинма-кетин келиш тартиби

Олдин икки ҳарфлилардан бошладик, сўнг уч ҳарфли, сўнг
тўрт ҳарфли, сўнг беш ҳарфли, сўнг олти ҳарфли [сўз]ларни
берамиз.

Ўртаси сукунли³⁶ сўзларни ўртаси ҳаракатли³⁷ сўзлардан ол-
дин берамиз, сўнг ўртаси ҳаракатлилар яна ўзларининг ҳаракат-
ларига мос равишда олдинма-кетин берилади. Сўнг олдига ҳамза
(ا) ва бошқа шунга ўхшаш ҳарф орттирилган сўзлар бери-
лади. Сўнг биринчи ва иккинчи ҳарфлари орасига ҳарф ортти-
рилган сўзлар ўз ўрни билан берила боради. Сўнг учинчи ҳарфи-
дан кейин ҳарф орттирилган сўзлар берилади. Бундан ташқари,
бу сўзларнинг боши билан охирини назарда тутамиз. Китобимиз-
нинг ҳамма бўлимларида ҳам отлар юқоридаги тартибда кўрса-
тилади.

Ҳарфларни олдинма-кетин қўшиш тартиби ҳақида

Сўзларни беришда биз кейинги ҳарфи ب бўлган сўзлардан
бошлаймиз. Сўнг қолган ҳарфларни берамиз. Бу тартиб илгариги
адиблар тартибига мосдир, араб луғатлари тузилишига ҳам му-
вофиқдир. Ундан кейин бошида ҳамза ва ҳамзага яқин ҳарфли
сўзларни бошқалардан олдин қўямиз. Биз ўз асаримизда **واو عاطفه**
вови отифа [боғловчи ва]ни кўрсатмадик, чунки унга бу тил
(туркий тил) да ўрин йўқ. Буни яхши тушунингиз.

³⁶ Сукун — ҳарфнинг узилиш, чўзгисизлик белгиси ۰.

³⁷ Ҳаракатли — ҳарфларнинг ўзидан кейинги ҳарфга уланиши.

Девонда зикр қилинмайдиган сифатлар ҳақида

Сифатлар турли бўлимларда ҳар хил мақсадлар билан учрайди.

Биринчи: иш қилувчи шахс ўз ишининг баъзан бажарилишини
билдиради. Чунончи, **أَرُ بَرْدِي** барди эр — одам борди гапидаги **بَرْدِي**
барди феълдан шу маънода қўлланган сифат **بَرْدِي** бардачи (бо-
рувчи) дир. **أَرُ كَلْدِي** кәди эр — одам келди гапидаги **كَلْدِي** кәди.
сузидан ясалган **كَلْدِي** кәдәчи ҳам шундай сифатдир. Бу хил
сифатлар зикр қилинмади.

Иккинчи: ҳаракатнинг давом қилишини, кўп марта такрорла-
шини билдирувчи сифат **أَلْ أَرُ أَلْ أَفْكَ بَرْعَان** ол эр ол эвгә ба-
раган — у одам уйига кўп борадиган, бораверадиган. **أَلْ كِشِي أَلْ**
بِيرْكَ ол кіші ол бізгә кәләган — у киши бизга кўп кела-
диган, келаверадиган жумласидаги **كَلْكَان** кәләган сифати ҳам
шундайдир. Бу хил сифатлар ҳам зикр қилинмайди.

Учинчи: „ишни қилишга қасд қиладиган, истайдиган“ мазмуни-
ни билдирувчи сифатлардир. **أَرُ أَلْ أَفْكَ بَرْعَان** ол эр ол эвгә
баргсақ — у одам уйга боришга интилувчи, истовчидир. **أَلْ كِشِي**
أَلْ بِيرْكَ كَلْكَان ол ол кіші ол бізгә кәлігсәк — у одам бизларга
келишга интилувчи, истовчидир. Бу сифат ҳам берилмади.

Тўртинчи: бир ишни қилиш унинг вазифаси эканидан хабар
беришни билдирувчи сўз **أَوَّلْ أَفْكَ بَرْعَان** ол ол эвгә барғу-
луқ эрди — уйга бориш унинг вазифаси эди. Ўғузлар ҳар қандай
сузда ҳам бу ل ни س га алмаштирадилар.

Яна мисол: **أَلْ يَكْتُ بِيرْكَ كَلْكَوَلُوكْ أَرْدِي** ол ол йігіт бізгә кәлігүлүк
эрди — йигитнинг вазифаси бизга келиш эди.

Бешинчи: ишни қилиш шарафи унга оид бўлгани таъриф қи-
линади: **مَنْ أَفْكَ بَرْعَانِ مَنْ** мән эвгә барғліман — мен уйга ке-
тиш устидаман [кетмоқчи бўлиб турибман].

مَنْ سِيرْكَ كَلْكَلِي مَنْ мән сізгә кәліглімән — мен сізга келиш
устидаман.

Булар ҳам девонда келтирилмайди. Бу хил сифатларнинг ҳаммаси феълдан олинади. Бошқа ҳамма феъллардан ҳам шу тарзда сифат ясалади.

Қилинган иш унинг устига бўлганини билдирувчи мавсуфлар ҳам махсус кўрсатиб ўтирилмади. Фақат қоидалар баёни орасидагина унинг хусусиятларини кўрсатиш, бу сифатнинг тузилиш равишини билдириш мақсадида кўрсатилди.

Бирлик, кўплик, ошириш, чағиштириш, кичрайтиш, келишиклар масаласи ва бошқалар ҳам зикр қилинмади. Чунки биз буларни *جواهر التحو في لغات الترك* «Жавоҳирун наҳви фи луғатит турк» [„Туркий тилларнинг наҳвига оид гавҳарлар“] исми айрим асаримизда бердик. Наҳвга оид қоидалар у асардан қаралиши керак.

Зикр қилинмаган масдарлар ҳақида

Масдарлар икки хилдир: биринчи: туб масдар. Бу хил масдарлар феъллар бўлимида ўтган замон, келаси замон феъллари билан баробар кўрсатилди. Иккинчи: аслида масдар бўлмай, бирор сўз қўшиш билан ясалган масдарлардир. Бу хил масдарлардан ҳол маъноси ҳам англашилади. Буларни мен бермайман, фақат жуда зарур ўринлардагина кўрсатаман.

بَرْدِي бəрдī, *بَرِيرٍ* бəрīр, *بَرْمَاقٍ* бармақ, *كَلْدِي* кəлдī, *كَلْبِي* кəлп, *مِنْكَ بَرِغِمٌ بَلَسَا مَنكَا تَشْعِيلٌ* мəнīң барғīm болса мəнə тушғīл—борадиган вақтимда менга учра, деганда *بَرِغِمٌ* барғīm—ясама масдар. *كَلْبِي كَلْبِي كَلْبِي* кəлп кəлп кəлп болса оқта—кийик келар вақтида от, жумласидаги *كَلْبِي* кəлп—ясама масдар. *تاز كَلْبِي بَرْمَجِيكَا* таз кəлпī бəркчīгə—калнинг келиш ери дўппифуруш дўконидир, деган мақолдаги *كَلْبِي* кəлпī сўзи ҳам шундайдир. Бу хил масдарлар қаттиқ ўзакли сўзларга *ق*, *غ* орттириб тузилади. *بَرْدِي* бардī—у боришда қаттиқ ҳаракат билан борди, *أَلْ قَلْنِ أَرْغِ أَرْدِي* ол қулīн уруғ

урдī—у қулини қаттиқ уриш билан урди демакдир. Бу гаплардаги *بَرِغ* барғ, *أَرْغ* уруғ сўзлари ясама масдарлардир. *ق* ҳарфи ҳам, *ك* ҳарфи ҳам ҳар вақт изофа ҳарфи ҳисобланадиган [аниқловчига орттириладиган] *ي* ҳарфи билан бирликда қўлланади. Булар *غ* га ўхшаш ёлғиз ўзи қўлланмайди. *أَلْ قَلْنِ أَرْغِ* анīн [оруқī нəтəқ—унинг юриши қандай, деган танда *بَرْدِي* [оруқī сўзидаги *ق* *غ* ўрнига алмашгандир.

Юмшоқ, яъни таркибида *ك* бўлган сўзларда ясама масдар *ك* қўшиб ясалади.

أَلْ قَلْنِ تَبِكٌ анī сəкўк сəктī—уни қаттиқ сўкди. *أَلْ قَلْنِ تَبِكٌ* ол қулīн тəпīк тəпдī—у қулини қаттиқ тепкилади гапларидаги *ك* қўшиб ясалган масдардир. Бу хил таркиблардаги масдарларда таъкид, пухталаш мазмуни ифодаланади. Чунончи *وَكَلَّمُ اللَّهُ مُوسَى تَكَلِيمًا* оятидаги каби.

Қоидалар шундай қисқа қилинди. Бошқа сўзларга солиштириб тушуниш учун ишорат қилинди, холос. Бу ерда мен кўрсатган қоидалар, мен ишорат қилган асослар ҳамма туркий тиллар учун умумийдир. Буни ўз ўрнида тушуниш мумкин.

Китобда айtilган ва айtilмаган нарсалар ҳақида

Китобда кўрсатилган тоғ отлари, кўл, води, денгиз отлари фиқят мусулмон шаҳарларидаги номлардир. У номлар ҳар вақт қўлланадиган ва машҳур бўлганлари учун ёздим. Машҳур бўлмаганларининг кўпларини тушириб қолдирдим. Мусулмон бўлмаганлардан баъзиларининг шаҳар номларини ҳам ёздим, баъзиларини қолдирдим. Машҳур бўлмаганларини ёзишдан фойда йўқдир. Тилга кейин кирган сўзларни ҳам ёзмадим. Эркак ва аёллар номи ҳам шундай фақат энг кўп қўлланадиган, одамларга тўғри шикларини билиб олиш зарур бўлган бир қисмигина кўрсатилди.

Турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида

Турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нуҳ пайғамбар ўғли Ёфас, Ёфас ўғли „Турк“ка бориб тақаладилар.

Булар „Рум“ авлодининг Иброҳим пайғамбар ўғли Исҳоқ, Исҳоқ ўғли **عيسى** Ису Румга бориб тақалишига ўхшайди. Ҳар бир қабиланинг саноқсиз аллақанча уруғлари бор. Мен булардан асосини, она уруғларини ёздим, шахобчаларини ташладим. Фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига қўйиладиган белгиларини ҳам ёздим, чунки одамларда буларни билишга аҳтиёж бор эди. Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. Румдан кун чиқаргача бўлган мусулмон ва бошқаларни зикр қилдим. Румга яқин биринчи қabila **بَجْنَك** бэҗэник сўнг **قَفْجاق** қифчақ, **اَغْرُ** оғуз, **يَمَاك** ямак, **بَشْغَرْت** башғирт, **بَسْمَل** басмил, сўнг **قاي** қай, сўнг **يَباقو** ябақу, сўнг **تَتار** татар, сўнг **قَرَقَر** қірқіз келади. Қирғизлар Чин яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси Рум ёнидан кун чиқаргача чўзилгандир. Сўнг **چِكِن** чигил, сўнг **تُخْسِي** тухси, сўнг **يَغْمَا** яғма, сўнг **اِغْرَاق** играк, сўнг **جَرَق** жаруқ, сўнг **جُمُل** жумул, сўнг **اُيغُر** уйгур, сўнг **تَنْكُت** тацут, сўнг **خيتاي** хитай. Хитой—„Чин“дир. Сўнгра **تَاغْغَاج** тағғаж; бу „Мочин“дир.

Бу қабилалар Жануб ва Шимол ўртасидадир. Бу қабилаларнинг турар жойларини бу доирада ³⁸ кўрсатдим.

³⁸ Фикримча, Маҳмуд Кошғарийнинг бу ерда „доира“ деб кўрсатган нарсаи девонда берилган харита бўлса керак. У доира, бу ердаги изоҳга кўра, шу ўрнида бўлиши керак эди; бироқ у биздаги босма нусхада иккинчи томининг 28—29-бетлари орасига ёпиштирилган. Ҳолбуки, иккинчи томининг кўрсатилган бетига доира тамом дахлсиздир. Қўл ёзмани кўрмаганимиз, қўл ёзма бизда йўқлиги учун бу ҳақда кенгроқ бир фикр айтиш мумкин бўлмади. Хаританинг ўрни шу ерда эканини арабча босма нусханинг биринчи том, 31-бетига маълумот ҳам қувватлайди. Уша бетда айгилишича, бу доира I томининг 31-бетидан олдин ўтган бўлиши керак. Профессор А. А. Семёновнинг айтишига кўра, бир вақтлар девондаги харита Маҳмуд Кошғарий томонидан тузилганми ёки у бошқа бирон шахс томонидан тузилиб, сўнги йилларда девонга

Турк тилининг хусусиятлари ҳақида

Энг тўғри ва аниқ тил фақат биргина шу тилни билладиган, форслар билан аралашмайдиган ва шаҳарларга бориш-келиш қиладиган одами бўлмаган кишиларнинг тилидир. |Улар| **سُغْدَاق** суғдақ, **كَنْجَاك** кәнҷак, **اَرغُو** арғулар каби икки тилда сўзлашувчилардир; **خَتْن** хотанликлар, **تُبْت** тубутлар ва **تَنْكُوت** танутларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуқлик бордир. Булар бу ерларга сўнг келгандирлар. Мен уларнинг ҳар бирларининг тилларини ўз ўрнида сўзлайман. Лекин **جَابَرْقَا** жабарқаликларнинг узоқда туришлари, Мочин билан уларни катта денгиз айриб тургани учун уларнинг тиллари билинмайди.

Мочинликлар ва чинликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши билладилар, бизлар билан ёзишгилари туркчадир. Яъжуж, Маъжужлар узоқда тургани, орада то ва Чин яқинидаги денгиз тўсқинлик қилиши натижасида уларнинг тиллари ҳам маълум эмас. **تُبْت** тубутларнинг тиллари алоҳидадир, Шунингдек, хўтанликларнинг ҳам айрим ёзувлари ва айрим тиллари бор. Тубутликлар ҳам, хўтанликлар ҳам туркчани яхши билмайдилар.

Уйғурларнинг тиллари туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир тиллари ҳам бор. Ёзувда китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарfli туркча ёзувни қўллашчилар, хатларини шу ёзув билан ёзадилар. Уйғурларнинг ҳам чинликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. Чинликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар. Мен бунгача сўзлаганларим шаҳар халқларидир. Саҳроийлардан бўлган ёпиштириб қўйилганми, деган масала муҳокама қилинган экан. Бундан ташқари, асарнинг туркча нашрларида хаританинг ўрни ҳам аниқланмаган. Бизнинг билишимизча, харита қабилаларнинг япаш жойларини, чегаралари ва бошқа масалаларини аниқлаш мақсадида М. Кошғарийнинг ўзи томонидан тузилган. Бу ҳеч қандай шубҳасиз қатъий фикрдир.

جُمَّلُ] умулларнинг тиллари алоҳиладир. [Улар] туркчани ҳам билдилар. Шунингдек قاي қа], ياقوۋ ياباқу, تاتار татар, باسمل басмил қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга, улар туркчани ҳам яхши билдилар. Сунгра قورقۇ қирқиз, قىچاق қипчақ, اغز оғуз, نخسى тухсї, يغما яғма, چىگال чигал, اعراق иғрақ, جاروق тиллари фақат туркчадир. يماک жамак ва باشغрт тиллари буларга яқиндир. Румгача чўзилган بۇلغار булгар, سوار сувар, بختك бəхтəклар тили бир хилдаги сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир.

Тилларнинг енгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси — يغما яғма, نخسى тухсї кабиларнинг тили ва шунингдек ايلا Ила (Или), ارتيش Эртис (Иртиш), يمار Јамар, ائيل Этїл водиларидан уйғур шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва раво тил—ҳоқония (ҳоқонликлар) ўлкасида яшовчиларнинг тилидир. بلاساغون баласоғунликлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. طراز Тїраз [Толос] ва مدينه البيضاء Мадїнатулбайзə шаҳарларининг халқлари суғдча, ҳам туркча сўзлайдилар. اسپجابت Испїжаб [Испїжоб — ҳозирги Чимкент]дан то Баласоғунгача бўлган арғу шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. Қашқарда канжəкча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар ҳоқоний туркчасида сўзлайдилар. Румдан Мочингача бўлган турк шаҳарларининг ҳаммасининг буйи беш мингдан саккиз минг фарсағгача етади. Бу шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим.

Тилда ва лаҳжаларда бўлган фарқлар ҳақида

Туб сўзларда ўзгаришлар кам бўлади. Сўзлардаги ўзгариш ҳарфларда, баъзи ҳарфларнинг алмашувида, тушунувидадир. Масалан, ی билан бошланган от ва феълларнинг бош ҳарфини ўғуз ҳам қипчоқлар | алифга ёки ح га айлантирадилар.

Чунончи, турклар мусофирни يلكين 31кїя десалар, улар [ўғузлар] 31кїн дейдилар; турклар يلىغ سوغ 31лїғ суw десалар, улар 31лїғ суw дейдилар. Шунингдек, турклар дур, марваридни ينجو 31нју десалар, ўғузлар چنجو 31нју дейдилар. Турклар туянинг узун юнгини يغدو 31ғду десалар, улар جغدو 31ғду дейдилар. Сўз ўртасида ёки охирида келган ی ни арғулар ن га алмаштирадилар. Масалан, турклар قوي қой (қўй) десалар, улар قون қон дейдилар. Турклар камбағални چغاي 31ғай десалар, улар چغان 31ған дейдилар. Турклар قاينانك қайу нэн (қайси нарса) десалар, улар قانو қану дейдилар.

Эслатма. Чїғай сўзи илгари ҳамма тилларда шу шаклда (чїғай) бўлгани аниқ. Лекин бизда сўнгги вақтларда 31ғай (жиғай) шаклида ўзлашиб кетган. Биз шунга мувофиқ ўзгартиб олдим.

Сўз бошидаги م ҳарфини ўғузлар, қипчоқ ва суворинлар ب га айлантирадилар. Масалан, турклар من بىрдём мэн бардём десалар, улар بىن بىрдём бэн бардум дейдилар. Турклар шўрвани مۇن мун десалар, улар بۇن бун дейдилар. Сўздаги ت ни ўғузлар ва улар яқинидагилар د га айлантирадилар, чунончи туяни تەش 31тəш десалар, ўғузлар دەش 31дəш дейдилар. Турклар тешикни 31т 31т десалар, улар 31д 31д дейдилар.

Туркий қабилаларнинг кўпгина сўзларидаги د ҳарфи ўғузларда ت бўлади. Масалан, ханжарни турклар بىكدا 31бїкдə десалар, улар بىكتا 31бїктə дейдилар³⁹. Жийдани турклар بىگدا 31бїгдə десалар, ўғузлар 31бїктə 31бїктə дейдилар. Шунга ўхшаш яна кўпгина сўзлар бор. Улар ҳаммаси шу асосдадир. Мен уларнинг ҳаммасини айтиб ўтирмадим.

³⁹ Бўсла, бўктə сўзларида фақат т, д алмашиниши кўрсатилган. Холбуки, бу сўзларда к билан г алмашиниши ҳам бордир.

билан **ف** махражлари орасидаги **ف** w ҳарфини ўғузлар ва уларга яқин турувчилар **و** га айлантирадилар. Чунончи, турклар уйни **أف** әw десалар, ўғузлар **او** әв дейдилар. Турклар овни **أف** әw десалар, улар **او** ав дейдилар. Мен энг тўғри шаклларнигина бераман. Айрим қабилаларнинг тилларида ҳарфларнинг алмашиб келишини ўқувчининг ўзи шунга қиёс қилиб аниқлай олади.

Яғмо, тухси, қипчоқ, ябақу, татар, қайжумул ва ўғузлар ҳар вақт **ز** ни сўзда **ی** га айлантирадилар ва ҳеч маҳал **ذ** билан сўзламайдилар. Чунончи, улардан бошқалар қайин дарахтини **قَیْنِک** қазің десалар, бу қабилалар **قَیْنِک** қайін дейдилар ва ҳеч маҳал **ذ** билан сўзламайдилар. Бошқа қабилалар қайинни, яқинларни **قَیْن** қазін [қайнаға] десалар, булар **قَیْن** қайін дейдилар. Чигил ва бошқа туркий қабилалар тилида **ذ** билан айтилган сўзлар қипчоқ, ямак, сувор, булғорлар ҳамда русларга ва Румга қадар бориб тақаладиган бошқа қабилаларда **ز** га алмаштирилади. Масалан, турклар оёқни **أذق** азақ десалар, улар **ازق** азақ дейдилар. Чигил турклари **قَرْن تَذَنِي** қарін тозті — қорин тўйди десалар, улар **قَرْدِي** тозді дейдилар. Бошқа от ва феълларда ҳам шунга қиёс қилиш керак. Хулоса қилиб айтганда, чигилларда **ذ** билан айтиладиган сўзлар яғмо, тухси, ўғуз ва Чинга қадар чўзилган ерларда яшовчи баъзи аргуларда **ی** билан алмашади

Румгача бўлган қипчоқ ва бошқа қабилаларда бу ҳарф **ز** га айлантиради. Буларнинг ҳаммасини ўз ўрнида кўрсатамиз.

Сўз бошидаги ҳар бир **ا** алиф [унли товуш] ни хўтанликлар, канжаклар **ه** га алмаштирадилар. Биз уларни турклардан деб ҳисобламаймиз, чунки улар туркий сўзларда йўқ товушни киритганлар. Масалан, улар **آ** атани **هَنا** ҳата дейдилар. **آ** анани **هَنا** ҳана дейдилар. **ر** ҳарфи баъзан **ل** га алмашади. Бу ҳақ-

да ўз ўрнида сўзланади. Базан **ز** **س** га **ز** **س** га алмашади. Булар ҳам қуйида келади.

Вақт отлари ва жой отларида қўлланувчи **غ** ҳарфини ўғузлар **ا** га алмаштирадилар: **بَرغُو بِيَر** барғу [эр ўрнида **بِرَاسِي بِيَر** барасі [эр дейдилар. Турклар **تُرغُو أَعْر** турғу оғур — туриш вақти десалар, ўғузлар **أغور تراسي** турасі оғур дейдилар.

ق ҳарфи **ك** га ва **ك** ҳарфи **ق** га алмашади. Булар ўз жойида келади. Ҳарфлар алмашуви ҳақидаги маълумот шулардир.

Сўзларда ҳарф тушириш хусусиятига келганда, ўғуз ва қипчоқлар отлар ва ишнинг кўп қайта ишланганини билдирувчи феълларнинг ўртасида келган **ج** ни ҳамма ерда ҳам тушириб қолдирадилар. Масалан, олақарғани турклар **جُجُجُ** чумчуқ десалар, улар бу сўздаги **ج** ни тушириб **جُجُ** чумуқ дейдилар. Турклар томоқ (бўғиз)ни **تَمَعُق** тамғақ десалар, улар **تَمُق** тамақ дейдилар.

Феълларга мисол: турклар „у одам уйига ҳадеб кетаверадиган“ маъносида **أَلْ أَفْكَا بَارْغَانُ أَلْ** ол әwгә бараган ол десалар, ўғузлар шу маънода **أَلْ أَفْكَا بَارَانُ أَلْ** ол әwгә баран ол дейдилар. Турклар „у одам қўлини ҳадеб ураверадиган“ маъносида **أَلْ أَرْ قَلِينِي أَرْغَانُ** ол әр қулні ураган ол десалар, ўғузлар шу гапдаги ураган сўзини **أَرَانُ** уран деб талаффуз қиладилар.

Талаффузда энгиллик бўлсин учун ўғузлар отлардаги **ك** ни ҳам туширадилар. Феълларда ҳам шу маънодаги сўзларда **غ** ўрнига алмашган **ك** ни ҳам туширадилар.

Ҳамма турк тилларида ҳам шу ёзилган қоидалар асосдир. Қўшимча қоидалар ўз ўрнида айтивлади. Мен заммалик, фатхалик, касралик сўзларни, яъни **ا** алиф билан бошланган сўзларни китобимни ихчамлаштириш, қисқартириш, энгиллатиш мақсадида бир ерда бердим.

СЎЗ БОШИДА ҲАМЗА КЕЛГАН ОТЛАР БЎЛИМИ

ИККИ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР

- أَب** əp||äp||an⁴⁰ — таъкид ва кучайтириш кўмакчиси; бирор нарса жуда ошириб мақталса, **أَبْ أَدْكُو نَانِكْ** əp-əzɣu nən—жуда яхши нарса дейилади. Жуда оқ, оппоқ нарсани **أَبْ أَقْ** ап-ақ дейилади.
- أَب** аб — „йўқ, эмас, на“ маъноларида қўлланадиган кўмакчи; **أَبْ بُوْ أَبْ أَلْ** аб бу аб ол — на бу, на у; бу ҳам эмас, у ҳам эмас.
- أَب** ʊp||uɔ — ранг ҳақида қўлланадиган ошириш кўмакчиси; **أَبْ أَرْكُوْ** ʊp ʊrʊɕ — жуда оқ, оппоқ (чигилча).
- أَبْ أَب** оп-оп — эшакнинг оёғи тойиб кетганда ўрнидан турғазниш учун қўлланадиган сўз бўлиб, „тур-тур“ деган маънони билдиради. Арабларнинг **لَعَا** ләән деган сўзига тўғри келади.
- أَبْ** оп⁴¹ — хирмон янчувчи ҳўквизларнинг ўртасидаги ҳўкиз (арғуча).
- أَت** ат — (қаттиқ талаффуз қилинадиган **أَيْف** билан) от; **أَتْ قَوْشْ قَتْنِيْنْ أَرْ أَيْنْ** қуш қанатин, эр атин — „қуш қаноти билан, эр оти билан“ мақолидаги каби.
- أَت** эт — эт, гўшт (юмшоқ талаффуз қилинадиган **أَيْف** билан) **أَتْ يَيْرْ** эт jəɾ — юмшоқ ер, юмшоқ тупроқ.
- أُت** от — ўт, ўсимлик; **أُتْ أُنْدِيْ** от ўнди — ўт унди, ўт ўсди.

⁴⁰ Ҳозирги замон ўзбек тилида кучайтириш кўмакчиси „хўп“ (масалан, „хўп яхши қилди“ гапидаги „хўп“ каби) ана шунинг х орттирилган варианти бўлса керак.

⁴¹ Қашқадарё область Бешкент шевасида хирмон янчиш маъносида қўлланадиган „хўп ҳайдамоқ“ сўзи ана шу сўздандир.

- أُت** от — ҳайвонлар ейдиган ҳар турли ўт, хашак; **أُتْ أُنْقَا أُنْ بَيْرَكِيلْ** атқа от бэргил — отга ўт [хашак] бергил.
- أُت** от — дори, даво; **أُتْ أَيْجِيْمْ** от ичтим — дори ичдим; табиб маъносидаги **أُتْ أَتَاجِيْ** отачи — сўзи шу сўздан ясалган.
- أُت** от — оғу, заҳар; **بَكْ أُنْكَارْ أُنْ يَيْرْدِيْ** бəг аңар от бэрдй — бек унга заҳар берди.
- إِت** ит — ит, кучук.
- أَج** ач — „ҳой, ҳой, ҳе“ маъноларида қўлланадиган ундов сўз; **أَجْ بَيْرُوْ كَالْ** ач бэру кәл — ҳой, бери кел; ҳай, тез кел.
- أُج** ўч — уч (сон); **أُجْ يَوْمَاقْ** ўч jармақ — уч танга.
- أَج** Оч — (қаттиқ талаффуз қилинадиган **أَيْف** билан) машҳур бир шаҳар оти⁴².
- أُج** уч — тоғда ўсадиган дарахтлардан бири; туркларда қалам шу дарахтдан ясалади; бундан дуг, ҳасса ҳам қилинади.
- أَج** ич — ҳар нарсанинг ичи; **أَجْ قُرْ** ич қур — ичдан боғланадиган белбоғ; **أَجْ سُوْرْ** ич сўз — кўнгилдаги, дилдаги яширин нарса, сир.
- أَج** ич: **أُتْ** ич эт — жигарга ёпишиб турадиган нозик эт.
- أَرْ** эр — эр, эркак. Бу сўзни кўпликда **أَرْنْ** эрән шаклида ҳам қўллайдилар. Лекин бу ҳол кам учрайди ва қондага хилофдир. Чунки кўплик қўшимчаси [аслида] **لَار** лар || lār тарзидадир.

⁴² „Муъжамул-буадон“ китобида кўрсатилишича, Оч шаҳри Андижон билан Самарқанд орасидаги Сайхун қирғоғида яшовчи қарлуқлар шаҳри.

إِرْ ір — уялиш, изза бўлиш, хижолат тортиш маъноларида қўлланади; إِرْ بُلْدِي эр ір болдї — одам изза бўлди; одам уялди.

أَزْ уз — ёғ. أَزْلُكُ مُونُ ўзлук мун — ёғлик шўрва.

أَسْ ус — ёмон ва яхшини фарқлаш (ўғузча); أَلْ بُلْدِي ол ус болдї — у яхши-ёмонни айирди, фарқига етди.

أَسْ ас — йиртқич ҳайвонларга теккан парча гўшт; ўлимтик.

أَسْ ас — каркас қуши; бургут.

كَلْدِي مَنكَا تَاتْ أَيْدِي أَمْدِي يَاتْ
قَشَقَا بَلْبُ أَتْ سَنِي تِلَارْ أَسْ بَرِي

Кәлді мәңә тат,
Айдим әмдї ят,
Қушқа болуб әт,
Сәни тиләр ас бәри

„Менга бир тот келди; унга мен: ёт, қушларга ем бўл, қушлар, қуртлар сени кутаётирлар, (деб уни ўлдирдим)“. [Менинг олдимга бир уйғур коффри келди. Сени йиртқичлар, бўрилар парчаласин, қушларга ем бўлиб, шундай ёт дедим].

أَشْ уш — шундай, худди. أَشْ مَنْدَغُ قِيلْ уш мундағ қил — худди шундай қил.

أَشْ уш — ҳозиргина, шу онда; أَشْ كَلْدِكُمْ بُوْ дўғўм бу — ҳозиргина келиб турганим.

أَشْ أَشْ ош — ош — „уш-уш“ ёки „ҳўш-ҳўш“; ҳўкизни сугоришда қўлланадиган сўз.

أَشْ уш — ҳар қандай дарахт, шох, бутоқнинг ўртаси, ўзаги; أَشْ مَنكُرْ أُشِي мәнқўз ушї — шох (мўнғиз) ўрта-

си; шунингдек қуш ва отларнинг дум суяқларига ёки дум чиқадиган ўринларига ҳам уш дейилади.

أَشْ іш — ис, чироқ ис и ва деворлардаги тутун ис, қуруми; تُونُ إِشْ بُلْدِي тон іш болдї — тўн исланди, кирланди.

أَقْ оқ — ўқ.

أَقْ оқ — тўсин ёки хари; أَقْ أَقْ Эw оқї — уй ўқи, болор, уйнинг тўсини.

أَقْ يِلَانْ оқ јилан — ўқ илон; ўзини одамга отувчи илон.

أَقْ оқ — ер ва бошқа ҳиссаларни ажратишда ишлатиладиган чек (қуръа).

أَقْ оқ — феълларда таъкидни билдирувчи қўшимча;

أَقْ بَرِغَلْ оқ — албатта, бор.

أَقْ оқ — ҳолга яқин маъно берувчи бир қўшимча (юклама); يَا أَقْ كَلْدِيМْ баја-оқ кәлдим — бояёқ келдим, яъни бу соатдан олдиноқ келдим; أَمْدِي أَقْ أَيْدِيМْ әмдї-оқ айдим — ҳозир, ҳозироқ айтдим; ҳозиргина айтдим.

أَقْ іқ — нафас олиш қийинлиги, чунончи муздек сув ичиб, устидан нон егандан кейин нафас олиш қийинлашиб, тўсатдан кўкракдан чиқадиган ўқчиқ, ҳиқчоқ; إِنِّي أَقْ تَتِي анї іқ туттї — уни ҳиқчоқ тутди.

أَلْ ол — у; أَلْ أَتْدَغُ أَبْدِي ол андағ айдї — у (одам) шундай деди.

أَلْ ол — у (ишорат); أَلْ أَرْ ол эр — у киши.

أَلْ ол — от ва феълларга қўшиладиган таъкид қўшимчаси; أَلْ مَنِيكْ أَغْلِيМْ ол мәнїң оғлїм ол — у ҳақиқатан менинг ўғлимдир. أَلْ أَفْكََا بَرْمِشْ АН ол әwгә бармїш ол — у уйга ҳақиқатан боргандир.

أَمْ — эм — эм, даво, дори; даволовчига **أَمْحِي** эмчи дейлиши шундандир.

أَمْ — хотинлар аврати (ўғуз ва қипчоқларда).

أَمْ — иштон, лозим, шалвар.

أَمْ — шоҳ аскарларига қўйилган (тайинланган) яширин белги, пароль; бу белги қуш ёки қурол номи ёки бирор сўздан иборат бўлиши мумкин; тўқнашганда уни айтиб ўзларини танитадилар; мақолда шундай келган: **أَمْ بِلْسَا أَرْ أَلْمَاسْ** *im bilcä ar ölmäs*—им билса эр ўлмас (киши яширин белгини билса, ноҳақ ўлмайди).

أَنْ — ун — ун, товуш; бу сўзни **أَنْ** ун тарзида чўзиброқ талаффуз қилиш ҳам мумкин.

Бу бўлимнинг музоаф (бир ҳарфи икки марта такрорланган сўзлар) қисми

أَرَّ — арра — сийдик; бу сўзни эшаклар жуфтлашиш вақтида икки-уч марта айтилади; сўнг улар жуфтлашадилар. (Ҳозир бу сўз Қашқадарё областида „аррак-аррак“, Тошкентда „харр-харр“ тарзида қўлланади.) Бу сўзди арабчага ўхшашлик бор, чунки арра арабча жамоъ маъносидадир.

أُرَّ — урра — эркалардаги чурра, дабба (ўғузча).

إِرَّ — йрра — изза, уялиш; бу сўз икки **ر** (р) билан йрра, шунингдек бир **ر** (р) билан йра деб ҳам талаффуз қилинади⁴³.

⁴³ Ҳозирги замон ўзбек тилида уялиш маъносидаги бу сўзнинг изза ва изо тарзида икки хил талаффуз қилинишида бир ҳарф орттирилишининг ёки туширилишининг тилимизда қадимий ҳодиса эканлиги кўриниб турибди. Бу сўзда р товушининг з га алмашиниши фонетик ҳодисадир.

Бу бўлимнинг тўрт ҳарфлилари⁴⁴

أَأ — а: — ҳайронлик ва таажжубни билдирувчи сўз. **أَأ مَنِي أَأ قَلْدِي** ол мёни а: қилди — у мёни ҳайрон қилди, таажжубда қолдирди.

أُو — узу — уйқу; **أُوذِبْدِيمُ** узидим — ухладим; бу ерда **و** ҳарфи замма („у“) билан касра (i) орасида келгани учун тушириб қолдирилган.

أُوا — ува⁴⁵ — чақирувчига жавобан, жавоб тариқасида „ҳа“ деб айтилган сўздир. „Эй фалончи“ деб чақирганда чақирилувчининг **أُوا** ува || ова — „ҳа, лаббай?“ деган жавоби, „нима дейсиз?“ деганидир.

أُوَا — уқа — кафиллик, кафолат; **أُوَا مَنِي أُوَا أَلْدِيمُ** мён анī уқа алдīm — мен уни кафилликка олдим; мен унга кафил бўлдим.

أُوِ — ав — (қаттиқ талаффуз қилинадиган **أَلِفُ** билан) буюрувчининг буйруғини писанд қилмаслик, бўйсунмаслик ўрнида қўлланувчи „а?“, „нима деяпсиз?“, мазмунидаги ёрдамчи сўздир.

أُوِ — аj — тўқ сариқ рангдаги бир ипак кийимлик.

⁴⁴ Бу ерда бир оз аниқсизлик бор. Чунки тўрт ҳарfli сўзлар назарда тутилса ҳам, берилган сўзлар тўрт ҳарfli эмасдир.

⁴⁵ Ҳозирги жонли ўзбек тилида, чақирувчининг мурожаатига жавобан „ҳа“ деб айтилади. Бундай мисолларни Навоий асарларидан ҳам топиш мумкин:

Ҳов деса шоҳга нуқс роже эди,

Йўқ демакляк хилофи воқе эди.

اى بىكى a] bitigi — аскарларнинг номи ва озиғи ёзилган дафтар.

اى a] — ав сўзи каби буйруқни менсимаслякни, инкор қилишни билдирадиган бир сўз.

Таркибида бурун товушлари бўлган отлар⁴⁶

اَنك аң — юз ёноғи; قِرْل اَنك қізіл аң — қизил юз ёноғи.

اَنك аң — қуш исми; унинг ёғидан дори сифатида фойдаланилади. Агар ёғи кафтнинг юзига сурилса, кафтнинг орқасига ҳам ёйилиб кетади.

اَنك аң — „йўқ“ ёки „эмас“ маъносидадир (ўғузча). Бирон юмушга буюрилганда, буюрилган киши اَنك аң-аң дейди. Бу — „йўқ-йўқ“ демакдир.

اَنك аң — олд; اَل مَنَدَن اَنكَدَن بَرَدِي ол мёндан бидун барди — у менинг олдимдан борди.

اَنك аң — ранг; бир нарсанинг ранги; ياشل اَنكَلِك تُون яшил аңлік тон — яшил ранглик тун.

اَنك ايش аң иш — осон иш, қулай иш. Бу сўз اَنك ايش она] сўзининг қисқартирилганидир.

اَنك аң — ўнг; اَنك اَلِك аң әлік — ўнг қўл, соғ қўл (чигилча).

Икки ҳарфлилар тугади.

⁴⁶ Бурун товушларининг сўз ўртасида ва сўз охирида келишларига қараб бўлинишлари турлича бўлса ҳам, М. Кошгарийнинг таърифича, бурун товушлари, асосан икки ҳолда пайдо бўлади: 1) н дан сўнг г келган сўзларда; аң, оң ва шу кабилар; 2) н дан сўнг л, ч келган сўзларда: кўлүн ч, сўвинч каби. Буларни М. Кошгарий бир-биридан фарқ қилиб, „г“ ли бурун товушлари“, „л, ч“ ли бурун товушлари“ деб атайди.

УЧ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

فَعْل Фаъл, فُعْل Фуъл, فِعْل Феъл шаклида ўрта ҳарфи сукунли сўзлар⁴⁷.

اَلْب алп — ботир, қаҳрамон; اَلْب يَغِيْدَا اَلْحَقُّ جُعِيْدَا алп-јағида, алчақ јағида — „ботир душман билан тўқнашганда, олишганда, ювош — тиришишда синалади“ мақолидаги каби. Бу сўз қуйидаги парчада ҳам келгандир:

اَلْب اَر تُونْ كَا اَلْدِيْمُو ايسېر اَر تُونْ قَلْدِيْمُو
اَذَلْكَ اَوْجَن اَلْدِيْمُو اَمْدِي يَرْك يَرْتَلُوْر

Алп эр Тона бидиму,
Әсіз ажун қалдиму,
Өзләк өчин алдиму,
Әмди јурақ јіртілуּр.

Алп Эр Тўнга (Афрасиёб) ўлдими,
Ярамас дунё қолдиму,
Дунё ундан ўчини олдим,
Энди юраклар унинг учун яраланмоқда.
(Афсуски, қаҳрамон Алпартунга ўлдими, ярамас дунё ундан ажралиб қолдими, замона ундан ўчини олдим, энди унинг учун юраклар яраланаётир.)
اَرْت سَچ арт сач — орқа соч, гардон мўйи, чунки اَرْت арт орқа, бўйин демакдир.

⁴⁷ فَعْل, فُعْل, فِعْل шакллари бу ўрнида икки нарсани англатади: 1) алиф билан бошланувчи сўзларни кўрсатади; 2) шу сўзларнинг ўртасидаси ҳарфларнинг сукунли эканлигини кўрсатади.

أرث арт — тоғ тепаси; أرثك بئورۇ әрмәгүгә
эшик арт болур— „ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ
тепасидек күринади“ мақолидаги каби.

أرث урт — нина || игна тешиги.

أرث Өрт — үт; ёғин.

أرث аст — тор йүл; тор күча (чигилча).

أرث анд — онт; қасам; أرثك андқ — қасам ич.

أرث арқ — чиқит, чиқинди; أرثك تەمۇر арқі — темир
чиқиндиси.

أرث урқ: أرثك уруқ сүзининг қисқартирилган шакли
(үғузча). Арабча أرثك унуқ, أرثك унқ сүзлари каби.

أرث Үрқ — мўлжал қилиш, фол очиш, биров дилда-
гани айтиш.

أرث Үрк — эрк; подшолик ва буйруқ үткирлиги.

أرث Өрк — қора молларнинг бошвоғи ва от оёғининг
боғи (тушов).

أرث Үрк — қуй; түрт ёшга қадам қўйган қуй.

أرث Үлк — олдин, аввал; أرثك سەن барғил —
олдин сен бор.

Уч ҳарфлиларнинг манқус⁴⁸ бўлими

أوب أوب Өп - өп — бирон ишда ҳовлиқиб ва мақтаниб, сўнг
уни исботлашдан ожиз қолганларга „өп-өп“ дей-
дилар.

أوت أوت От — үт, олов; أوتك نيسا اغيز كيماس от тәсә ағиз
күймәс — үт деган билан оғиз күймәс. Бу мақол
сўзлашдан тортилганларга нисбатан ишлатилади.

⁴⁸ Феълнинг уч ҳарфи (бош, ўрта, охириги ҳарфлари)дан бири а, ә, о, ө, у, ү,
і—ї, ғ бўлган уч, оч, иш, ош, эл, ўз каби сўзлар бўлими манқус деб
аталади.

أوت Өт — (و ҳарфи ингичка [ö тарзида] талаффуз
этилади); деворда ва тахтада бўлган тешик.

أوت Өт — (و ҳарфи юқоридагидан ҳам ингичкароқ
талаффуз этилади); аччиғлик, үт [öt] қопчаси.

أوج Өч — үч, интиқом, кек.

أوجك كك قمع كشي نيك بلكوق أوزا أليم بيل
أذكولوكوك أونغجا ألكينك بيل تليم قبل

Өч кәк қамуғ кiшинин жалінуқ үзә алім бил,
Эзгүлүгүг ағанча элгін билә тәлим қил.

„Үч, кек деган нарсалар одамларга қарз кабидир.
Буни бил-да, кучинг етганча қўлинг билан күп-
күп яхшилиқ қил“.

[Үч, кек деган нарсалар одамларга қарз кабидир,
олмай қўймаслар, ундан чекин. Шунин бил-да, му-
софирларга, бегоналарга кучинг етганча, қўлинг-
дан келганча яхшилиқ қил].

أوج Уч — нарсанинг учи. أوجي بوتاқ учі — бутоқ
учи, шох учи.

أوج Уч: أوجك ایل چەгара, эл, мамлакат чегара-
сидаги вилоят.

أوج Уч — бирор нарсанинг тугалиши, битиши (үғузча).

أوجك بۇندا نا اوج وار бојда нә уч вар — халқда (қабил-
лада) күплик жиҳатдан тугалиш йўқ.

أود Өд — (و ҳарфи ингичка [ö тарзида] талаффуз
этилади); замон, замона, давр. Қуйидаги мақолда
ҳам келган: أودك كجارت كشي ئويماس بلكوق اوعلي
أودك كچار كشي توماس, жалінуқ оғлі
мәнү қалмас. „Замон үтар, киши түймәс, инсон
боласи мангу қолмас“ мақолидаги каби.

اودۇد уд—сигир (чигилча). Туркларнинг қабул қилган ўн икки йилдан бирига ҳам اودۇپيلي уд [ил] — сигир йили дейилади.

اوز ات ор ат — тўқ қизил ва сариқ ранглар орасидаги от.

اوز өр — (و ҳарфи янгиликка [б тарзида] талаффуз этилади); кафтан ёки камзулнинг қўлтиқ ости қисми.

اير эр — тешиш асбоби.

اير эр — ер; баъзи луғат [тил]да اير эр ҳам дейди.

اوز өз — (юмшоқ талаффуз этиладиган اَلِف билан); ёғ. اوزلك اش өзлүк аш — ёғлик ош, ёғлик таом.

اوز өз — ўз; ўзи; бу сўз шу парчада келган:

كوركلكونك تونغ اوزونككا تالغ اشغ اذيقما
توتغيل قنوق اغرليغ بلسون جفيناك بلوتما

Көркүлүк тонуг өзүнкә,
Татлиг ашиг азінқа,
Тутгил қонуқ агірлиг,
Јазсун јавиң бузунқа.

„Куркам, чиройли тўнинг ўзинга, ширин овқатингни бошқаларга ата; қўноқларни ҳурматла, токи, шуҳратинг эл-юртга таралсин“. [Чиройли тўнингни ўзинг кий, лекин ширин таомларингни бошқаларга тут, меҳмондўст бўл, токи шуҳратинг оламга ёйилсин].

اوز өз — дара, тоғлардаги води; буни تاغ اوزي тағ өз — тоғ дараси ҳам дейдилар.

اوز өз: بوزونك اوزكيشي آل өз кiшi — яқин одам; бу бизниң өз кiшi ол — бу бизнинг ўз яқин кишимиз.

اوز өз — юрак ва қоринга тегишли аъзолар. اوزم اغرپدي өзүм агрiдi—қорним [яъни ичим] агрiдi.

اوز өз — ўзак; буни اوزي اوزي اوزي [яъни өзi] өзi (ёғоч ўзати) ҳам дейдилар. Хурмо ёғочларининг бошида пайдо бўладиган оқ модда.

اوز كيشي өз кiшi — қўли ишга қовушадиган, ўз ҳунарига моҳир киши.

اوز өз: اوز قنقى өз қонуқi — гавда ичида ҳаракат қиладиган нарса, руҳ; қуйидаги парчада ҳам келган:

بردي كوزم يرقى االدى اوزوم قنقى
قندا ارنج قنقى امدى اوزين اوزغورور

Бардi кўзүм јаруқi,
Алдi өзүм қонуқi,
Қанда эрiнч қанiқi,⁴⁹
Эмдi узiн узғурур.

„Кўзимнинг нури кетди, менинг руҳимни ҳам олиб кетди. У ҳозир қаерда экан? Энди мени уйқудан уйғотади“.

[Кўз қорачигим (севиқлигим) кетди. У кетиши билан менинг руҳимни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Энди у қаерда экан? Унинг йўқлиги мени уйқудан уйғотади, уйқуга йўл бермайди].

ايش یش... иш... بار ايشنك نا نە یشiн бар? - нима ишинг бор?

ايش эш — эш; ҳамроҳ; ўртоқ; жини бор, алоҳида таъбиқатли кишиларга ҳам ايشليک یشлик дейилади.

⁴⁹ Мисралдаги қанқi сўзининг арабчаси قنقى ҳолда эди. Биз Басим Аталай билан асосида тузатдик.

اين in — ин; шер, тулки ва бошқа йиртқичлар уяси.
 بين in шакли ҳам бор.
 اين in — қўй қийи; бу сўзнинг بين in шакли ҳам бор.

ТҮРТ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ⁶¹

اوي oj — ердаги чуқурлик, ўйдим-чуқур.

اوي oj: اوي ات at — қора от.

Ўрта ҳарфи сукунли сўзлар тугади.

فعل فعل Фаъал, фаъул, фаъил каби ўрта ҳарфи ҳар хил шаклда қўлланувчи сўзлар бўлими

اجت ochut — ўч, қасос; душманлик; бу сўзнинг асли och dir.

اذت azut — кафт; бир кафтга сигарлик; *بِر اذت ناع* бир азут нәң — бир кафт нарса.

ارت at arut ot: ارت ات arut ot — бир йил турган ўт; қуруқ хашак.

اغت agut — бўза тайёрлашда ишлатиладиган ачитқининг исми. Бу кўп дорилардан иборатдирки, унлари ундирилган арпа уни билан аралаштирилади. Кейин қориштирилиб, ғўлакларга ўхшатиб кесилади, сўнг қуритилади. Кейин буғдой ва арпани қайнатилади. Ўша хамир ўғитни (ғўлакни) янчиб, ҳар бир буғдойга бир ғўлакдан сепилади, сўнгра қайнатилган буғдойни тоза бир нарсага ўраб, уч кунгача димлаб қўйилади. Шундан кейин хумга солинади ва етилгунча ўн кун қўйилади. Сўнг устига сув қуйиб сузилади. Бу буғдой шароби [бўза] дир.

⁶¹ Бу ерда босма нусхада ёки қўлёзмада ва ёки китобни тузиш вақтида бир оз хаҳо кетган. Чунки берилган сўз арабчада ҳам тўрт ҳарфли эмас, уч ҳарфлидир.

اقت awat — тўғри, маъқул деган маънони англатувчи сўздир. Бу сўзнинг уч хил талаффузи бор: яғмо, тухси, қишчоқлар *اقت awat*, ўғузлар *امت amät* ёки *اوت awat* дейдилар. Бошқа турклар эса *يمت yimät* дейдилар.

اقت uwut — уялиш, ҳаё.

اقت uwut — таомга ёки подшо ҳузурига чақирриш.

اكت agit — ярадан, шунингдек, кўз тегишидан сақлаш учун болаларнинг юзига суртиладиган бир дори. Бу дори заъфаронга бир қанча нарсалар қўшиб ясалади.

اكت ogut — ўғит, насихат; бу сўз қуйидаги шеърий парчада ҳам келгандир:

الغبل اکت مندين اغول اردم تبالا
 بوبدا اولغ بلکا بلب بلکينک اولا

Алғил оғўт мәндин, оғул эрдәм тила,
 Бојда улуғ билгә болуб, билгич ула.

„Ўғил, мендан ўғит ол, фазилат тила.

Эл-юрт орасида улуғ олим бўл, илмингни тарқат“. [Эй ўғлим, мендан ўғит-насихат ол, одобли ва тарбияли бўлишга тириш, токи эл ичида зўр олим бўлиб танил ва улар орасида одоб ва илм тарқат]..

اكت agut — буғдой ва шунинг кабиларни янчиш.

اكتنج agutchi — буғдой ва бошқа донларни янчувчи кимса, тегирмончи.

اكت agat — никоҳ кечаси келин ёнида хизмат қилувчи хотин, янга.

اكت ikit — ёлгон (ўғузча); *اكت سوز* ikit soz — ёлгон сўз.

الت olut — бир-бирини ўлдириш. Ўлдирувчига *التجى* olutchi дейилади.

اَلْتُ ɔlʊt: اَلْتُ ɔlʊt ʔr — куч ва қуввати кетган катта ёшли киши.

اَتَحَّ атач—худди катта кишилардек ўзини улугсифат (жекса-қари) қилиб кўрсатувчи болага атач оғул дейилади.

اَتِچ а тіч — болалар ёнғоқ ўйнайдиган чуқур жой.

اَشِچ а ш і ч — қозон; бу сўз қуйидаги мисолда ҳам келгандир:

اَشِچ اَيور توبوم التون، قمج ايور من قیدامن

Аш і ч ајур тубум алтун, қам і ч ајур мэн қайдаман? „Қозон айтур: тубим олтин, чўмич айтур: мен қайдаман?“

[Қозон тубим олтин деб мақтанса, чўмич: „Ундай бўлса, мен қайдаман?“—дейди].

Бу масал ўзининг кимлигини биладиган таниш кишилар олдида мақтанувчи кишига нисбатан айтилади.

اَكَّч ʔkʔʧ — ўзининг ортиқ зийраклиги билан одамларга худди ўз синглисидек туюлувчи ёш қиз; бу сўз ёш қизларни севиш, эркалаш учун қўлланади.

اَمَّг ʔmʔg — нишон, мўлжал.

а м а ч — омов, омов-бўйинтуруқ; деҳқончилик асбоблари.

у л і ч — болаларни севиш, эркалатиш учун айтиладиган сўз; اَلِچِم ул і ч ім — ўгилчам, қароғим (қарлуқча).

а н а ч — она қиз, яъни ўзининг зийраклиги билан ҳамманинг онасидек ҳисобланувчи ёш қиз. Бу сўз қизларни эркалатиш учун айтилади.

ʔnʊʧ — кўзга тушган парда, ноҳина.

اَغِرَّ ʔgʔr — оғир, ҳар нарсанинг оғири. Халқ ёки бек томонидан ҳурмат қилинадиган кишига اَغِرْلِغ كِشى ағрліғ кіші деб айтилади; تَغِرِّي مَنِي اَغِرْلادِي тәғрї мәнї ағрладї—худо мени сийлади, қадрлади. اَغِرَّ اَذاق اَمِرْلدِي ағр ʔзақ ʔмрүдї—оғир оёқ кечадан бир мунча муддат ўтгандан кейин тўхтади дейилади, яъни „оғир оёқли киши секин ва суст юрса ҳам, манзилга етди“ дейилмоқчи.

ағр: ағр: اَغِرَّ نازك ағр нәң—нархи ошиқ нарса, қимматбаҳо нарса.

ағр: уғар: اَغْر اَت уғар ат—пешонасида оқи бор [қашқа] от; бу сўз шаклан ҳам, мазмунан ҳам арабчага мосдир; фақат бу сўзнинг бош ҳарфи арабчада фатхали (a), туркчада заммали (y) дир. оғур — вақт; نا اَغْرْدا كَلْدِيك نә оғурда кәлдїң?—қай вақтда келдїң?

оғур — давлат, даргоҳ; بَك اَغْرَبْتدا مِينك ايشِم ايتلدي бәғ оғрїнда мәнїң ішїм ʔtїлдї—бек давлатида (даргоҳида) менинг ишим ўнгланди.

оғур — ишнинг ўрнида бўлиши, жойида, вақтида бўлиши. بُو ايش اَغْرْلغ بُلْدِي бу іш оғурлуғ болдї—бу иш вақтида бўлди.

оғур — бадал, эваз; ўринма-ўрин, бошма-бош; اَغْر اَتقا اَغْر اَلْدِيم атқа оғур алдїм—от эвазига [бошма-бош] олдим (оғузча).

оғур — яхши ва муваффақиятли; хайрли; бу сўз фақат сафарга ёки сафарчига нисбатан қўлланилади: يول اَغْر بولسун]ол оғур болсун—сафар бехатар [муваффақиятли] бўлсин (ўғузча).

ʔgʔr — игир || ийир, қорин оғригини даволаш учун қўлланадиган ўсимлик; бу сўз шу мақолда келган:

قَرَامَنَكِيْز قَبِيْلَ يُوْزُ بُلْنَار مَبْنِيْ اَوْلَاسْ كُوْزُ
 بُلْنَابْ يِنَا اَوْلُ قَجَارُ اَنْدَبِيْن تَمَارُ تَوْكَالُ نُوْزُ

Булнар мәни улас кбз,
 Қара мәніз қізіл јүз.
 Андін тamar түкаі түз,
 Булнап јана ол қачар.

Бу маст кўзли (севиклим) порлоқ юзидаги ёқимли қора холи билан мени асир қилади. Худди (гўзал) ёноқларидан ширинлик томаётгандай мени асир қилади-да, сўнг мендан қочади. [Мастона кўзли, кўркам юзли, қоп-қора холли севиклим, ёноқларидан ёқимлилик томаётгандек мени асир қилади. Асир қилади-да, сўнг қочади].

- اِبْشُш о п у ш — ўпиш.
 اَتِشُش а т і ш — отиш; отишма.
 اَتِشُш А т і ш — эр кишиларнинг исмларидан.
 اَتُشُш У т у ш — эр кишиларнинг исмларидан.
 اُتُشُш у т ў ш — [юмшоқ талаффуз этиладиган „у“ билан];
 уйинда ютиш. Бу шундайки: болалар ҳалқа (давra) бўлиб ўтирадилар. Болалардан бири ёнидаги бир болани тўртади ва унга اَتِشُش اَتِشُش ўтўш-ўтўш дейди, яъни „ёнингдагини ҳам тўрт“, дейди.
 اِتِشُش і т і ш — икки киши орасида ўзини қўл билан ҳимоя қилиш.
 اُجْشُش о ч а ш — ўчакишиш. اَل مَبْنَكِ بَرَا اَوْجَشْدِي ол
 мэннц бiрlа очаштi—у мен билан ўчакишди.
 اَدْشُش а д а ш — дўст, ўртоқ.
 اِدْشُش і д і ш — қадаҳ; пиёла; яғмо, тухси, ямак, ўғуз ва арғулар тилида тос, обдаста, товоқ ва лаганларнинг ҳаммаси „идиш“ деб юритилади.

- اَرِشُش а р і ш — ўриш; اَرِشُش اَرِقَاغُ аріш арқағ — орқоғ-
 ўриш деб қўлланилади,
 اَرِشُш у р у ш — талашиш, тортишиш; уришиш.
 اَغِيْشُش а г і ш — кўтарилиш, оғиш.
 اُعْشُش у г у ш — қабила, қариндош.
 اَفْشُش у w у ш — ушоқ, нарсанинг майда бўлаги; اَفْشُش اَتْمَاكُ
 уwуш ётмāk — ушатишган нон, бурдаланган нон.
 اُقْشُش у қ у ш — уқиш, англаш; идрок этиш; тушуниш;
 اِقْشُش а қ у ш л уғ اقْشُش كِشِي — уқувли киши, фаҳм-
 фаросатли киши.
 اَكْشُش о к ў ш — кўп; اَكْشُش نَانِكُ оқўш нән — кўп нарса;
 ҳар нарсанинг кўпи. Масалда шундай келган:
 تَبْرِيْكَ اَسَنْ بُلْسَا تَانِكُ اَكْوْشُش كُرُوْزُ
 Тiрiг эсән болса таң оқўш кбрўр
 — одам эсон [соғ] бўлса, қизиқ нарсаларни кўп
 кўради.
 اَوْكُوْشُش о к ў ш : اَوْكُوْشُش بَلْقِي оқўш јiлқi — қайсар от; сар-
 каш ҳайвон.
 اَلِشُш а л і ш — сувнинг ҳовузга қуйиладиган ўрни.
 اَلْشُش Алуш—Қашқарда бир қишлоқ номи.
 اَلِشُш а л і ш — олиш, ҳисоблашиш; اَلِشُش بِيْرِيْشُш аліш-
 бёриш—олиш-бериш. Оладиганни олиш, беради-
 ганни бериш.
 اَلْشُش ў л ў ш — улуш, ҳисса; (ش ҳарфи аслида ك дир).
 اَوْلُكُ ў л ў к — улуш, ҳисса; бу сўз охирида ك к бўлиши
 асосдир. Бу араб тилида к ҳарфининг ш га алма-
 шиниши кабидир. Чунончи, Мажнуннинг اَعْيَانِشُش
 اَعْيَانِشُش جِدْشُش мисрасидаги اَعْيَانِهَا وَجِدْشُش جِدْهَا
 сўзлари اَعْيَانِكُ جِدْشُش ўрнида қўлланган.

الشُّ ул уш — қишлоқ (чигилча); Баласоғун ва уларнинг юқори ёнидаги аргулиларча „шаҳар“ демакдир. Шунинг учун Баласоғун шаҳрини قُوْرُ اُولُوْشُ Қуз улуш ҳам дейдилар.

الشُّ ul uш — халқ орасида ҳисса тақсимлаш ёки улашмоқ. Сўз охиридаги ش ҳарфи ك га алмашгандир. Чунончи, رَيْتِكِ نَحْتِكِ сўзлари ўрнида қўлланганда ش, ك га алмашгани каби.

أَجِيْغِ а ч і г — хон ёки шоҳнинг бахшишномаси, мукофоти; خان مەنكا اجغ بيردى Хан мәнә ач і г бәрди — хон менга мукофот берди.

أَجِيْغِ а ч і г — ноз-неъматлар ичида яшаш, ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиш; اوزۇنكى اجغنتت өзүннi ач і г л і г тут — ўзингни яхши тут! Ноз-неъматлардан баҳраманд бўл, озиклан, демакдир.

أَجِيْغِ а ч і г — ачкиқ; ачкиқ бўлган ҳар бир нарса.

أَجِيْغِ аз і г — айиқ; бу сўз шу маталда ҳам келади:

(Кимки улардан тўғриликни, чинликни ҳавас қилса, қошлари устида ёки пешоналарида буришишни, яъни қовоқ солишни кўради, холос).

قِن қін — қилич ва пичоқлар қини. قَلِيح قَبِي қиліч қині—қилич қини.

كِن кән — кун чиқар томондаги ҳар бир шаҳарга кән дейдилар. Бу сўз كِنْد кэндинг қисқарганидир.

كُن кун — кун, қуёш. كُن تُوْغْدِي кун тугди—кун тугди, қуёш чиқди. Мақол: كُنْكَا بَقْسَا كُوْز قَمَار كўдә бақса, кўз қамар—кунга боқса, кўз қамашади.

كُن кун—кун, кундуз. بُوْكُن بَرْغِل بўкун барғил—бу-гун боргин. Кун қуёшнинг нуридан пайдо бўлгани учун уни ҳам шу кун сўзи билан аталади.

كُن кун:— كُن يَار کун йпар—мушк кўпиги.

مِن мән — мән (туркча).

مُن мун — шўрва. Яғмоларда эшитдим. مُن كَلْدُر мун кәлдур деганларида увралик шўрва ҳозирлаганларини кўрдим. Бу сўзларни ёзишда бир юмшоқ ҳарф (унли ҳарф) орттириш ҳам мумкин эди, лекин талаффузга кўра биз ёзганчадир. Унга зарурат йўқдир. Икки ҳарфли солим сўзлар битди.

УЧ ҲАРФЛИ **فَعْلِي فَعْلِي فَعْلِي** ШАКЛИДА ОЛДИНГИ ҲАРФИ
ТУРЛИ ҲАРАКАТДА БЎЛИБ, ЎРТАСИ ҲАРАКАТСИЗ
БЎЛГАН СЎЗЛАР БЎЛИМИ

بَرْت барт — май ва шу каби суюқ нарсалар ўлчови.

بَرْت барт — сув ичиладиган идиш (ўғузча). بَرْت بَرْت تَقِي барт бурт тутти—ҳар тарафдан бирдан олди.

بُرْت бурт — босинқираш, қора босмоқ. Шунинг учун **بُرْت كِي** ҳам дейдилар.

بُرْت бурт — хўжанинг ҳар йили қулдан оладиган тўлови. Бу сўзнинг **بُرْت** талаффузи тўғрироқдир.

* Бу сўзнинг ёзилишида аниқсизлик бор—С. М.

تیرت تیرت — газмол йиртилганда чиқадиган овоз. **تیرت تیرت تیرت تیرت** аниң тонін тирт-тирт жіртті — унинг түнини тириллатиб, тирт-тирт йиртди. **төрт төрт** — түрт. **تөрт тармақ** — түрт танга. Бу умуман түрт сонини англатади. **تورّت** тарзида „вов“ билан ёзиш тузукроқ.

چارّت چارّت чарт-чурт — ҳар нарсанинг майдаси, синиги. **چارّت چارّت چارّت چارّت** бизниң анда бир чарт алғуміз бар — бизнинг ундан бир оз оладиган нарсамиз бор.

چارّت чірт: **چارّت سوزتې** чірт сүзті — тишлари орасидан чиртиллатиб тупурди.

سارت сарт — савдогар. **سارت سارت سارت** азиқі ариғ болса јолда јәр — бу мақолнинг изоҳи бир неча марта айтилди.

سارت سارت сарт-сурт: **سارت سارت سارت** аниң азақі сарт-сурт қилді — унинг оёғи халф-хулф қилди, каттароқ оёқ кийими кийганда чиқадиган овоз.

سيرت сірт — қуйруқ, дум, соч. **سيرت سيرت** ўғузлар кичик тепа ва водийларга ҳам сирт сирт дейдилар.

قارت қарт — яра. Шундан олиб, хулқи бузук, қайсар одамга **قارت قارت** қарт эр дейдилар.

قورت қурт — қурт (ҳашорат), бутун турклар шундай дейди, фақат ўғузлар бұрини қурт дейдилар.

قارت قارت қарт-қурт: **قارت قارت قارت** әлік қарт-қурт әтті — бармоқлар қирсиллади, қарс-қурс қилди.

قارت қірт: **قارت قارت** қірт от — калта ўт. Шунингдек, калта сочга ҳам **قارت ساج** қірт сач, бахил ва хулқсиз кишига **قارت كيشي** қірт кіші дейилади.

كورت كورت курт-күрт — от ем еганда чиқадиган овоз. **كورت كورت** ат арпані курт-күрт јәді — от арпани курт-курт еди. Шунингдек, одам бодринг каби нарсаларни қаттиқ чайнаб еганда чиқадиган овозга ҳам бу сүз қўлланади.

كورت курт — тоғ дарахтларининг бир хили. Ундан камон, қамчин ва ҳасса қилинади.

قورچ قورچ қарч-қурч — ғарч-ғурч. **قورچ قورچ** әр турмузні қарч-қурч јәді — әр бодрингни ғарч-ғурч чайнаб еди. Пулатни **قورچ تمر** — қурч тәмүр дейилади.

قورچ қурч — чидамли пишиқ одамга **قورچ ارن** қурч әрән дейдилар. Ҳар бир тигиз ва қаттиқ нарсага ҳам бу сүз қўлланади.

مورچ мурч — мурч.

كند кәнд — шаҳар. Бундан олиниб Қошғарни **اردو كند** Ордукәнд — хон турадиган шаҳар, марказ маъносида қўлланади. Чунки бу шаҳарнинг ҳавоси яхши бўлгани учун Афрасиёб шу ерда турар эди. У қуйи чиндир. Шеърда шундай келган:

كەنكەز ئېۋ اقمىز كەندلر ازا چىتمىز
فۇرخان افسن بىقىمىز بۇرخن ازا سىختمىز

Кәңкәзләјү ақтәмиз,
Кәндләр үзә чіқтәмиз,
Фурхан әwін јіқтәмиз,
Бурхан үзә сичтәмиз.

Уйғурларга қарши жангларни таърифлайди. Селдек уларга оқдик, шаҳарлар ичига кирдик, бутхоналарни йиқитдик, ҳатто бутлар устига ўтирдик (булғатдик). Бу — мусулмонлар кофирлар устидан

галаба қилганларидаги одатларидир. Таҳқир қилиб, бутлари устидан сиядилар.

[Селлар каби оқдик, шаҳарлар тепасига чиқдик, бутхона уйларини (бузиб) йиқитдик. Бутхоналар устига бавл қилдик].

кэнд — ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида вилоятдир. Шунинг учун Фарғонани **اوزكند** озкэнд—ўз шаҳрини дейдилар. Самарқандни катталиги учун **سەمىز كند** сәмиз кэнд—семиз шаҳар дейдилар. Бунни форсилар **سمرقند** Самарқанд тарзида қўллайдилар.

барс — барс, қоплон.

барс — туркча ўн икки мучал йилларидан бирининг номи. Турклар ўн икки хил ҳайвон исминини ўн икки йилга от қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблайдилар. Бунинг қелиб чиқиши шундай: турк ҳоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин бўлиб ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишганлар. Бу масала юзасидан [ҳоқон] қавми билан кенгашди ва айтди: „Биз бу тарихни [аниқлашда] қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин“. Улар „айтганингиздек бўлсин“, дейишди.

Ҳоқон овга чиқди ва одамларга ваҳший ҳайвонларни Ила дарёси томон қувишни буюрди, бу

жуда катта сув. Одамлар ов қилиб ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар, шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон исми билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон **سېچغان** сичған—сичқон бўлди. Шунинг учун йил бошини унинг номи билан аталди, шу сўзга йил қўшиб **يې سېچغان** йе сичған йілі — сичқон йили деб атадилар. Ундан кейин ўтганлари қуйидаги тартибда бўлди ва уларнинг ҳар бири бир йил учун исм бўлиб қолди:

уд йілі — сигир йили.

барс йілі — барс йили.

тағишған йілі — қуён йили.

нәк йілі — тимсоҳ йили.

йілан йілі — илон йили.

йунд йілі — от йили.

қой йілі — қўй йили.

бијин йілі — маймун йили.

тақағу йілі — товуқ йили.

ит йілі — ит йили.

тоғуз йілі — тўнғиз йили. Тўнғизга етгандан кейин, ҳисоб яна сичқондан бошланади. Бу китобни ёзган йилимиз тўрт юз олтмиш олтинчи (466) йилнинг муҳаррам ойида илон йили кирган эди. Бу йил ўтиб, тўрт юз олтмиш еттинчи йил келса, **يۇند** йунд йілі — от йили киради. Йил ҳисоби мана шу мен кўрсатган тартибда олиб борилади. Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисидан бирор ҳикмат бор деб тахминлайдилар: масалан, уларча сигир йили бўлса уруш кўп бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон. Тovuқ йили

اود يېلى
بارس يېلى
تغيشغان يېلى
نەك يېلى
يىلان يېلى
يۇند يېلى
قوي يېلى
بيجين يېلى
تاغۇ يېلى
ايت يېلى
توغوز يېلى

кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товукнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёгингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тунғиз йили кирса, совуқ қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш, ҳар йилга бирор тахмин юритадилар.

Туркларда ҳафтадаги етти куннинг исми йўқ, чунки ҳафта исломдан сўнг шуҳратланди. Шунга ўхшаш ой исмлари ҳам шаҳарларда арабча юритилади. Кўчманчи ва мусулмон бўлмаган турклар ойлари тўрт фасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Йил ўтишини шундай биладилар. Масалан: наврўз (янги кун) дан кейинги аввал баҳорга **الغ اغلاق** ай оғлақ ај, сўнгра **الغ اغلاق** ай улуғ оғлақ ај дерлар. Чунки ой бу вақтда катта бўлиб қолади. Бундан кейингисига **الغ** ай улуғ ај дейилади. Чунки бу ой ёзнинг ўртасида бўлиб, бу вақтда сут ва ер неъматлари мўл-кўл бўлади. Бу исмлар кам қўллангани учун ҳаммасини айтишни муносиб кўрмадик. Ўзинг тушин.

بَرَس барс—чивин, пашша чақишидан ёки эшак ем бошланишида терида пайдо бўлган пайса, шиш. **اَنِي بَرَس** анї бари болдї — унинг эти пайса бўлди, шишди.

تَرَس тэрс — терс, қийин, **تَرَس ايش** тэрс иш—қийин иш. **چَرَس** чарс — чарс-чарс, қарс-қарс каби ҳар тарафдан эшитиладиган овоз. **اَل اَنِي جَرَس جَرَس اُرْدِي** ол анї чарс-чарс урдї — у уни қарс-қарс урди. Яна **تَرَس تَرَس اُرْدِي** тарс-тарс урдї деганда, ҳар тарафдан урди деган маъно англашилади.

قَرَس қарс — туя ёки қўй юнгидан қилинган кийим. **قَرَس قَرَس** қарс-қарс — қўл уриш, чапак чалишдан чиққан овоз. **اَل قَرَس قَرَس اَيَا يَتِي** ол қарс-қарс аја јалтї—у қўллари билан қарс-қарс чапак чалди.

كَلَف гуф: **تَام كَلَف يِقَلْدِي** там гуф јїқїлдї — девор гулдирос билан бирдан йиқилди.

اَف بَرَق эw барқ — уй ва ҳовли, уй-жой. Барқ сўзи айрим ишлатилмайди, жуфт ҳолдагина қўлланади.

تُرُق турқ¹⁶⁷ — ҳар нарсанинг узунлигига айтилади.

بِير سَنَكُو تُرُقِي бир сөнү турқї—бир найза узунлигида.

جَرُ اِنِي تُرُقِي јэр энї турқї — ернинг энї ва бўйи.

اسكرك جَلَق чулқ ўскўрк — қаттиқ, сархуш, маст. **جَلَق جَلَق**

чулқ бдр қїлдї чалқ-ччлқ бадар қїлдї—у уни шақ-шуқ урди.

قِرَق қїрқ — қирқ. Мақол: **بَاي جَعَاي تَزَلِنُور**

қїрқ јїлқа тэгін бај чїғај тўзләнўр— қирқ йилгача бой билан камбағал тенглашади, яъни вақт ўзгариши билан ёки ўлим билан шундай бўлади.

بِرَك бэрк — берк, маҳкам. Асли **بَك** бэк, р ҳарфи ортиқча. **بِرَك نَنَك** бэрк нэц — мустаҳкам нарса.

بُورَك бўрк — бўрк, қалпоқ, бош кийими. Мақол: **تَاتْسِيز تُرَك بُلْمَاس** татсїз тўрк болмас, башсїз бўрк болмас — бошсиз бўрк бўлмаганидек, тотсиз турк ҳам бўлмайди.

تُرَك тўрк — турк шаҳарларидан бирининг оти.

تُرَك كَل тэрк кэл — тез кел. Тезлатишга ундалган ҳар бир ишга ҳам қўлланади. **تُرَك قَل** тэрк қїл—тез қил.

تُرَك Тўрк — тангри ярлақагур. Нуҳ ўғлининг оти. Бу от Нуҳнинг ўғли турк авлодларига тангри берган.

¹⁶⁷ Турқ сўзи ҳозир авзойи, кўрниниши, ранги-рўйи каби маъноларда ишлатилади.

номдир. Чунончи, тангрининг **هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ** оятидаги „инсон“ сўзи „одам“ маъносид келган. Бу ерда сўз бирликда, яъни фақат бир киши маъносидадир. Қуйидаги

لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ. ثُمَّ رَدَرْنَا
أَسْفَلَ سَافِلِينَ. إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ

оятида инсон сўзи „жам“ маъносидадир. Чунки бу ерда истисно (бир нарсани кўп нарсдан айириб олиш) бор. (истисно) Фақат кўпликдангина айириб олиш мумкин. Бу ерда „инсон“ сўзи „башар“ сўзи каби кўплик маъносидадир. „Рум“ сўзи тангри ярлақагур Исҳоқ ўғли Исуга, Исуга ўғли Румга аталишида ҳам шу ҳол бор. Шунга ўхшаш тўрк сўзи ҳам бирлик ва кўпликда қўлланган. Масалан, **الْشَيْخُ الْإِمَامُ الزَّاهِدُ الْحُسَيْنُ بْنُ خَلْفِ الْكَاشِغَرِيِّ** кош-ғарлик Халаф ўғли имом Шайх Хусайн унга **الْشَيْخُ أَبُو بَكْرٍ الْمُقْبِدُ الْعَجْرَجِيُّ** деган одам нинг охир замон ҳақидаги китобида пайғамбардан шу ҳадисни ривоят қилади:

يَقُولُ اللَّهُ جَلَّ وَعَزَّ إِنَّ لِي جُنْدًا سَمِيئَهُمُ التُّرُكُ وَأَسْكَنْتَهُمُ
الْمَشْرِقَ. فَإِذَا غَضِبْتُ عَلَى قَوْمٍ سَلَطْتَهُمْ عَلَيْهِمْ.

Улуғ тангри айтади: менинг бир тоифа аскарим бор, уларни турк деб атадим, уларни кунчиқарга ўринлаштирдим. Бирор халқдан ғазаблансам, туркларни унга қарши йўллайман.

Бу нарса улар (турклар) бошқаларга нисбатан фазилатли эканини кўрсатади. Ҳатто тангри уларга ўзи от қўйган, исм берган, уларни энг баланд ерларга, хуш ҳаво жойларга ўрнатган ва ўзининг ботирларидан санаган. Туркларда кўркамлик,

ёқимлилик, одоблилик, сўзининг устидан чиқишлик, дадиллик, камтарлик каби мақташга сазовор хулқлар сонун саноқсиздир. Турклар ҳақидаги қуйида келтирилган шеър ҳам уларнинг фазилатини очиб беради:

قَجْنٌ كُرْسَا أَيْ تَرْكٌ بَدْنٌ * أَيْ أَنْكَ أَيْ دَجِي
مَنْدَا نَرُو كَسَلِنُورُ مَنَكْرُ نَكْرُ الْغَلَقُ

Қачан кўрсан ани тўрк,
Бузун анга аниң аждаҳи,
Мунар тәғир улуғлуқ,
Мунда нару кәслінур.

Бир кишини мақтаб айтади: агар уни турклар кўрса, „улуғлик, яхшилик бу одамга ярашади ва шу билан тугайди“.

Тўрк сўзи бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланиладир. Масалан: **كَيْمٌ سَنٌ** кимсан дегувчиға **تَرْكٌ** тўркман дейилганда бирлик бўлса, **تَرْكٌ** тўрк сўзи атланди—турк аскарни отланди ҳам дейилади. [Бунда кўпликни билдиради].

تَرْكٌ тўрк — вақт маъносид а ишлатиладиган сўз бўлиб, бутун меваларнинг пишиш, етилиш маҳалининг ўртасини англатади. **تَرْكٌ أَرْكٌ أَوْدِي** тўрк ўзум бди—узум пишар вақти. **تَرْكٌ قِيَاشٌ أَوْدِي** тўрк қу-јаш бди—кун ўртаси. **تَرْكٌ يَكْتٌ** тўрк йикт — ўрта ёшли йигит.

سَرْكٌ сарк—сопол идиш ва унинг синиқлари.

سَرْكٌ сурк: **بُوزَتَكٌ** аниң азақи сурк буз-тәк—унинг оёғи муздек совуқ. Бу сўз фақат шу ердагина қўлланади.

* Бу сўз кўпинча **بَدْنٌ** бодун шаклида учрайди: I т. 202-бет, II-т. 101-бет, III т. 295-бет.

سُغْتُ суғут — ичак ичига гурунч, гушт ва хушбуй дориворлар солиб, пишириб ейиладиган ҳасил.

سِفْتٌ сифит¹⁸⁹ — йиғи.

سُكُّتٌ سَوْنِكَا قَدْنِكْ мақол: سُكُّتٌ سَوْنِكَا قَدْنِكْ сўкўт сўица қазїң қасїца — тол дарахти-даги ҳўллик ва майинлик толнинг ўзига ярашиқ, қайин дарахтининг қаттиқлиги унинг ўзига муносибдир. Бу мақол ҳар нарса ўз аслига бориши тўғрисида қўлланади.

قُجْتُ қачўт — қочиш. Жанг ва бошқа ҳолларда бир-бири билан олишиш.

قَرْتٌ қарїт — ўғирлаш, талаш (туркманча). Бу сўз арабча غَارَتْ ғаратдан олинган деб гумон қиламан.

قُرْتُ қурут — қурт.

قَنْتٌ қанат — қанот.

قُنْتُ қунат — қунат. Бир-бирларига улашган ҳар бир гуруҳ одам, бир-бирларига яқин яшайдиган кишилар гуруҳи. **أَلْ مَنْكُ قُنَاتِمُ أَلْ** ол мўниң қунатим ол — ул киши менин қўшим, қунатим, ёндошим.

كَبْتٌ кэбїт¹⁸⁹ — ичкилик дўкони, майхона.

كُجْتُ кўҷят — Хоразмда турувчи турклар.

كُجْتُ кўчўт — от, улов.

كُدْتُ кэзўт — кийиладиган кийим. Кўпинча бу сўз тўйда келин ва куёв яқинларига ҳурмат юзасидан

¹⁸⁹ Ҳозир бу сўз йиғи сўзига жуфт ҳолда йиғи-сиги шаклида қўлланади. Навоий сиқтамоқ сўзини ҳаддан ортиқ, қаттиқ йиғламоқ маъносида беради:

Ул ойки кула-кула йиғлатди мени,

Йиғлатди мени демайки, сиқтатди мени.

(Муҳокаматул лугатайн, 47-бет).

¹⁸⁹ Рус тилидаги кибитка сўзи шу кэбїт сўзидан бўлса керак.

кийдириладиган тунга нисбатан айтилади. كُدْتُ

кэзўт бэрдї - тўн берди, тўн кийгизди.

كِرْتٌ кїрїт — калит, қулф калити. Бу сўз арабчага яқиндир. Чунки арабча اِقْلَبْتُ іқлїддир. Бу сўздаги қ ҳарфи к га, л ҳарфи р га, д ҳарфи т га алмашган, алиф туширилган.

كُلْتُ кулўт — одамлар орасида кулгили бўлган нарса.

بُقُحٌ буқач — сопол идиш ёки сопол қозон. اَشْبَحُ بُقُحٌ ашїч буқач равишида икки сўзни бирга қўшиб қўлланади. Қозон — идиш.

بَكْجٌ бэкач¹⁹⁰ — текинларнинг лақаби. اَرْسَلَانُ بَكْجٌ арслан тэгїн каби. Бу сўз юшоқ к билан айтилса, „бек“ сўзининг кичрайтирилгани бўлиб, меҳрибонлик ва ачиниш маъноларини ифода қилади. Чунки амир маъносидаги „бек“ сўзи охиридаги к юшоқ „к“ дир.

Бу л у ч — эркаклар оти.

تَوْقُوحٌ тоқуч — тўқоч кулча. Бу сўз اَرْتَوْقُوحٌ ар тўқ эр даги тоқ сўзидан олинган. Чунки у тўқ қилади, тўйдиради.

تَيْكُوحٌ тїкўч — чакїч [нонвойлик касбига хос термин]. чанач — хунаса; қўрқоқ. Ишида журъатсизлик ва тайинсизлик қилган ҳар бир киши.

¹⁹⁰ Навоий асарларида бекач сўзи севиқли, ҳурматли қиз ва фуқаро қиз маъноларида қўлланади:

Жафони жонга талай солдингиз алайми бўлур,

Сизинг умоқда бекач расмингиз булайми бўлур.

(„Чор девон“ дан)

Ишқки бўлса ёмону яхшидан пок, э кўнгил,

Тўқ тафовут гар бекач бўлса ва ёхуд гар мирак.

سَنَج كَمِيرْلُو санч кiсiрiу — нарса солиш учун қизил теридан қилинган махсус идиш, соноч.

قَقَج қақач — кир. تُون قَقَج بُلْدِي тон қақач болдi—тун кир бұлди.

قُلُوح қулуч — эркақлар оти.

қулач — қулоч. Асли قَلِّ الْح قола:ч — қул оч — қулни оч, қулочни ёз. بِيْر قُلُوح بَرَجِن бiр қулач барчiн — бир қулоч шоҳи.

қiлiч — қилич. Мақол: قَش قُلُوح قَتَا سِيْمَاس қош қiлiч қiнқа сiғмас — қуш қилич бир қиnга сiғмайди. Бу мақол бир иш учун интилган икки киши, бир қизга совчи юборган икки одам ҳақида ҳам сўзланади. Ҳоқонларни ҳам шу лақаб билан юргизадилар. قُلُوح خان қiлiчхан каби. Бу — ишларида, ҳаракатларида қиличдек кесувчи, кескин хон демақдир.

Шеърда шундай келган:

أَرَنْ أَلْبِي أَقِشْتَلَرُ قَنَكِرْ كُوزَنْ بَقِشْتَلَرُ
قَمَعَنْ تَلْمَنْ نَقِشْتَلَرُ قُلُوح قَتَا كَجَنْ سِيغَدِي

Эрән алпi оқiштiлар,
Қидiр кiзiн бақiштiлар,
Қамуғ тулмiн тоқiштiлар,
Қiлiч қiнқа кучун сiгдi.

Жангни таърифлаб ёзади:

Мард, ботирлар бир-бирларини даъват қилдилар ва ёмон кўз билан қарашдилар, бутун қуро-л-яроқлари билан урушдилар, қиличлар устида кўп қон қотганидан, қиnга деярли сiғмай қолди.

[Мард, ботирлар (бир-бирларини) чақирди. Қиnғир кўз билан (бир-бирларига) қарашди. Ҳам-

ма хил қуро-л-лар билан жанг қилишди. Қилич (бетлари қон билан қалинлашиб) қиnга зўрға сiғди].

қамiч — човли.

кiтiч — ёш болалар сўкиши, эй кўтга ўхшаш сассиқ, демақдир.

кiзiч — кўза. Бу сўз арабчага ўхшаш, бироқ „д“ ҳарфи „ч“ га алмашган.

кiзiч — кўза (арғуча). з билан з арабчадаги каби тенг келади. Араблар ёзди сўзини ذِيْر ва ذِيْرُ тарзида ёза берадилар. Шўр сувни ماءُ ذُعَاق ва ماءُ ذُعَاق тарзида ёза берадилар.

кiмiч — кўмоч. Ўчоқда чуққа кўмиб пишириладиган нон.

кiмiч — хазина. أَل كَمَج بُلْدِي ол кiмiч булдi — у хазина топди.

мiшiч узум — бир хил қора узум.

бутар — барди деган тўқима кийимликка ишла-тиладиган ўриш (узунасига қўйиладиган) ип.

бадар-бадар: بَدَر بَدَر بَدَر بَدَر бадар-бадар |ўгўрдi — патир-путир чопди. Чошганда патир-путир оёқ товушлари эшитилди.

басар — тоғнинг саримсоқ пиёзи.

бағир — жигар. Ҳеч кимга бўйин эгмовчи кишини بَدْر بَدْر بَدْر бэдрук бағирлиғ деб юргизилади. Бағри бутун демақдир. Ёйнинг ўрта ерига يا بَغْرِي бағри дейилади.

бақир — мис. Мақолда шундай келган: بَار بَقْر بار бақир жоқ алтун — бор мис (қадрсиз),

йўқ олтин (қадри). Қўлда бор бўлган нарса мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек қадри. Бу мақол яқинлар орасида хўрланиб юрган киши, кейин йўқлигида қадри билиниши маъносида қўлланади.

بَقْرُ ба қ і р — Чин ўлкасидаги чақа (пул). Олди-сотдилари шу орқали қилинади.

بَقْرُ سَقْمُ ба қ і р со қ ум — Марс планетасининг номи, у қизилликда мисга ўхшатилади.

بُكْرُ б у к у р — буйрак.

بُكْرُ б ў к ў р — кужо билан уйғур ўртасидаги баланд бир қалъа; бу чегарада.

تَبْرُ та б а р — қипчоқ хонларидан бўлган اَبال اوز. Инол Узнинг икки ўғлидан бирининг исми.

تَبْرُ т а т і р: تَبْرُ يَبْرُ т а т і р jəp — дарахтсиз, биносиз ер.

تَبْرُ т і т і р — ургочи туя.

تَقْرُ та қ і р - та қ і р: اَتَّ اَذاقِي تَقْرُ تَقْرُ اَتِّي ат азақі тақір-тақір этти — отнинг оёғи тақир-тақир овоз чиқарди. Бу маънода تَبْرُ تَبْرُ اَتِّي т і к і р - т і к і р этти — от тиқир-тиқир қилиб юрди деб ҳам қўллайдилар.

تَمْرُ т ە м ў р — темир. كُوكُ تَمْرُ كُوكُ تَمْرُ تَمْرُ كُوكُ кўк тэмўр

көрү турмас — кўк темир бекор турмайди, етган жойини яралайди. Бунинг бошқа бир маъноси ҳам бор. Қирғиз, ябоқу, қипчоқ ва бошқалар бирор кишига қасам ичирганда ёки ундан бирор нарсага ваъда олганда, қилични унинг олдига кўндаланг қўйиб: جَفْسُونُ بُولُ كُوكُ كُوكُ كُوكُ بُولُ бу кўк кирсўн, қизіл чіқсун дейдилар, яъни ваъда бузилса, бу кўк кирсин, қизил чиқсин, яъни қонга беланиб чиқсин. Бу аҳд бузулса, темир сени ўлдирсин, ўч олсин демақдир. Чунки улар темирни хўрмат қиладилар.

تَمْرُ та м у р — бадандаги тер. Ўғузлар бу сўзни

تَمْرُ тамар дейдилар. Улар доим сўзни енгиллатиб сўзлайдилар. Сўзда а қўллаш и, у га нисбатан енгилдир. Шунинг учун улар шундай қўллайдилар.

تَمْرُ та в а р — жонли, жонсиз мол, товар. Ўғуз ва бошқалар تَمْرُ тавар деб юритадилар.

Шеърда шундай келган:

تَفَرُّ كِمْنِكَ اَكَلِسَا بَكَلِكْ اَنَكْرُ كَرَكِيور
تَفَرُّ سِرِّنْ قَلْبُ بَكْ اَرْنَسِرْنْ اَمَكِيور

Tawar kımıç ökülsä,

Bərlık açar kərkajür,

Tawarsızın qalib

Bəg ərənsızın ɛmgajür.

Кимнинг моли кўпайса, у бошқалардан кўра давлатни идора қилиш ишига лойиқроқ бўлади. Молсиз қолган бек одамсиз қийналади, одамларни қовиштира олмайди. Чунки одамлар унинг моли учун хизмат қиладилар.

جَبْرُ ч ў б ў р — эчкининг юн(г)и. Арзимаган мол ва матоларга қўлланувчи جَبْرُ جَبْرُ чубур-чабур сўзи ҳам шундандир.

جَبْرُ ч о т у р: جَبْرُ كَشِي чотур кіші—ёмон хулқли одам.

جَبْرُ чағ і р — шарбат.

جَبْرُ чағ і р — ичкилик, май. Бу сўз икки қарама-қарши маъно билдирувчи сўзлардандир.

جَبْرُ чағ і р — тор ва кичик йўл.

جَبْرُ ча қ і р — кўк кўз, чағир кўз. Мақолда шундай келган:

اَتَّ جَبْرِي اَتَّقَا تَكْبِرُ. اَتَّ جَبْرِي اَتَّقَا تَكْمَاسُ

Ўт чақирі атқа тәгір,
Ат чақирі ўтқа тәгмәс.

Чағир кўзли ит отга тенглашади, ammo чағир кўзли от итга тенглаша олмайди, чунки бу хил отнинг кўзи хира бўлади. Бу хил отдан четлан-моққа буюрадилар.

جکیر جکیر jikir-jikir — майда тошли нон чайналганда тишдан чиқадиган товуш.

سۇرۇ суғур — варал (эчкиэмарнинг бир тури) га ўхшаш бир ҳайвондир. Унинг терисидан ёмғир ёпингичи қилинади.

سغیر сіғір — шоҳларнинг бир қанча одамлар билан бирликда қиладиган бир турли ови. Шоҳ бир қанча одамларни ўрмон ва даштлардан ўз томонига ов ҳайвонларини ҳайдаб келишга юборади. Улар ҳайвонларни тўплаб келгач, шоҳ қийинчиликсиз, бемалол овлай беради.

سغیر сіғір — сигир. سۇف سغیري суw сіғирі — қўтос.

قەتیر қатір — хачир.

قەдیر қадір — قەدیر نانک қадір нэц — қийин нарса. قەدیر يېر қадір йэр — тоғларда қор ва муз кўплигидан юриш қийин бўлган ерлар.

قەдир қадір: قەدیر قەش қадір қиш — қаттиқ қиш, қаҳ-ратон қиш.

قەдир қадір — кучли шоҳ. Ҳоқонияликлар хонини قەдیر خان қадір хан дейиш ҳам шундандир. Сўзнинг бу маъносида арабчага ўхшашлик бор: чунки қодир араб тилида кучли, ҳар ишни қила олувчи демакдир.

قەсир қісир — туғмайдиган хотинларга ва ҳайвонларга қўлланувчи сўз. Қайсар байтол маъносидаги قەسیر قەسراق қісир қісрақ ибораси шундандир.

كەلەر кәләр — калтакесак.

بۇغاز бугаз — бўғиз, ҳалқум.

تابیز табіз — тузли, шўрхок ер. تابیز كشي табіз кіші — хасадли одам.

تۇبۇز: تۇبۇز يۇك тубуз јук — устига миниб бўлмай-диган даражада қўпол қилиб юк ортилган ҳайвон.

تیتیز: تیتیز نانک титіз нэц — мазаси ҳалиланики каби тахир бўлган нарса.

تۆкүз: تۆкүз ات төкүз ат — пешонасида тангадек оқи бўлган от, қашқа от.

سەғиз сағиз — сақич. سەғиз تېراق сәғиз тупрақ — тоза тупроқ, соғ тупроқ.

سەқиз сақиз — кийимга ёпишган шира ва шу каби нарса. سەқиз سەкіз* — саккизнинг енгил, қисқаргани.

* Маҳмуд Кошғарийнинг шу сўз устидаги изоҳига кўра, саккиз сўзи икки к билан ҳам, бир к билан ҳам қўлланади. Маҳмуд Кошғарий худди шундай изоҳни яна бир қанча сўзлар хусусида ҳам кўрсатган. У тўққиз, икки на ҳатто тикан сўзида шу хусусиятни қайд этган. Ҳозирги тилмишда бу сўзлар талаффузи қатъийлашган бўлса ҳам, Навоий асарларида бу сўзларни левондагича икки хил вариантда учратамиз: икки к билан саккиз, икки к; икки қ билан тўққиз тарзда қўлланган:

Нуктаи тарихики аҳсан дели,

Са к к и з у са к к и з юзу саксан эди.

Чикма т ў қ қ у з парда кенидинки олам кўрмасун.

Олти, етти бурқаъ олғил, сақла и к к и-уч ниқоб.

Ки булғай бори ул фароғи била,

Са к и з йил кераклик яроғи била.

Кўзки эрур эгри анинг хилқати

Бирни ики кўрмак эрур санъати.

То ани ич деб сенга мен юз тутай,

Томса т ў қ қ у з оқса худ ў т т у з тутай.

Демак, айрим туркологларнинг туркий тилларда ҳарфларнинг иккиданиши йуқ деган фикрлари тўғри бўлиб чиқмайди.

سَمِيذٌ сәмиз — семиз, ҳар қандай ҳайвоннинг семизи.
Бу сўзда арабчага ухшашлик бор. Фақат улар „н“ ҳарфи ўрнига „з“ алмаштирганлар. Бу улар тилида бўлиши мумкин ҳодисадир. Чунончи иккинчи шахс олмоши ўрнида „сан“ ҳам „сиз“ ҳам қўллайдилар. (Бунда „з“ ҳарфи „н“ га алмаштирилгандир)

قوبوز қобуз — [Удга ўхшаш] чалинадиган чалғу, қубуз.

قوتوز қотуз — ёввойи сигир, қўтос.

قوتوز қутуз* — қутирган. قوتوز қутуз ит — қутирган ит.

قاز قازиз — дарахт пўстлари.

قاز قازуз — жувон, хотин.

قيميز қимиз — қимиз, бу йилқи сути бўлиб, уни саноч-мешларга солиб ачитиб ичилади.

قيميز қимиз: قيميز اليملا қимиз алмїла — қимизак олма, қимизга ўхшаш нордон олма.

* Девонда قوتوز қутуз ит тарзида берилган бу сўзни биз қутурган ит деб изоҳ қиладик. Аслида бу сўзни қутурган ит ёки қўтир ит тарзида олиш мумкин эди. Арабча таржимасига кўра қутурган, қопогон ит демакдир. Биз бу изоҳда ҳам Навоийга асосландик. Навоий асарларида قوتوز қутур ит р билан берилган:

Ҳар ён югурур эди уриб оҳ,

Ким бир қўтир итни кўрди ногоҳ.

(Мажнун телбаланиб, у ёқдан-бу ёққа югуриб юрар эди. Иттифоқо бир қўтир итга кўзи тушди. Бу ерда гап қўтир ит ҳақида боради. Бошқа байтларда шу итнинг жон берар оллида экани, лекин ундан Мажнунгина умидланиб, агар ит тузалиб, Лайли остонасида яна пойлоқчилик қила бошласа, уни (Мажнунни) қопмаслиги, унга вафо қилишини сўраб, кўйлақларини йиртиб, итнинг яраси устига ёпгани баён этилади).

Бундан ташқари Навоийда қутирган (ит) қутуз тарзида берилган: Расмдур қочмоқ улус итдин ким ул бўлғай қутуз.

(„Чор девон“, 213а-бет).

كوكوز кўкўз — кўкрак, кўкис.

كيز كيزиз¹⁹¹ — кигиз, наMAT.

كوز كوزيز — уйга, ерга солинадиган кенг ва энли палос.

كوز كوزيز — (икки махраж орасидаги ж билан).

Кўп яшаган, қариган тол ва бошқа дарахтларнинг оралиғи, ўртаси, ўзаги.

كوز كوزيز: كوزيز توما кўиуж турма — бузулиб, тамикетган турп, пўк турп. Бошқа нарсаларга ҳам бу сўз қўлланади.

تورس тарус — уй шипи.

تالاس талас — от пойгасида ва чавгон ўйинида майдон; қирғоғига тортиладиган арқон.

تالاس Талас¹⁹² исми билан машҳур бўлган шаҳар. У иккита: اُلغ تالاس Улуғ-Талас, كمي تالاس Кёми Талас, иккинчиси мусулмонлар чегарасидадир.

¹⁹¹ Бу сўз ҳозир жонли тилда كيز кийиз, кийгиз тарзида талаффуз қилинса ҳам, Навоийда كوز киз тарзида берилган:

Чун мени Мажнун бошии атфол тоши синдирур,

Оҳ ўти жулийда сочимдан киз анча куйдурур.

Навоий бу ерда жинчиларга болаларнинг тош отишларини, қонаган баданга кигиз куйдириб босиш одатини эслатади: мен девонанинг боши болаларнинг тошидан ёрилади. Оҳимнинг учқуни ярага кигиз куйдиргандек, наMATга ўхшаган сочимни куйдириб босади.

¹⁹² Бу жой ўрни ҳамон қатъий аниқланмаган. Олтинчи асрдан бошлаб шўҳрат қозонган бу жойнинг ўрнини тайинлашда тарих ва жутрофия олимлари кўп ёзганлари ҳолда, хануз аниқ бир фикрга келолмаганлари маълум. Девонда ҳам унинг ўрнини аниқловчи аниқ маълумот учратмадик. Бироқ унинг ёнидаги қўшни шаҳарлар девонда тўлиқ кўрсатилган. Балки шу маълумотлар тарихчиларга ёрдам берар. Бу ердаги изоҳга кўра, Катта Талас, Кичик Талас каби икки хиллики тарихий асарлардагича Эски Тироз, Янги Тироз деб тушуниш мумкин. I том, 31-бетда М. Кошгарий Тирозда турувчилар туркча ва сугдча сўзланадилар деб ёзди. Булар ҳаммаси Тироз у вақтда марказий шаҳар бўлганини кўрсатади.

تَلَسُّ يُوْزُ то л а с | ў з — рангпар, ёқимсиз юз.
 بَعْشُ б і ч і ш — улуғларнинг зиёфатига келганларга тақдим қилинувчи шойи газлама.
 بُرْشُ б у р і ш — тери ва кийимлардаги буришгранлик.
 بَعْشُ бағ і ш — бармоқ ва бошқа аъзолар бўғини. Қамиш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг бўғинига ҳам бу сўз қўлланади.
 بَقِشُ ба қ і ш — боқиш, кўз билан қарамоқ, қарамоқ.
 بِلِشُ б і л і ш — таниш, билиш. Бу ерда масдар эмас, ҳаракат номидир.
 بُلُشُ б у л у ш — қилган ишида фойда топиш.
 بُلُشُ б у л у ш — сўз билан ёрдам қилиш. اَلْ مَنكَا بُلُشُ ол мэнкә булуш қилди — у менга сўз билан ёрдам қилди.
 تَبِشُ та б і ш — икки одам ва бошқалар ўртасида вакиллик.
 تَتِشُ т у т у ш — олишиш, тортишиш. Бу сўз аввалги сўздан талаффузда қаттиқроқдир.
 تَتِشُ Т у т у ш — киши исми.
 تَغِشُ та г и ш — тўйиш, сезги ва ҳарорат.
 تَقِشُ то қ і ш¹⁹³ — жанг. Шеърда шундай келган:

اَلْعُ بَرَلَا قَرِشْتِمُ تَقِشُ اِجْرَا اُرِشْتِمُ
 اَيْدِمُ اَمْدِي اَلْ اَتَا تَكْرُ اَنْزِنُ يَرِشْتِمُ

¹⁹³ Ҳозир ж а н г маъносида т ў қ и ш сўзи қўлланмайди. Лекин қадимги уруш асбоби бўлган т ў қ м о қ (ч ў қ м о қ варианти ҳам бор) сўзи шу ўзакдандир. Лекин бизда қарама-қарши ҳаракат қилди маъносида т ў қ н а ш м о қ сўзи қўлланади. Шунга кўра т ў қ и ш м о қ маъносида ҳозир т ў қ н а ш м о қ сўзи қўлланади.

Тоқіш 1чрә урїштїм,
 Улуғ бїрїлә қарїштїм,
 Тўкўз атїн жарїштїм,
 Ајдїм әмдї ал утар.

Жангда жамоанинг каттаси билан қашқа отда уришдим. Унга ўқ отдим ва унга: „Мендан буни ол, эй ўтар“, дедим.

[Жангда (жамоа) улуғи билан уришдим. Қашқа отда жанг қилдим. Ўтарга, буни ол, деб ўқ отдим]. Ўтар — киши исми.

تَقِشُ То қ і ш — киши исми.
 تَكِشُ т ә г і ш — бир-бирига луқма бериш, бир кимсанинг иккинчисига луқма бериши.
 تَكِشُ т ә г і ш¹⁹⁴ — ҳар нарсанинг охири, таги.
 تَكِشُ Т ә к і ш — эрлар оти.
 جَبِشُ ч ә б і ш — олти ойлик эчки боласи.
 جَفِشُ ч а ш у ш — жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскарни зулм қилишдан сақловчи бошлиқ.
 جَفِشُ ч і қ і ш — фойда, манфаат. اَلْ اَيْشْتَا جَفِشُ يُوْقُ ол ішта чіқіш жоқ—бу ишда фойда йўқ.
 جَلِشُ ч а л і ш — кураш қилмоқ, курашиш.
 سُرُشُ с у р у ш — дони қотмасдан бурун олиб, қовириб, янчиб ейиладиган буғдой исми.
 سِقِشُ с і қ і ш — қийинчилик, сиқиқ.
 سَكِشُ с օ к ў ш — сўкиш; сўкишиш.
 سَكِشُ с ў к ў ш — (юмшоқ к билан) бузоқ ва қўзиларнинг қовурдоққа мос гўшти (ўғузча).
 سِكِشُ с і к і ш — жинсий алоқа.

¹⁹⁴ Бу сўз ҳозир таги || теги равишда қўлланади. Бизга охириги ш товуши тушиб етиб келган.

قَبَشْ қабіш — талон-торож қилиш.
 قَبَشْ қабуш — аргуларда бир жой помн.
 قَجَشْ қачіш — халқ орасида қочиш, қувиш, шов-шув,
 тинчсизлик. قَجَشْ بَلَسَا قِيَا كَرْمَاسْ қачіш болса
 қаја кбрмәс — халқда шов-шув қўзгалса, ҳеч ким
 бир-бирига боқмайди.
 قُجَشْ қучуш — қучоқлашиш.
 قَدَشْ қазааш — яқин биродар.
 قَدَشْ қаэіш — ҳайвон терисидан қирқиб ишланган қа-
 йиш камар.
 قَرَشْ қаріш — қарич. بَر قَرَشْ бір қаріш—бир қарич.
 قُغَشْ қуғуш — ошланган ва ошланмаган ҳайвон тери-
 лари.
 قُغُشْ қугуш — сув йўли, тарнов.
 قُغُشْ қуғуш: تَغْرِمان قُغُشِي تَغْرِمان қугуші — тегир-
 мон нови.
 قُغُشْ қуғуш — ўқ ясовчиларнинг ўқ ўрнатадиган ёғочи.
 قَمَشْ қаміш — қамиш.
 كَجَشْ кэчіш — дарё ва водийлар кўприги. Мақол:
 اَل كَجَشْنِي سَوْفِ التِّي ол кэчіш нн суw эитти—у кўп-
 рикни суw ва сел олиб кетди.
 Бу мақол булар иш бўлгандан кейин уни топиш
 (тўғрилаш) мумкин эмас, деган маънода қўлла-
 нади.
 كَرَشْ кэріш — юқорисига чиқиш мумкин бўлган ҳар
 бир тоғнинг боши (ўғуз тилида).
 كَرَشْ кэріш — отнинг елкаси, яғрини. Мақол: كَرَشْ
 كَرَشْ يَغْرِ يَغْرِ اَغْلَقَا قَلْبِرْ кэріш яғирн оғулқа қалёр—от киф-
 тининг яғрири ўғлига мерос қолади, чунки кифт
 бўғинлар тўпланадиган жой бўлиб, у ердаги яғир

тезда тузалмайди. Бу билан [ундай] яғирдан сақ-
ланишга буюрилади.

كَرَشْ кэріш — уруш ва талашувда қарама-қарши
 туриш.
 كَرُشْ кбрүш — сўз билан эмас, кўз билан мунозара
 қилиш.
 كِيرَشْ кіріш — кириш, одамнинг ўз мулкидан келган
 кирим.
 كَرِشْ кэріш — олишиш, талашиниш. نَالِك كَرِشْتِيك نэйәк
 кэриштиқ — нима учун талашдинг, тортишдинг.
 كَالِشْ بَرِشْ кәліш - баріш¹⁰⁵ — бориниш-келиш. Меҳмонли
 уйга كَالِشْ لِكْ بَرِشْ لِيغْ أَفْ кәлишлик—барішлиғ эw—
 бориш-келишли уй, алоқали уй дейдилар.
 كَمُشْ кумуш — кумуш. Шеърда шундай келган:

اَلْبَ اَرْنِي اَذْرَدَمُ يِنَن اِنِكْ قَلْدَرْدَمُ
 اَلتَن كَمُشْ بَلْدَرْدَمُ سَوْسِي قَلِن كِيْمُ اَتَارُ

Алп эрәни узурдәм,
 Бојнән аниң қазірдім,
 Алтун, кумуш јузурдәм,
 Сүси қалін кім өтәр.

Жаигни таърифлайди: душман аскарларини ажра-
тиб, тўзитиб юбордим. Жамоа такаси (бошлиғи)нинг
бўйинларини эгдирдим, олтин-кумушларини ортиб
юкладим, одам ўтолмас даражада аскари қалин эди.

[Мард ботирларни тўзитиб юбордим, унинг
бўйинини қайирдим. Олтин, кумушларини олиб қуй-
дим. Унинг аскари киши ўтолмас даражада кўп
эди].

¹⁰⁵ Ҳозир жонли тилимизда бориш-келиш варианты билан бирликда
борди-келди варианты ҳам бор.

كۈمۈش كۈمۈش к у м у ш — танга. Чунки унда кумуш бор.

كۈمۈش كۈمۈش К у м у ш — чўри номларидан.

بَاتِغْ بَاتِغْ батіғ — дарё ва бошқаларнинг чуқур жойи.

اَلْ مَنِكْ بِرْ لَا بَجْعُ قَلْدِيْ بачіғ¹⁹⁶ — ваъда, аҳд. اَلْ مَنِكْ بِرْ لَا بَجْعُ قَلْدِيْ ол мэнің бірілә бачіғ қілді — у мен билан ваъдалашди.

بَارِغْ بَارِغْ баріғ — ол баріғ барді¹⁹⁷ — у кетаверди, ҳеч нарсага қарамасдан, тўпша-тўғри кетаверди.

بَارِغْ بَارِغْ баріғ¹⁹⁸ — бадбуй, сассиқ нарса, бу сўз жуфт шаклда سَاسِغْ بَارِغْ сасіғ баріғ деб аталади.

بَسِغْ بَسِغْ басіғ — кечаси хужум қилинадиган, босиладиган пасқом жой ва ғафлатда қолдириб тўсатдан ушлаш. اَلْ اَنِيْ بَسِغْتَا تَتِيْ ол ані басіғінде тутті — у уни кечаси пасқом ерда ушлади, деб айтилади.

بَسِغْ بَسِغْ п у с у¹⁹⁹ — пистирма.

بُشُغْ بُشُغْ б у ш уғ — султон томонидан ўзига юборилган элчининг қайтиб кетишга берилган ижозат қоғози.

¹⁹⁶ Ваъда маъносидаги бачіғ сўзи I том, 382-бетдаги тўртликнинг биринчи мисранда بِجَعَسْ бічғас тарзида учрайди.

У ҳам ваъда маъносидадир. Бу сўзлар, шубҳасиз, бир ўзақдан бўлиши керак.

¹⁹⁷ Девонда бу хил ибора кўп учрайди. Уруғ урді, قَجْدِيْ қачіғ қачді каби (I том, 25 ва 323-бетлар) Демак, феъллар олдида масдар келтириб-жумла тузиш феъл мазмунини таъкидлаш, шошилич ва тез бажаришни ифодалаш учун хизмат қилади.

¹⁹⁸ Бу сўзнинг ёзилиши ва талаффузи ҳақида Басим Аталай (I том, 372-бетда) изоҳ берган, бу изоҳга кўра бу сўзнинг қўл ёзмада ёзилиши ноаниқ эмиш. У ерда ёзилишига кўра, баріғ ёки біріғ ўқилиши ҳам мумкин эмиш.

¹⁹⁹ Адабиётда пусу тарзида ғ туширилиб қўлланади.

П у с у д а эди неча отлиғ ҳамон,

А д у в сорига учдилар бегумон.

Элчиларга берилган туҳфага ҳам бу сўз қўлланади. Бу „суфра“ сўзига ўхшайди. Суфранинг асл маъноси мусофир учун қилинган таом бўлса ҳам, кейинчалик у таом ёзиладиган теридан қилинган дастурхонга ҳам қўлланган, шунингдек бир қариндош ўз қариндоши ҳузурига узоқдан келиб, қайтиш вақтида қариндош, яқинларни чақириб, берилган тортиқларга ҳам бу сўз қўлланади. Уларга тайёрланган овқатга ҳам بُشُغْ اَشِيْ бушуғ аші деб айтилади. Бу — рухсат оши демакдир.

بِشِغْ اَشْ بِشِغْ аш — пишган ош; бу сўз ҳар бир пишган нарсага ҳам қўлланади. بِشِغْ كَرِيْجْ бішіғ кёрпич — пишиқ кирпич, пишиқ ғишт.

بِشِغْ سُجُوْكَ بِشِغْ сўҷук — қайнатилган шароб.

بَاقِغْ كُرْ باқіғ²⁰⁰ — боқиш, кўриш, қараш. اَنِيْكَ بَقِغِيْ كُرْ анің бақіғі кёр — унинг боқишини, қарашини кўр. Менинг мақсадим бу китобда бу хил масдарларни бермаслик, фақат кўп қўлланувчи [баъзи намуна] ларни беришдир.

بُشُغْ بُشُغْ пушуғ²⁰¹: بُشُغْ بُشُدِيْ пушуғ пушді — хафа бўлди, кўнгил сиқилди, ичи пишди.

²⁰⁰ بِقِغْ бақіғ сўзи масдар формасидадир. Девон ёзган даврда бу хил исма масдарлар ўзак охирига ғ; қ; г қўшилиб ясалар эди. (Қаранг: I том, 24-25-бетлар.) Масалан: бақіғ, кэіғ.

²⁰¹ „Ҳибатул ҳақойиқ“ да б ў ш сўзи аччиқ, ғ а з а б л и маъносида қўлланган:

Хирадликми бўлу р тили б ў ш кишк.

Ҳо ш р ҳам бизда ичи пишиб кетмоқ иборасидаги пишмоқ сўзи шу маънода буляб, бу сўз ана шу бушуғ ўзагидандир.

تابۇغ²⁰³ — хизмат қилиш, ибодат қилиш.
 تابۇغ — тоат-ибодат қилиш. تَنْكِرَى تَبْعِي тэнкри та-
 буғи — худога тоат қилиш.
 тутуғ²⁰⁴ — гаров.
 тутуғ — жиндан бұлган касаллик. اَنْك تَتْعِي بَار анің тутуғи²⁰⁴ бар — унинг жин касали бор.
 тізіғ²⁰⁵ — бир нарсдан тийиш, ман қилиш, қай-
 тариш.
 таріғ — дона, уруғ. Бу сүз дон экинларининг
 ҳаммасига умумий равишда қўлланувчи исмдир.
 таріғ — буғдой — бу кўпчилик турк қабилаларида.
 Фақат ўғузлардагина таріқ маъносидадир. Бу янг-
 лишидир. Булар буғдойни اَشْلِقْ ашлиқ дейдилар.
 туруғ — тоғлардаги қалъа, турар жой.
 торуғ — бир хил отларга қўлланувчи сүз. بُو اَغْلَانِغْ
 бу оғланіғ бір торуғқа алдим — бу
 ўғлонни бир түриқ отга олдим. Бу сүз гоҳо туя
 ва сигирга ҳам истиора йўсинида қўлланади.
 торіғ: تَرِغْ اَتْ торіғ ат — түриқ от.
 Торіғ: تَرِغْ اَرْتْ تِيزْ Торіғ арт тіз — Қашқар бог-
 часининг исми.

²⁰³ Бу сүз ёзма адабиётларда кўп учрайди. Навоийда табуг, табукчи табунмоқ, табингу формаларида учрайди:

Шамшод қоматинга бўлиб банда богда,
 Айлаб табуг, ҳаминша туриб бир аёғда.

²⁰⁴ Шайх Сулаймон лугатида бу сүз تُوْتَاقْ тутақ шаклида берилган.

²⁰⁴ Ҳозир бизда тутқалоқ деган касаллик шу бўлиши керак.

²⁰⁵ Бу сүз ҳозир тийиш, тиймоқ тарзида қўлланади. Навоий ва бошқа классиклар асарларида ҳам тийиш шаклида учрайди:

Тиймағил девона кўнглимники расво бўлма деб,
 Ошиқ ўлғайму эди ул телба расво бўлмаса.

چاغ²⁰⁶ чағиғ — қамчининг учи.
 سَبْغْ сабіғ — чодирнинг гоҳ очиб ва гоҳ ёпиб қўйила-
 диган этак қисми.
 سَتِغْ сатіғ — олди-сотди, савдо-сотик.
 سِزِغْ сізіғ — кўйлак этагининг икки томонидан ёқаси-
 гача бұлган қисми. سِزِغْ يَبِّبْ اَلْتَرْدِي сізіғ яшіб
 олтірді — кўйлакнинг икки томонини ўз тарафига
 ўраб, тўплаб ўтирди. Бу ҳолат нозиклик ва озода-
 ликдан бўлади.
 سِزِغْ сізіғ — тишлар оралиги, тиш милклари ўртасида-
 ги оралик. Бирон кишига сир сақлашни тайинлан-
 ганда سِزِغْ اَسْرِي سِزِغْ اَسْرِي * бу сўзни сізіғдан сі-
 зитма — бу сирни тишларинг орасидан чиқарма де-
 йилади.
 سَرِغْ саріғ — сариқ. Ута кетган сариққа سَبْ سَرِغْ сап-
 саріқ — сариқ ўт, яъни сафрога سَرِغْ саріғ дейилади.
 سَرِغْ саріғ — сариқ. سَرِغْ سَوْفْ саріғ суw — қоринда
 йиғилиб қолган сариқ суw. Ҳар бир сариқ рангга
 ҳам жуфт қилиб سَرِغْ سَرِغْ саріғ-суріғ дейилади.
 سَرِغْ соруғ — йуқолган нарсани ахтариш, излаш.
 سَرِغْ قِیلْدِي соруғ қилди — йуқолган нарсани ахтарди.
 چاغ²⁰⁶ чағиғ — бу ҳам йуқолган нарсани ахтармоқ маъно-
 сидадир. Бу сүз беклар муҳим бир иш қилмоқчи
 бұлганларида қишлоқ эллари ва кўчманчиларга бу
 ҳақда ҳозирланишлари учун хабар беришларига
 ҳам қўлланади.
 قَبْغْ қабуғ — эшик.

* Сўз қондага кўра سوز шаклида ёзилиши керак эди. Биз асосланган босма нусхада шундай берилган.

- қ а т і ғ ²⁰⁶ — ҳар нарсанинг қаттиғи.
- қ а з і ғ — қавиқ, икки қават қилиб тикув.
- қ у з у ғ — қудуқ. قَدْغدا سَوْفَ بَارِ اِتْ بَرْنِي تَكْمَاسُ
қузуғда суw бар іт бурні тәгмәс — қудуқда суw
бор, аммо ит бурни тегмайди. Бу мақол бир ишни
истаб, унга эриша олмайдиган ёки биров қўлида
бўлган таомни кўриб суқланувчи, лекин етиша
олмайдиганларга қўлланади.
- қ і з і ғ — денгиз, ариқ, водий қирғоғи. Ҳар бир нар-
санинг четига ҳам шундай дейилади. اَرْقُ قِذْغِي
аріқ қізігі — дарё буйи. اَيْقُ قِذْغِي ајақ қізігі —
идиш /коса/ лаби. يار قِذْغِي |ар қізігі — жар лаби.
- қ у р у ғ: قُرُغُ اَفْ қуруғ эw — одамлардан, шунинг-
дек нарсалардан холи уй, бўш уй. قُرُغُ اَلْمَا қуруғ
улма — қуруқ кўзача. Ичидаги нарсасидан бўшал-
ган ҳар бир идишга ҳам قُرُغُ қуруғ дейилади.
- қ у р у ғ — қуруқ — ҳўлнинг қаршиси. Аввзлги маъ-
но шундан келиб чиққан.
- қ о р і ғ — амирларнинг мол боқадиган кўкатзор
майдони. Қуршалган ҳар бир нарсага ҳам қоріғ
дейилади.
- қ а с і ғ — оғизнинг ички ўнг ва чап томони.

²⁰⁶ Бизда ҳозир икки т билан қаттиқ талаффуз қилинувчи бу сўз Навоий асарларида икки шаклда ҳам учрайди:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Бирга қ а т и ғ, бирига осон эрур,
Уэр демак барчага қ а т т и ғ келиб,
Неча сучук сўз деса аччиғ келиб.

- қ і с і ғ — қамаш, сиқиғ, қиснғ. اَلْ بَكُّ قِسْغِنْدَا قَلْدِي
ол бәғ қісіғинда қалді — у бир иш учун бекнинг
қамоғида қолди.
- қ у с і ғ — қусуқ, қайт. اَنِي قُسْغُ نُنِّي ані қусіғ тутті —
уни қусуқ тутди, у қайт қилди.
- қ о ш у ғ — шеър, қасида, қўшиқ.

Шеърда шундай келган:

تَرْكَنْ قَتْنُ قَتْنُكَ تَكْرَمَنْدُنْ قَشْغُ
اَيْغِلْ سِزْنَكْ تَبْجِي اَنْتَرْ يَنْكِي تَبْغُ

Тўркән қатун қутіна²⁰⁷
Тәгүр мәндин қошіғ,
Ајгил сизнї табуғчї,
Отнур јаңї табуғ.

Малика (шоҳ) хотинга мендан мақтов, қасида (қў-
шиқ) еткур ва ходимингиз янги хизмат билан йўл-
ланади, деб айт.

- қ а қ і ғ — сиқиғ, зўрлаш. مَن اَنْكُ قَقْغِنْدَا بُو اِبْشُ
мән анің қақіғинда бу іш қилдим — мен унинг
сиқиғида бу ишни қилдим.
- қ а м у ғ — ҳамма. قَمْغُ كِشِي نُوزُ اَرْمَاسُ қамуғ кіші
тўз эрмәс — ҳамма одам барабар, бир хил эмас.
- қ а н і ғ — роҳатланиш, шодланиш, қониқиш. Шеър-
да шундай келган:

تَبْجِي بَغْرُ بِلْبِي اَلْتَنْ تَمْرُ اَرْغُ
اَقْسَا اَنْكُ اَقْبِي قَنْدِي مَنِكْ قَبْغُ

²⁰⁷ Басм Аталай бу парчанинг биринчи мисраидаги қутіна сўзини қа-
тинга бўлиши керак деб кўрсатган. Бизнингча, қутіна шаклининг ўзи
мисрада тўғри келади.

Тутчі јағар булїті,
Алтун тамар арїғ,
Ақса анїң ақїні,
Қандї мәннн қанїғ.

Маликанинг әхсонларини мақтайди: унинг әхсон булутларидан тўхтовсиз соф олтин ёғади. Агар унинг сели менга оғса, шодлигим тошар, орзуларга қонар эдим.

بوتیق

бутіқ — шох, бутоқ. Ҳар нарсанинг тармоғи.

бутіқ — кичик меш (қашқарча).

бутіқ — отнинг оёқ териси шилиб олиниб қилинган меш. Унда қимиз ва бошқалар сақланади.

بوتاқ

бутақ — бу ҳам бутоқ маъносида. Бу сўзнинг бир тилда бутіқ ва бутақ тарзидаги талаффузи ҳам бор. Шеърда шундай келган:

كَمْ اَبٍ اِشْتَرُ فُلَاقَ
اَيُّ اَفْسَى اَرْتَجُّ بَتَاقَ

Кім аїб әшитўр қулақ,
Ај әwi әртўч бутақ.

Шоир севиклисининг юзини ойга, бўйини санубар шохига ўхшатиб сифатлайди: ойнинг уйи ҳам турар ери санубарнинг шохидир, деб ким айтган ва қайси қулоқ әшитган.

بучۇق

пучуқ²⁰⁸ — кесилган, шикастланган, пачоқ нарса.

Ҳар нарсанинг ярмига ҳам بۇجۇق пучуқ дейилади.

بۇجۇق پۇچۇق چارماق — ярим танга.

²⁰⁸ Шайх Сулаймон лугатида бу сўз ярим деган маънода қўлланади:
Бир пучуқ йилдир сенга хизматдаман,
Кеча-кундуз доимо эмгакдаман.

بۇزۇق

бўзўқ — муйлаб, мийиқ.

باراق

барақ — бароқ, сержун ит. Туркий халқлар эътиқодига кўра, бургут қариганда иккита тухум қўйиб, уларни босар әмиш. Тухумларнинг биридан ўша Барақ отли кучук пайдо бўлар әмиш. Итларнинг энг тез юрадигани ва овни қаттиқ сақлайдигани шу Барақ итдир. Иккинчи тухумидан жўжаси чиқар әмиш. Бу унинг жўжаларининг охиргиси бўлар әмиш.

بورىق

боріқ²⁰⁹ — сийрат (ички аҳвол), кишилар билан муомала. بۇرۇقى تۇنگ бўг боріқі нѣтѣк — бекнинг ички аҳволи, феъли-атвори қандай?

بۇرۇق

бўруқ — шоҳ ёнида катталарни ўз жойига ўтқазувчи киши. Бу сўзнинг асли بۇرۇق бўруқ, чунки у шунга буюради.

بۇزۇق

бузуқ — бузуқ, бузилган. بۇزۇق آف бузуқ әw—бузуқ уй. Синган, бузилган ҳар бир нарсага ҳам „бузуқ“ дейилади.

باشق

башақ — ўқ ва найза учигади темир.

باشق

башақ — тўпуқ (чигилча). Ўғуз ва қипчоқлар мим (м) орттириб, باشقۇ башмақ дейдилар. Бу хилда ҳарф орттириш араб тилида ҳам бор. Чунончи: تَمْرُعَتٌ сўзидан ясалган تَمْرُعَتٌ сўзи تَمْرُعَتٌ

²⁰⁹ Бу сўзнинг тўғриси بۇرۇق боруқдир. Чунки киши хулқи маъносида бўриқ сўзи ҳеч ерда учрамайди. Лекин бу маънода йўруқ сўзи III том, 12-бетда қуйидагича изоҳланган: اُنِك بۇرۇقى تۇنگ анїң юрїкї нѣтѣк — ушннғ йўрїғи (одамгарчилиғи, хулқи) қандай демакдир. Бу мисол шу томнинг 26-бетига қайтарилган. Бизнингча, бўруқ сўзи ҳам йўриқ бўлса керак. Чунки араб алфавитида бир нуқта тушиб қолиши билан ي й ҳарфи ب б га айланиб кетиши мумкин.

тарзида ёки **سَكُونٌ** сўзидан ясалган **تَسْكُنُ** сўзи тарзида қўлланиши каби.

بُشُقٌ бушақ: **أَرٌ** бушақ эр — тажанг, ташвишли одам. Ўғуз ва бошқалар сўзи.

بِشِقٌ бiшiқ — пишиқ, пишган. **بِشِقٌ أَتٌ** бiшiқ эт — пишган гўшт. Яғмолар **بِشِغٌ** бiшiғ дейдилар.

بَلِيقٌ балiқ — балиқ. Мақол: **بَلِيقٌ سَفْدا كُوزِ تَشْتِنُ** балiқ сувда, кўзи таштiн — балиқнинг ўзи сувда, кўзи четда. Бу мақол нарсанинг ичида туриб тушунолмай қолувчиларга нисбатан қўлланади.

بَلِيقٌ балiқ — лой. Арғу ва баъзи ўгузлар сўзи. Баъзи арғулар уч ундош товушни ёнма-ён қўйиб **بَلِيقٌ** балқ дейдилар. Ҳолбуки, туркчада икки ундошнинггина қатор келиши мумкин. Арғулилар тилида бузуқлик, заифлик бор.

بَلِيقٌ балiқ — жоҳилия давридаги турклар ва уйгурлар тилида шаҳар. Уйгурларнинг энг катта шаҳарларига Бэш балiқ дейилиши шундандир.

بَلِيقٌ Бэш балiқ — беш шаҳар демакдир. Уйгурлар бошқа бир шаҳарларига **جَانِقِ بَلِيقٌ** Жақи балiқ — янги шаҳар дейдилар.

بَلِيقٌ булақ: **أَتٌ** **بَلِيقٌ** булақ ат — бўйи қисқа, усти кенг от.

بَلِيقٌ Булақ — бир турк қабиласи. Уларни қипчоқлар асир қилган эдилар, сўнгра худо қутқазди ва улар **بَلِيقٌ** алка булақ деб аталадиган бўлдилар. Бу сўзни **بَلِيقٌ** булақ тарзида, яъни чўзиб ва қисқартиб ўқиш ҳам мумкин.

بَلِيقٌ памуқ — момик, пахта (ўгузча).

تَبِيقٌ тобиқ — човган билан уриладиган копток, тўп.

تَبِيقٌ тобиқ: **سُنْكُوكٌ** тобиқ сўнук — тўпик сўнгаларидан қилинадиган овқат.

تَبِيقٌ тутуқ — бичилган ва эрлиги йўқотилган.

تَبِيقٌ турiқ — ҳар нарсанинг ориғи.

أَرُقٌ аруқ: **أَرُقٌ** аруқ-туруқ — Фаргона билан Қашқар орасидаги қийин, баланд йўл, довол.

تَرُقٌ тузақ — ов арқони, тузоқ. Шеърда шундай келган

إِكْلَدِي مَانِكْ أَذَاقٌ **كُرْمَذِبْ أَغْرِي تَرَاقٌ**
إِكْلَدِمْ أَنَدِنْ أَزَاقٌ **أَمَلِكَلْ أَمْدِي تَرَاقٌ**

İklâdi mâniç azaq,
 Kõrmâzib õgrî tuzaq,
 İklâdim andin uzaq,
 Әmlâgîl әmdi tuzaq.

Яширин тузоқни кўрмай, менинг оёғим илинди, узоқ вақт қийналдим, эй севиклим, энди ўзинг давола.

تَرُقٌ тузақ — киши ўзининг севиклисига севиб айтadиган сўзи. Бу сўзнинг **ي** й билан **تَرُقِي** тузақи тарзидаги талаффузи ҳам бор.

تَشَقٌ ташақ — эрлар мойги, ташоғи. Бир-бирига яқин туриш муносабати билан эрлик олати (закар) га ҳам „ташоқ“ дейилади.

تَتَقِي тутуқ — эркаклар номн.

تَتَقِي тануқ — гувоҳ.

جَبِيقِي чабақ — турк кўлида бўладиган бир хил кичик балиқ номн. Паст кишиларга **جَبِيقِي** чабақ эр дейилиши ҳам шунга ухшатишдандир.

جَبِيقِي чiбiқ — чивик. Ҳул повда.

- جُجُقُ чочуқ — чўчқанинг боласи.
 جُرُقُ чаруқ — чориқ. Мақолда шундай келган: **بِذاعِ اَبِي** **جُرُقُ كوجي اَزُقُ** јазағ аті чаруқ, күчі азуқ — яёв оти чориқ, кучи озик, яъни яёв одамнинг оти унинг чориғи ва кучи, қуввати овқатидир. Бу мақол йўлда оёқ чақаланиб ва кишининг ўзи заифлашиб қолмаслиги учун юқоридаги икки нарса кераклиги ҳақида айтилган.
 جُرُقُ чаруқ: **بِرَجُقُ** барчуқ исми Афрасиёб шаҳрида турувчи бир тоифа турклар исми. Бухту Нассарнинг ўғли Батзани Афрасиёб шу шаҳарга қамаган эди.
 جُلُقُ чолақ²¹⁰ — қўли кесилган чўлоқ, чўлтоқ.
 جُلُقُ чулқ — мусича катталигида бўлиб, сувда яшайдиган ола қуш.
 جُمُقُ чумақ — асо, ҳасса.
 جُمُقُ чумақ — уйғурлар ва мусулмон бўлмаган ҳамма халқ мусулмонларни **جُمُقُ اَرِي** чумақ эри дер эдилар. Мусулмонлардан бири демакдир.
 جَنُقُ чанақ — ёғочдан ўйиб ишланган тузлуқ ва шу каби идишлар.
 جَنُقُ чанақ — коса (ўғузча).
 سَجُوقُ сачуқ: **سَجُوقُ نَانِكُ** сачуқ нэқ — сочиқ нарса.
 سُلُقُ сузуқ — тулук.
 سِرُقُ сіруқ — чодирнинг устуни.

²¹⁰ Чўлоқ сўзи ҳозир ҳам кўп қўлланади. Лекин девондагидан кўра кенгроқ маънога эга. Ҳозир фақат қўли кесилган кишига эмас, баъки: қўли синган, қўли қийшиқ, қўли яроқсиз ёки оёғи яроқсиз кишиларнинг ҳаммасига ҳам бу сўз қўлланади. Демак, бу сўзнинг мазмуни кенгайиб кетгандир.

- سَسِقُ сасіқ — сопол. Уч қабиласи ва уларнинг юқориларида турувчилар сўзидир.
 سُسِقُ сусіқ — кўза. Бу сўзни фақат бир қабиладагина эшитдим.
 قَبِقُ қабақ — қовоқ. **كوز قَبِي** кўз қабақі — кўз қовоғи.
 قَبِقُ қабақ — ҳўллиғича ейиладиган қовоқ.
 قَبِقُ қабақ — қизнинг қизлиги. **قَبِي سېدی** қіза қабақі сіді — қизнинг қизлиги оқиди.
 قَتِقُ қатіқ — сирка ва қатик каби тутмоч овқатига қўшиладиган доривор.
 قَتِقُ қатіқ²¹¹ — қотиштириш, аралаштириш.
 قُجُقُ қучақ: **بوز قُجُقُ** бір қучақ. боз — бир қучоқ бўз, бир боғлам бўз.
 قَزِقُ қазіқ — ёғоч идиш (арғуча).
 قَرَقُ қарақ — кўз соққаси. **قَرَا قَرَقُ** қара қарақ — кўзнинг қораси. **اَرُنِكُ قَرَقُ** ўруқ қарақ — кўз оқи.
 قَرَقُ от қарақ — кўз қорачиғи.
 قَرُقُ қіруқ: **قَرُقُ اَرُ** қіруқ эр — қўли қуриб қолган ёки қўли шол одам. **قَرُقُ اَذُقُ** қіруқ азақ — оёғи яроқсиз.
 قَرُقُ қазуқ: **قَرُقُ اَرِقُ** қазуқ аріқ — қазилган ариқ ва бошқалар.
 قَسُقُ қасуқ — от терисидан қилинган, соночга ўхшаш, сут ва қимиз солинадиган нарса.
 قَسُقُ қасуқ — ҳар бир дарахт пўстлоғи. Бу сўзнинг асли **قاس** қасдир, қ кейин қўшилган.

²¹¹ Бу сўз ҳозир адабиётда ва жонли тилда ҳам кўп учрайди. Қотишмоқ, шакли кўпроқдир:

Маст бўлсин деб мабода майга афюн қотмагил,
 Қотишди ики жўйи дарё хуруш.
 Урушдан ажал кулауми урди жўш.

(Навоийдан)

قُسُقُ қусіқ — нилгуза. Канизакларни ҳам шу исм билан атайдилар.

قَشِقِ қашақ — [қоғоз ясаладиган] бир турли қамин

قَشُقُ қашуқ — қошиқ. Мақол:

قَرُقُ قَشُقُ اغزقا يرماس
قَرُغُ سوز قلاتا يقشماس

Қуруқ қашуқ ағізқа жарамас,
Қуруғ сөз қулоққа жақшмас.

Қуруқ қошиқ оғизга ёқмас, қуруқ сўз қулоққа ёқмас. Бу мақол бировдан ёрдам сўраш учун унга ҳам бирон фойда кўрсатиш керак, деган маънода қўлланади.

قَشُقُ қавақ: قَشُقُ اَرْتُ қавақ арт — Ўзганд билан Қашқар ўртасидаги бориш қийин бўлган бир жой.

قَشُقُ қушук: قَشُقُ نازكُ қушук нэц — кавак || ковак нарса.

قَشُقُ қашуқ — қовиқ, сийдик қоши.

Ўлган одамнинг фазилатларини эслаб айтади: у уруш оловини ўчирувчи, уларни (душманларни) аскар сафидан ҳайдаб чиқарувчи, шу билан бирга, қийин ишларни бажарувчи эди. Унга ҳалок қилувчи замон ўқи тегди.

[Душман ўтини ўчирадиган, қароргоҳидан ушн (душманни) кўчирадиган, кўп қийинчиликларни ўтказган (енган) эди, (унга замоннинг) ўлдирувчи ўқи тегди].

جُفْرَكَانَ چەۋۇرگەن : بۇ ەر ол тәлим оқ чәۋۇرگән — бу одам ўқни ҳар вақт тирноғида айлантирадигандир.

كُوسَرَكَانَ күсүргән — бир турли күр сичқон.

تَشْرُكُونَ түшүргүн — катира дарахти (бир тилда).

كُفْرَكَانَ көۋүргән — тоғ пиёзи. Ўғузлар كُومُرْكَانَ көмүргән деб айтадилар.

تَمْرَكَانَ тэмүргән — ўқнинг темирлик учи (ўғузча).

تَكْوَرَكَانَ тәгүргән : بۇ ەر ол ішіг азаққа тәгүргән — бу одам ҳар вақт ишни охирига етказувчидир.

كُؤلَارْكَانَ күйәргән : بۇ ат ол күләргән — бу отнинг ҳар вақт қорни шишади ва у доимо ерда ясланиб ётади.

سُمُرْكَانَ сүмүргән : بۇ ەر ол сүтүг сүмүргән — бу одам сүт ва бошқа нарсаларни ичувчи, семирувчидир.

سُرْوَكَانَ сүрүлгән : بۇ ەر ол тәгмә јәрдін тутқи сүрүлгән — бу одам ҳар жойдан доим сурулувчидир.

كِرْوَكَانَ кәрилгән : بۇ нәң ол кәрилгән — бу нарса тери чўзилгандек ва юқорига кўтарилувчи булут чўзилгандек, ҳар вақт чўзилади.

كِرْوَكَانَ кәрилгән : بۇ ەر ол тәлим кәрилгән — бу одам ҳар вақт эснайди ва керишади.

تِرْوَكَانَ тәрилгән : بۇ ەر ол эзгү савин тәрилгән — бу одам ҳар вақт яхши овоза ва мақтов билан яшайди.

تِرْوَكَانَ тәрилгән : بۇ нәң ол бір біргә тәрилгән — бу ҳар вақт бири-бирига тартиб билан териладиган нарса.

كِسْوَكَانَ кәсилгән : بۇ јип ол кәсилгән — бу ҳар вақт кесиладиган, узиладиган ип.

سِشْوَكَانَ сәшилгән : بۇ түгүн ол сәшилгән — бу тугун ҳар вақт ечиладигандир.

تُكْوَكَانَ түгүлгән : بۇ јип ол түгүлгән — бу ип ҳар вақт тугулган, тугуклик.

تُكْوَكَانَ түгүлгән : بۇ ەر ол тутқи қаші көзі түгүлгән — бу одам ўзининг настлигидан ва нокаслигидан юзини халқдан четга олади.

Бу бўлим беш турлидир. Бу غ (F) ва ك (K) бўлиmidир.

Биринчи: қилинган ишнинг доимийлиги, бир

неча қайталаб ишланганини ва ўз табияти билан содир бўлишини англатади: **بُو اُغْلُ اَلُّ بُرْنِي يُمْرَغَانُ** бу оғул ол бурни · јумурған — бу бола ҳар вақт бурни қонайдиган боладир. **بُو اَرُّ اَلُّ اَذْكُو سَافِيْنُ** бу эр ол эзгү савин тәрилгән — бу одам ҳар вақт яхши овоза ва мақтов билан яшайди каби.

Иккинчи: сифатнинг сифатланувчи нарсадан бошқага ўтишини ва сифатнинг сифатланувчиди давомли эканини англатади. **بُو اَرُّ اَلُّ تُوْرِيْنُ قُرْتِغَانُ** бу эр ол тонин қуритған — бу доим тўнини қуритувчи кишидир. **بُو اَرُّ اَلُّ سُوْفُغُ سُمُرْكَانُ** бу эр ол сувуғ сўмўргән — бу одам доим сувни симиралдиган. Бу бўлимдаги туб отлар қаттиқ **ك** (к) билан, сифатларнинг ҳаммаси **ك** (г) билан қўлланади.

Учинчи: сифатланган нарса **مَفْعُوْلٌ** мафъул (ишланган иш) маъносида келади. **بُو اَرُّ اَلُّ قَبْلُغَانُ** бу эр ол қақилған-суқилған — бу одам хўрланган, эзилган каби. **بُو اَرُّ اَلُّ يِيْرَدَنْ يِيْرْكَا** бу эр ол јәрдән - јәргә сўрилган — бу одам бир ердан бир ерга сурилган каби.

Тўртинчи: ишланган ишнинг ишловчи хоҳинидан ташқари бўлганини англатади: **بُو كِيشِي اَلُّ سُوْرَنْ** бу киши ол сўзин унйтған — бу киши сўзини доим унутиб қўяди. **بُو تُوْرْغُوْنُ اَلُّ سِشْلИْكَانُ** бу тўргун ол сәшилгән — бу тугун доим ечилиб кетадиган каби.

Бешинчи: бу маъноларнинг биронтасини аниқлашувчи соф от маъносида қўлланади: **كَبِيْرْكَانُ** кэвўргән — тоғ лиёзи; **تَافُشْغَانُ** тавушған — қуш каби.

Румдан Чин яқинига қадар бўлган ўғузлар, қўчманчилар бу хил сўзлардаги давомни билдирувчи **г** ва **к//г** ҳарфларини тушириб қўллайдилар.

Сўзлашишда эрлар ва аёллар сифати фарқ қилинмайди. У жумла мазмунидангина англашилади.

Бу ерда кўрсатилган қоидalar ва сифатлар ҳақидаги изоҳлар фақат шулар билангина чекланмайди. Буни китобнинг ҳамма ерида учраган тўрт ва ундан ортиқ ҳарфли феъллар учун ҳам қўллаш мумкин. Худо хоҳласа сўз узайтирилмасдан, булар яқинда англашилади.

ИККИНЧИ ҲАРФИ УНЛИСИЗ **فَعْلَلٌ** ФАЪЛАЛАЛ, **فُعْلَلٌ** ФУЪЛАЛИЛ, **فَعْلَلٌ** ФУЪЛАЛУЛ ШАКЛИДАГИ СЎЗЛАР БЎЛИМИ

سُنْدِلَاجٌ اِبْشِي اَرْمَاسُ اُرْتَكُونُ сундїлач — саъва. **سُنْدِلَاجٌ اِبْشِي اَرْمَاسُ اُرْتَكُونُ** сундїлач иши эрмас ыртугун тәпмәк — хирмон янчмоқ саъванинг иши эмас. Бу мақол кучсиз бўла туриб, катта ишга интилувчи, лекин бажара олмовчиларга нисбатан қўлланади.

قَرغَالِغٌ қарғәләч — қалдирғоч. **قَرغَالِغٌ** қарлїғәч тарзида ҳам талаффузи бор.

قَرغَالِغٌ Қарғәләғ — Тироз шаҳри яқинидаги бир қўргон номи. Асли **قَرغَالِغٌ** Қарғалїғдир.

تَمغَالِغٌ тамғәлїқ — кичкина обдаста.

تَمغَالِغٌ тамғәлїқ — бир кишига махсус дастурхон. Асли **تَمغَالِغٌ** тамғәлїғ, яъни муҳрли демақдир. Одатда подшо ўзига хос дастурхон ва кўзачани муҳрлаб қўяди, унда бир кишига лойиқ шароб ва овқат бўлади. Сўнгра ҳар бир кичик кўзача ва дастурхонни **تَمغَالِغٌ** деб аталадиган бўлди. Бунинг маъноси подшодан бошқа одам ундан овқат

емаслиги учун тамга урилган дастурхон демакдир. Бу сўзнинг охиридаги غ ни талаффуз ўрни яқинлигидан ق билан алмаштириш ҳам мумкин.

سَرْمَاجُ с а р м а ч у қ — угра ошининг бир туридир. Хамирни нўхатдай майдалаб, кесиб тайёрланади. Буни касал ва касалга ўхшашлар ичишади.

سَرْمَسَقُ с у р м у с а қ — саримсоқ. سَمْرَسَقُ самурсақ шакли ҳам бор.

قُرْغُلُقُ қ у р ғ у л у қ — енгилтаклик.

قُرْلَامُقُ қ і з л а м у қ — қизомиқ ва шунга ўхшаш тошиб чиқадиган тошмалар.

قَشْغَلِقُ қ а ш ғ а л а қ — қашқалдоқ, ўрдакдан кичикроқ сув қуши.

Шеърда шундай келган: —

تَنَكْدَا بِلَا كُرْسَا مَنِي اَرْدَكْ اَتَارُ
قَلْفَا كَرُّبُ قَشْغَلَقِي سَغْفَا بَتَارُ

Тапда билә көрсә мәнi брдәк атар,
Қалва көрүб қашғалақi суwқа батар.

Овлаган қуш ҳақида айтади: ўрдак кўлда учсиз ўқ билан мени кўрса, бу қуш ўша ондаёқ сувга шўнғиб кетади.

بَلْكَلْكَ نَانْكَ б э л ғ у л ў к н э ц — кўриниб турган нарса, белгилик нарса. بُلْدَاجِي بُزَاغُو اُكُوْرُ اَرَا بَلْكَلْكَ булданч бузағу өкүз ара бәлғуlўк — хўкиз бўлади деб гумон қилинган бузоқ, хўкизлар орасида ёшлигидаёқ маълум бўлиб қолади. Яхшилик умид қилинадиган ёш, зийрак, ботир йиғитларга айтилади.

كُرْكُنْكَ к б з ғ у н а к — лочин ва қарчиғайга ўхшаш холдор қуш, у шамол билан қаноатланади.

قَدْنُ قَدْنَاغُنْ ق а з ъ н - қ а з ъ н а ғ у н — куёв ва куёвларнинг қариндошларига айтилади ва қўшоқ ҳолда эргаштириб қўлланади.

Бу сўзларнинг бошқа бир тури

سَنْدُوَاجُ с а н д у в а ч — булбул.

سَنْدَا قَجْرُ سَنْدِلَاجُ مَنْدَا تَنَرُ قُرْغِلَاجُ
تَلْغُ اَتْرُ سَنْدُوَاجُ اَرْكَكْ تَشِي اَجْرَشُوْرُ

Сәндә қачар сундiлач,
Мәндә тiнар қарғiлач,
Татлiғ отар сундувач,
Эркәк тiшi учрашур.

Шоир ёз ва қишнинг мунозарасини таърифлайди. Ёз қишга айтади: саъва сендан қочади, менда қалдирғоч роҳатланади. Булбул турли нағмаси билан севинтиради. Менда (ёзда) эркак ва ургочи жуфтлашади.

[Сендан сундилоч қуши қочади, менда қарғилач тинади, роҳат топади, яйрайди. Булбуллар ёқимли сайрайдилар].

مَنْدَرُوْ م у н д а р ²⁶¹ — ипаклар билан безатилган келин уйи.

Беш ҳарфли сўзлар бўлими тугади.

²⁶¹ Бу сўз 408-бетда مَنْدَرِي мандiрi шаклида келиб, келин билан куёв йиғитидиган мажлис маъносиди изоҳланган. Мазмунидаги бу фарқлар сўз охирида келган و (y), ي (n) кўшимчаларидан фарқ қилиниши бўлса керак.

ОЛТИ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР БЎЛИМИ
ТУРЛИ ҲАРАКАТ БИЛАН **فَعْلَمَل** ШАКЛИДАГИ СЎЗЛАР

تَرِيدُوك т і з і і д ў р ў к — махсининг бошига безак учун қадаладиган силлиқ, ялтироқ чақалар.

كُوزِيدُوك к о з у і д ў р ў к — от думидан тўқилган, кўз огриганда ёки қамашганда кўзга тutilадиган нарса.
كُوزُوك к о з і ў к шакли ҳам бор.

جِشْتُرُوك ч і н і ш т ў р ў к — дарахт меваси, у майда гўлаклардек бўлиб, оқ ва қизил ранглидир. Ёзнинг бошларида пишади, уни ейдилар.

كَمِيدُوك к о м у і д ў р ў к — юк орқага кетмасин деб отнинг елка томонидан эгарга боғланган нарса.

سَقْلِدُرُق с а қ а л д у р у қ — қалпоқ тушиб кетмасин учун унга боғланиб, жағ тагидан ўтказилиб қўйиладиган чизимча. Ишакдан тўқилади.

قَلَلِدُرُق Қ а л а л д у р у қ — эрларнинг исмларидан.

ЕТТИ ҲАРФЛИ СЎЗЛАР

زَرْعَنْجَمُود з а р ғ у н ч м у д — бир хил райҳон. Буни форс тилида **بَلَنِكْ مُشَكْ** деб айтилади.

Солим отлар бўлими тугади.

Биринчи жилднинг охири.

ИЗОҲЛАР

Маҳмуд Кошғарий айрим сўзларни изоҳлар экан, кўпинча уларнинг қайси қабилага мансуб эканини кўрсатиб ўтади. Ҳатто бу сўзларнинг бошқа қабилаларда қўлланиш-қўлланмаслигини ҳам изоҳлайди. Лекин баъзан айрим сўзлар ҳақида икки тилнинг бирида, деган маълумоти беради.

Изоҳлардан маълум бўлишича, Маҳмуд Кошғарий ўз девонида тил хусусиятлари кўрсатилган қабилаларнинг тилларини улар орасидаги яқинлик ва ўхшашликларга мувофиқ икки гушпатага айиради. Уларнинг бирини ўғуз, иккинчисини чигил ёки турк гушпаси деб атайди. Маҳмуд Кошғарий икки тилнинг бирида деганда, ана шу икки гушпанинг бирини кўзда тутади.

* * *

Айрим сўзлар изоҳида девонда «Бошқаларда ҳам бу сўз қўлланади» деган маълумот такрорланади. Бу изоҳ лугатчилик принципига мувофиқ сўзларнинг истемол доирасини белгилаш заруратидан келиб чиққандир.

Маҳмуд Кошғарий бу изоҳни айрим сўзларни уларнинг берилган мисолгагина хос экани ёки бошқа гапларда ҳам кела олиши, яъни шу сўзларнинг қўлланиш доирасини кўрсатиш мақсадида ишлатади. Бундай усул айрим сўзларнинг истемол доирасини хилма-хил ва кўп мисоллар билан кўрсатиш вазифасини ихчам ва осон формада изоҳлашга имкон беради.

* * *

Девондаги терминлар масаласига келганда, Маҳмуд Кошғарий кўмакчи, ундов ва қўшимчани ҳарф деб, сифат, сон ва бошқа сўз турларини исм деб берган. Бошқачароқ айтганда, Маҳмуд Кошғарий ўз изоҳларида сўз турларини уч туркум (исм, феъл, ҳарф)га айирган. Бу хил классификация қилиш у давр тилшунослиги учун умумий ҳолат эди. Р. Шор «Частей речи» деган мақоласида шундай ёзади: «Частей речи выделяется первоначально три: имя, глагол, связующая частица; эта аристотелевская классификация сохраняется у арабских грамматиков» (БСЭ, т. 61, 1934 г., 81-бет). Бу ўринларда биз ҳозирги терминларни қўладик.

Баласоғун

Бартольд ўзининг «Энциклопедия ислама» асарида Баласоғун ҳақида катта мақола берган. У фақат шаҳарнинг ишғол қилган жойини аниқлашга интилган. Айтиш мумкинки, у деярли ҳамма китоблардан фойдаланган. Лекин мақолада ёлғиз девондан маълумот берилмаган. Натижада Бартольд Баласоғун ўрнини илгарини бўлганидек яна ноаниқ ҳолича қолдирган.

Баласоғун бир вақт Қуз Урду номи билан ва бир вақт Қуз Улус номи билан юритилган. У энг қадимги марказий шаҳарлардан биридир: Мирхонд «Ҳабибус Сияр»да бу шаҳар тўғрисида ғуболик* — яхши шаҳар деб ёзади.

Бухоро, Самарқанддан кўчиб борган суғдоқлар Баласоғунда жойлашиб қолган ва турклашиб кетган эдилар. Баласоғун энг катта шаҳарлардан бири эди. Халқи ҳам туркий, ҳам суғдча сўзлашур эди.

Журжон

Журжон Гургоннинг арабчалаштирилганидир. Бу масалала Ёқут изоҳини аҳамиятли ҳисоблаб ўзинча келтирдик. Журжон Хоразм ўлкасига тегишли катта бир шаҳардир. У Жайхун қирғоғидадир. Аслида хоразмликлар Жайхуннинг шарқидаги Мансура деган шаҳарда яшар эдилар. Жайхун суви уни ювиб кетди. Ундан асар ҳам қолмади. Сўнг улар Гурганчага кўчдилар. У кичик шаҳар эди. Улар янги бинолар қурдилар. Шаҳар кундан-кунга кенгайиб обод бўлди. Гурганчани 616 ҳижрийда татарлар истило қилиб хароб қилмасдан олдин ўз кўзим билан кўрганман. Мен бундан каттароқ, чиройлироқ, тўқисроқ бир шаҳар кўрганимни билмайман... Тилга оид алоҳида оригинал асар яратган Абдул Қоҳир Журжоний шу Гурганч олимларининг биридир, 461 ҳижрийда вафот этгандир (Муъжамул булдон, 3-жилд, 80-бет).

Субран

Ёқут бунини аямлар шаҳри деб изоҳлаган. Бу изоҳ тўғри, фақат у кимлар (тожикларми ё турклар)нинг шаҳри бўлгани кўрсатилган эмас, Маҳмуд Қошғарийнинг девонида кўрсатилишича, Субран ўғузлар шаҳри бўлган. Бундай маълумот ўғузлар чегарасининг қанчалик кенглигини аниқлаш жиҳатдан муҳимдир.

Субран Ҳирот ва Балх тоғларининг орасидаги бир шаҳардир. (Муъжамул булдон, 2-жилд, 48-бет).

Ҳозирги Туркистон яқинидаги Субран бу шаҳарга тарихан алоқадор бўлса керак.

Игроқ

Игроқлар Яғмо ва Жоруқ қабилалари оралиғидаги бир қабила сифатида берилади. Уларнинг тиллари ёлғиз туркийдир. Игроқларнинг ботирлиги ва ҳимматлиги ҳақида девонда бир неча парчалар бор.

* Ғуболик — суғд тилида беги бор шаҳар демакдир.

Игроқ ери тироқ,
Еми аиниг утлоқ,
Сути уза соғроқ,
Ери тақи аглоқ.

(Игроқ қабиласи ғайратли, ботир одамлардир. Уларнинг озиқлари қуруқ (сувсиз) овқатлардир. Қимиз тоғаралари устидан коса аримайди. Ҳолбуки, уларнинг ерлари ўтсиз ерлардир).

Девонда игроқларнинг жанговар ботирликларини кўрсатувчи яна бир неча тўртликлар бор.

Игроқларнинг тили чигилларнинг тилига тамоман мосдир. (ДЛТ, I том, 56-бет).

Чигил

Чигиллар девонда энг асосий ўринни ишғол қилади. Маҳмуд Қошғарийнинг кўрсатишича, ўғузлар Жайхундан қуйи Чингача бўлган халқларни чигиллар деб ҳисоблар эдилар. Девонда чигил номи Искандар Зулқарнайн томонидан берилгани кўрсатилади.

Чигиллар энг эски халқлардан биридир. Навоий маълумоти ҳам М. Қошғарий фикрларини тасдиқлайди. У Искандар Зулқарнайн юришида, Мовароуннаҳрда чигил, яғмо номларинигина тилга олади:

Чигил бирла Яғмодни айлаб убур,
Нечукким чамандин сабову дабур.
(«Хамса»¹ дан).

Ибнул Асир тарихи қорахонийлар даврида Самарқандга қилинган ҳужумда чигил аскарлари бошчилик қилганини ёзади. Ҳақиқатда ҳам чигиллар Ўрта Осиёдаги энг эски халқлардан эканини девондаги яна кўп маълумотлар исботлайди. Маҳмуд Қошғарий чигилларнинг ўғузлар билан жуда қадимдан тўқнашиб келганини, уларнинг бир-бирларига қаршилиги девон ёзилган даврларда ҳам давом этишини ёзар экан, ўғузлар тилидаги камчиликларни ҳам кўрсатиб беради. Шу билан бирга уларга қарши тил жиҳатдан ишончли қабилалар бошида чигиллар турдилар. Чигил, кошғар, арғу, уйғур, барсағон ва бошқа қуйи Чингача бўлган ҳамма туркий қабилалар сифатдошни буйруқ охирига -ғучи, -гучи қўшиб тузсалар, ўғузлар буйруқ охирига эмас, ўтган замон феълига -чи қўшимчасининг ўзини қўшиб, қондани бузадилар: бардачи, келдачи каби. (ДЛТ, II том, 43-бет). Чигиллар ўтган замон феълени буйруқ охирига -ди қўшиб яасалар, ўғузлар -дуқ қўшиб қондани бузадилар. Чигиллар келаси замон биринчи шахс (сўзловчи) феълени барирман тарзида ифода қилар, ўғузлар эса мен баран деб тамом бошқача сўзлайдилар. (ДЛТ, II том, 54-бет). Чигиллар тили билан ўғузлар тили орасидаги фарқ лексикада ҳам, фонетикада ҳам жуда каттадир. Уларнинг ҳаммасини бу ерда келтириш ўринли бўлмайди.

¹ Алишер Навоий, Хамса, 669-бет, УзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1960 йил.

Тухси

Тухси қабиласи ҳақида девонда маълумот етарлидир. У этни-борли қабилалардан саналади. Тухсиларнинг тиллари ёлғиз туркча бўлиб асосан Қаёс шаҳрида яшайдилар. (Қаёс уч катта районга эга бўлган шаҳар: 1) Соблиғ Қаёс, 2) Урунг Қаёс, 3) Қора Қаёс. ДЛТ, II том, 129-бет.

Улар тил жиҳатдан чигил, яғмоларга яқиндир. Девонда тил хусусиятлари изоҳланган ерларда ҳар вақт деярли чигил, яғмо, тухсининг тил хусусиятлари бир хилда кўрсатилади. (I том, 59, 93-бетлар; III том, 101, 352-бетлар).

Девонда уларнинг яшаш жойлари ҳам бир-бирига яқин, аралаш бўлгани тўғрисида маълумотлар бор. (I том, 342, 354-бетлар; III том, 129-бет). Ҳатто касб-корда ҳам улар яқинлигига оид маълумотлар бор. Маҳмуд Қошғарий девон учинчи томининг 52-бетига Биста сўзини изоҳлар экан, бундай деб ёзади: Биста четдан келган савдогарни уйга қўндиради, молларини сотиб беради, сотгунча ўзини ҳам, молини ҳам боқади; кетар вақтида мол бошига маълум миқдорда ҳақ олади. Мен бунинг дейди Маҳмуд Қошғарий, чигил, яғмо, тухсиларда ўз кўзим билан кўрдим.

Тухсилар ҳақида девонда яна кўп ерда маълумотлар бор бўлиб, уларда ҳам тухсилар тилда, шаҳарда, феъллу одатда чигил, яғмоларга яқин, лекин уларга нисбатан кичикроқ қабилла экани кўрсатилади.

Аргу

Девон маълумотига кўра, аргулар Ўзганд ва Азгиш шаҳарларида яшар эдилар. Аргу тил хусусиятларининг бир қисми ҳозирги ча етиб келиши, улар жуда кенг территорияда яшовчи, ҳозирги Чимкентдан Тўқмоққача бўлган территорияда ва бутун Фарғона территориясида яшаган бир қанча қабилалар орасида кўп нуфузлилар бўлгани ва мамлакатни идора этиш у даврда кўпроқ уларнинг қўлида бўлгани билан изоҳланади.

XI асрларда аргу қабиласининг мавқеи анча ўзгаради. Бунинг девон маълумотлари тўла тасдиқлайди. Идора ишларига бошқа қабилла вакиллари кўтарилади. Сўнги давр тарихий асарларида аргу қабиласи номининг учрамаслиги улар мавқеининг ўзгаришига боғлиқдир. Лекин аргуларнинг юқорида кўрсатилган жойларда яшаб келгани шубҳасиздир.

Маҳмуд Қошғарийнинг маълумотларига кўра, аргулар билан сўзини билур тарзида талаффуз қиладилар, яъни ўтган замон феъл ясовчи аффиксини «у» унлиси билан айтадилар: бардум, келдум каби.

Ҳозирги жонли тилда Тошкент ва унинг атрофидаги борлу (г), келду (г) каби, Наманган ва унинг атрофидаги борлуна, кел

луна каби талаффузлар ана шу аргулар тили хусусиятларидан қолган таъсир бўлиши мумкин. Аргу қабиласи тилига оид яна бошқа хусусиятларнинг сақланиб келиши ҳам шуни тасдиқлайди. Масалан, феъллардан иш оти ясашда феъл ўзаги охирига «ув», «гув» қўшимчасини орттириш аргу қабиласи тилига хос хусусиятдир: боргувчи, келгувчи каби. Бу хусусият ҳозир тилимизда бар қарор экани маълум. Шунингдек, жўналиш келишиги қўшимчаси функциясида ва «учун» мазмунида «қо», «го» қўллаш аргу қабиласининг тил хусусияти эди. Бошқа қабилалар бу қўшимчани ўрин-пайт функциясидагина қўллар эдилар. Ҳозир барча шеваларда бу қўшимчанинг ҳар иккала функцияси мавжуддир. Шунининг ўхшаш, аргулар тилидаги иккинчи шахс кишилик олмошининг белгиси «инг» ўрнида «инг» қўллаш ҳам кўпгина жойларда ҳозир ишлатилади: қочирдинг эмас, қочирдинг каби (солниттириб кўринг: ДЛТ, II том, 131-бет).

Аргулар тилига оид бошқа хусусиятларнинг сақланиб келиши ҳам уларнинг энг қадимий қабилалардан бўлганини исботлайди.

Турк

Турк сўзи девонда баъзан кўпгина қабилаларнинг умумий исми сифатида қўлланса, баъзан тил хусусиятлари жиҳатдан бошқа қабилалардан фарқланувчи кичик бир қабилла сифатида изоҳланади.

Ўғуз

Ўғуз қабиласи энг қадимий ва нуфузли қабилалардан бири сифатида Ўрта Осиё халқлари ва уларнинг тиллари тарихида алоҳида ўрин тутаяди. Шунинг учун унга тарихчи ва тилшунослар жуда илгарини замонлардан жиддий қизиқиб келадилар. Бу масала юзасидан муҳим илмий-текшириш ишлари бор. Айниқса, бу сўзнинг этимологияси устида жуда кўп олимлар текшириш олиб борганлар. Чунончи: В. Банг, В. Радлов, Л. Лигети, Н. Маркварт, А. Н. Бернштам, Д. Синор, Г. Рамстедт, С. П. Толстов ишлари шубҳадандир. Бироқ бу текширишларда масала ҳануз тинчлик ҳолида қолган. Ҳатто ўғуз хон тўғрисида айрим уйдирма, афсоналар ҳам юзага келган. (Қараинг: И. Н. Березин, Рашидуллоев, I том, 81-бет; Шажаран турк, қўл ёзма нусхаси; А. Н. Кононов, Шажаран тарокима, 1957, 13-бет). Ўғуз қабиласи ҳақида «Равна тус сафо» ва Бичурин асарида ҳам маълумотлар бор. Лекин бу асарларда ҳам масала тўла-тўқис ёритилган эмас. Шунинг учун бу ҳақда етук тадқиқотчи М. Қошғарий маълумоти бениҳоят муҳимдир. М. Қошғарий ўз асарида бу сўзнинг этимологиясини аниқлашга уришган эмас. Бунинг жуда қадимий ола бабобларга

бориб тақалишини айтиш билан чекланган. Бундай чекланиш тасодифий эмас, албатта. Аксинча, бу ҳол ўғуз сўзининг шахс оти сифатида юзага келгани, сўнг маълум шароитда қабила номига айланганини аниқлаш чигал экани билан боғлиқдир. М. Кошғарий ўз асарида ўғузларнинг у даврда тутган мавқеи, тили, қасбу кори, уруғ-аймоқлари, турар жойлари ва бошқаларни аниқ фактлар асосида мукамал изоҳлаш билан чекланади. (Қаранг: ДЛТ, I том, 27, 30—31, 33, 35, 56, 59-бетлар).

Тот

Тот сўзи девонда баъзан уйғур, баъзан тожик маъносида учрайди. Бу сўз тарихий асарларда Ироқ ва Хуросонда ҳукм сурган сулола уивони маъносида ҳам учрайди.

Татар

Татарлар тарихий асарларда жуда эски халқлардан саналса ҳам, ўрта асрларда бу сўз мўғул сўзи билан бирга қўлланар эди. Шунингдек, бу сўз айрим тарихий асарларда у даврдаги бутун туркий халқларнинг этник термини сифатида ишлатилади.

Татар сўзи девонда бир неча ерда учрайди. Бу маълумотларда баъзи бир қарама-қаршиликлар ҳам бор. I-том, 30-бетда татарларнинг бошқа бир тили бўлса ҳам, туркчани-яхши биладилар дейилса, I-том, 344-бетда татар турк қавмларидан бири деб кўрсатилади. I-том, 123-бетда татар чўллари уйғурлар яқинида деган маълумот бор. Қабилалар тартиб билан берилган жойда татар сўзи ябоқудан сўнг кўрсатилган. Татарлар ябоқулар билан қўшни туришини кўрсатувчи яна бир далил айрим хос сўзларда уларнинг шериклигидир. Масалан: тор сўзи — бошланғич давр қайиғи (бу ҳақда ўз ўрнида тўла маълумот берилган) ябоқу ва татарлар сўзи деб кўрсатилади. (ДЛТ, III том, 109-бет).

Уйғур

Уйғурлар девонда 43 ерда тилга олинади. Маҳмуд Кошғарий қабилаларни бир неча ўринда баён қилади. Биринчи (ҳамма қабилалар кўрсатилган) ўринда (I том, 3-бетда) уйғурни зикр қилмайди, иккинчи ўринда (I том, 28-бетда) уларни жумул қабиласи билан тангут қабиласи орасида кўрсатади.

Уйғур девон маълумотида кўра, беш шаҳар: Сулми (буни Зулқарнайн бино қилган эди) Кужу, Жонбалиқ, Беш балиқ, Янги балиқдан иборат бир ўлканинг исмидир. Буларни Зулқарнайн турклар билан сулҳ қилганда қургандир.

Уйғур сўзи худ хўр (ўзи топиб ейдиган) сўзининг ўзгарганидир. Маҳмуд Кошғарий шундай изоҳлайди: Низомиддин Исрофил

Ўғон текин бинни Муҳаммад жақир Тўнқохон отасидан эшитган хабарини менга шундай сўзлади: Зулқарнайн уйғур вилоятига қўпилашгач, турк ҳоқони унга тўрт минг кишини йўллади. Улар қалпоқларининг патлари худди ёввойи қўшлар қанотидек эди. Улар ўқ отишга жуда моҳир эдилар. Орқадан ҳам олдиндан отишдай ўқ отар эдилар. Зулқарнайн буларга ҳайрон қолди. Инон муҳуранд — булар ўз овқатларини ўзлари топиб еювчи, бировга муҳтож бўлмовчилар. Чунки ов булардан қочиб қутила олмайди. Қачон хоҳласалар, тутиб ейдилар демақдир. Сўнг ўлка Худ Хўр аталиб кетган, «ху» у га алмашган, Удхўр бўлган. Сўнгра яна ўшарган, уйғур бўлгандир.

Уйғурларнинг тили туркчадир. Лекин уларнинг яна бир тиллари бор. Узаро ўша тилда сўзлашадилар. Ёзувлари бу китоб бошида кўрсатилган 24 ҳарфлик ёзувдир. Лекин яна бошқа бир ёзувлари борки, девон ва китобларини у хат билан ёзадилар. Уйғурларнинг Кўл Билкахон исмли (Кўл каби ақлга бой) шоҳлари бўлган.

Уларнинг Беш балиқ, Беш шаҳар деган шаҳарлари жуда катта шаҳар эди, Янги балиқ деган шаҳарлари сўнги вақтларда бино қилинган шаҳардир. Демак, уйғурлар анча шарқда яшар эдилар. Тўбут, Қингут, Кужо, Ками, Талос, Букур, Турум шаҳарлари уйғур шаҳарларининг чегарасидир. Қингут, Кужо ва уйғурлар орасида Юлдуз кўл деган кўл бор.

Уйғурларнинг махсус сўзлари девонда жуда сийрақдир. Фақат уч ерда эсланади. Шунда ҳам орадаги қарама-қаршилик изоҳланади. Масалан: 1) чопилди (I том, 143-бет) — суюқ лой билан чапилди (ҳозир ҳам ўзбек тилида шу маънода қўлланади). Уйғур тилида бу сўз бўйнига урилди демақдир. (II т., 143-б.). 2) ит кишига чопти — ит кишига човит қилди (II т., 240-б.). Ҳозир ҳам ўзбек тилида шу маънода (уйғурчада гарданига урди маъносида) дир. 3) ярмоқ (танга) — уйғурча яримоқ.

Басмил

Басмил сўзи девонда (I томнинг 28-30, 339, 382, 393-бетлари ва II томнинг 251-бетиде) ясмил тарзида кўрсатилганки, бу — ноўғри. Бу сўзнинг ясмил эмас, басмил экани проф. С. Е. Малов томонидан унинг бир танқидий мақоласида исбот қилингандир (Записки востоковедов, т. III, 215-бет).

Басмилларнинг тил хусусиятларига келганда, Маҳмуд Кошғарий буларни қай, ябоқу, татарларнинг тилларидан бир мунча фарқли, деб кўрсатади. Девонда басмилларнинг тилига оид маълумотлар анчагина бўлса ҳам, уларнинг шаҳарлари, турмушларига оид маълумотлар жуда оздир. Лекин уларнинг ябоқуларга қарши жанглари тасвирловчи бир неча тўртлик бўлиб, бу тўртликларда улар жумул қабиласи билан иттифоқчи, жанговар қа-

«била сифатида кўрсатилади. Басмиллarning шаҳар ва турмушига оид маълумотларнинг йўқлиги девон ёзилган пайтда улар манқанининг пасайиб қолгани билан изоҳланади. Буни басмилллар ҳақидаги тўртликларнинг мазмуни ҳам тасдиқлайди. Тўртликларнинг мазмунидан шу нарса маълум бўладики, басмилллар ябоқуларнинг лашкарбошиси Арслонтегин (иккинчи хил айтганда, Бакабудараж)га қарши жанглар қилади ва бу жангларнинг бирида Бакабудараж ўлдирилади. Девон учинчи томининг 263-бетидаги тўртликдан ябоқуларга Бакабудараж учун қасос олишга маслаҳат бериш, уларни шунга ундаш мазмуни англашилади. Бакабударажнинг анчагина бурун ўтган шахс экани тарихдан маълум.

Бу ҳам басмиллarning энг қадимий, эски қабилалардан эканлигини тасдиқлайди.

Кашмир

Кашмир, девонда кўрсатилишича, туркий халқлар қарамоғиди бўлган эски шаҳардир. Маҳмуд Кошғарий уни Сулаймон пайгамбар бино қилган деб кўрсатади. Лекин Кашмир турли даврларда турли давлатларнинг тасарруфида бўлиб келган.

Кашмир серсув, обод, йирик шаҳарлардан биридир.

Искандар Зулқарнайн

Искандар Зулқарнайн дунёда энг катта жаҳонгир сифатида машҳур шахсдир. Тарихий асарларда уни Улуғ Искандар, Искандар Румий, македониялик Искандар деб ҳам атайдилар. Лекин кўпинча ҳар томон (шарқ ва ғарб)ни эгаллаган улуғ шоҳ маъносида Искандар Зулқарнайн исми билан юритилади. Тарихий асарларда уни Арастунинг (Аристотель) шогирди деб кўрсатадилар.

Навой асарларида Арасту (Аристотель), Афлотун (Платон) ва бошқа қатор файласуфлар Искандар Зулқарнайн саройида маслаҳатчилар сифатида тасвирланади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам бунга кенг ўрин берилади.

Аҳли вабар

Аҳли вабар деган сўзни биз шартли равишда кўчманчилар деб изоҳладик. Аслида булар шаҳар четида яшовчилардан иборат. Улар тил хусусиятига кўра, баъзан қипчоқларга, баъзан қарлуқ ва бошқаларга мос келади.

Маънодош сўзлар

Маҳмуд Кошғарий маънодош сўзларни чуқур изоҳлайди. Бунда у шу сўзларнинг асосий маъносини ҳам, кўчма маъносини ҳам кўрсатади.

Девондаги айрим сўзларда келган ب (б) товуши биз икки хил: б, п товушлари билан кўрсатдик. Бунда биз асосан ҳозирги талаффузга ва қисман «Қутадғу билик» имлосига асосландик. Масалан, чуқурлик (ўра) маъносидаги اوبرى сўзини опри (ўпри) тарзида олдик. Бунда биз шу ўзакдан келиб чиққан ҳозирги ўприлмоқ сўзига асосландик. Иккинчидан, бу сўз «Қутадғу билик» достонида ҳам шундай ёзилган:

Эзи, тоғ, ер, ўпри тушанди ёзиб
Этинди қўли, қоши кўк ол қазиб.

Афрасиёб

Маҳмуд Кошғарий девонда Афрасиёбни алп Эртўнга деб кўрсатса, «Қутадғу билик» автори Юсуф Хос ҳожиб Афрасиёб деб кўрсатади:

Бу турк беклариндан оти белгулук,
Тўнга алп эр эрди, қути белгулук.
Тожиқлар аюр они Афрасиёб,
Бу Афрасиёб олди элларни талоб

(«Қутадғу билик»дан).

Маҳмуд Кошғарий девон учинчи томининг 272-бетида тўнга сўзини изоҳлар экан, шундай кўрсатади: «Тўнга шер ботир, баҳодир, филни ўлдирувчи энг кучли ҳайвондир. Туркларнинг машҳур ботир хони Афрасиёбни Тўнга алп эр деб аташлари ҳам унинг шерга ўхшаш баҳодирлиги учундир». Демак, Афрасиёбни у даврда алп Эртўнга деб номлаганлари каби Тўнга алп эр деб ҳам аташар эдилар. Бу ҳол Маҳмуд Кошғарий билан Юсуф Хос ҳожиб маълумотлари ўртасида қарама-қаршилик йўқлигини тасдиқлайди.

«Равзатус сафо», «Тарихи мулуки Ажам»да Афрасиёб тўғрисида жуда кўп маълумотлар бор. Буларда у ғоят золим подшоҳ сифатида тасвирланади. «Шоҳнома»да унинг Зол ва Рустамлар билан кураши анчагина жойни ишғол қилади.

Навой Афрасиёб тўғрисида икки байт ёзиш билан чекланади:

Яна шоҳлиг қилди Афрасиёб,
Вале қилди Эронни зулми хароб.
Замонда гар эрди обод кам,
Ани қўймади чархи обод ҳам.

(«Хамса»¹ дан).

Хулоса: тарихий асарларда Афрасиёб тўғрисида маълумотлар бениҳоят кўпдир.

Айрим манбалар уни афсонавий шахс деб кўрсатади: (Қаранг: В. В. Григорьев. Караханиды в Мавераннахре, 14-бет); Қоракхонийлар Эрон таъсири остида қолганлари учун ўзларини афсонавий Турон подшоҳига нисбат бериб, отини Афрасиёб деб юритдилар. Ҳолбуки, бу термин тамоман туркча эмасдир. (В. В. Бартольд, Ўрта Осиё турк тарихи ҳақида дарслар, 78-бет).

¹ Алишер Навоӣ, Хамса, 647-бет, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1960 йил.

Девондаги маълумотлар Афрасиёбнинг тарихий шахс эканлигини тасдиқлайди.

Афрасиёб Афридун ёки Фаридуннинг Тур исмли ўғлининг набираси Эшанг ёки Хушангнинг ўғлидир. Манучеҳр енгилгач, Манучеҳр ўғли Навзар дадасининг ўчини олиш мақсадида Афрасиёбга қарши жанг қилиб, енгилади. Афрасиёб Навзарга қарши махсус ҳозирлик билан жанг бошлайди. Навзарни ҳалок қилади ва бутун Эронни қўлда тутайди, ўн йиллаб қаттиқ зулм остида ҳукм юргизади.

Афрасиёбнинг марказий шахри Кошғар эди. Ҳавоси яхши бўлгани учун у доим шу ерда яшар эди. Қоз исмли қизи Қазвин ва Қум шаҳарларини бино қилган эди. Қорахонийлар чегараси ҳисобланган Қазвин шаҳрида Қоз ғоз ўйнар эди. Шунинг учун шу исм билан аталган эди. Қазвин — Қоз сўзининг қисқарганидир. Қум исмли шаҳарда Қоз ов қилар эди. У шаҳар серқум бўлгани учун овга мос эди. Ила водийсига оқувчи катта сувнинг Қоз суви деб аталиш сабаби ҳам Қоз у сув қирғоғига катта қалъа солгани учундир. Афрасиёб Бухтуннаср ўғли Батзани шу қиз билан яширин алоқада бўлгани учун Жаруқ деган шаҳарга қамаган эди. Баъзилар бу шаҳарларни Афрасиёбнинг Марвий Шоҳижон деган ўғли бино қилган дейишади. Афрасиёбнинг Барсағон деган ўғли ҳам бор эди. Барсағон шаҳрини шу бино қилган эди. Маҳмуд Кошғарийнинг бобоси шу шаҳарда яшаган. Юнгу водийси Афрасиёб ўғли қурдирган Бормон шаҳрига оқади (III—VII. 27). Тарим сўзи Афрасиёб авлодидан бўлган хотинларгагина қўлланилади (I том, 331-бет). Қотун сўзи Афрасиёбнинг қизларидан бўлганларнинг номидир (I т. 343-бет). Девонда Афрасиёб таржиман ҳолига оид бу маълумотлардан бошқа Афрасиёбга оид тўртликлар ҳам анчагина бор. Лекин улар девоннинг ҳар ерида, ҳар қайси жилдида чочикдир. Парчалар Афрасиёбни моҳир жанговар сифатида таърифлайди. Жанглардаги қаҳрамонлиги, душманларга зарба беришдаги маҳорати, баҳодирлиги таърифланади, ва унинг ўлимига афсус баён қилинади.

Машҳур «Қутадғу билик» автори Юсуф Хос ҳожиб бошқа бир ерда Афрасиёбни ёлғиз қаҳрамонгина эмас, давлат идорасига маҳоратли билимдон тарзида сифатлайди. XI асрнинг зўр тадқиқотчи олимлари Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос ҳожибларнинг Афрасиёб ҳақидаги маълумотлари, шубҳасиз, ишончлидир.

Ҳоқония

Ҳоқония сўзи девонда бир неча ерда учрайди. Унда бу сўз давлат бошлиғи улуғ хон маъносидadır: ўғуз ҳоқони, тангут ҳоқони ва бошқалар. (Қаранг: девон, I том, 297-бет; III том, 117 ва 171-бетлар).

Афсуски, бу ҳақда янглиш қарашлар ҳам бўлиб келган. Проф. Кўпрўлузода буни алоҳида бир қабила, балки бир қанча

шарқий гуна қабилаларининг етакчиси сифатида изоҳлаган. (Қаранг: Ф. Кўпрўлузода. Илк мутаассуфлар, Истамбул, 149-бет) М. Ф. имзоли автор* бу ҳақда яна ҳам қўпол хатога йўл қўяди. У ёзади: Китобда асос ўлон лаҳжа муаллифинг ҳоқон туркчаси дедиги кошғар лаҳжасидир. (Миллий татаббулар, 1333 ҳижрий, 383-бет). Бу қараш тамоман хатодир. Бу қарашга кўра «Девону луғотит турк» фақатгина у даврда кичик бир шаҳар бўлган Кошғар шаҳари тилидан иборат бўлиб қолади. Ҳолбуки, девонда юқори Чиндан бошлаб бутун Урта Осиё доирасида яшовчи қабила ва халқ тиллари Баласоғон, Барсоғон, Шош, Кашмир, Хоразм, Сайрам, Узганд, Бухоро каби йирик шаҳарларда яшовчи халқлар тили ҳам кенг изоҳлаб берилган.

Проф. Фитрат бу фикрни яна ҳам бўрттириб изоҳлаган. У ёзади: «Маҳмуд Кошғарийга кўра ҳижрий бешинчи асрда турк тили кичкина қабилавий айирмаларга қарамай, асосан икки муҳим қўлга айрилган: биринчиси ўғузча туркча, иккинчиси ёлғиз туркча ёки ҳоқоний туркча ҳам дейилар эмиш. Маҳмуд Кошғарий девонда мана шу ҳоқоний туркчасини асос қилиб олган-да, жойи келгач, ўғузча сўзларни кўрсатиб, изоҳ қилиб борган. Унинг бу таснифи бу кун ҳам асос қилиб олинishi зарур»(?). (Қаранг: Энг эски турк адабиёти намуналари, IV бет). Бу хил қараш икки жиҳатдан хатодир. Биринчидан, бу қарашда Маҳмуд Кошғарийнинг девонидаги маълумотлари қўпол равишда бузилади. Девон маълумотларига кўра чигил, яғмо, тухси, арғу, баъзи қарлуқлар, баъзи уйғурлар каби катта нўфузли қабилалар тилларидан ташкил топиб, умумлашган бир тилни фақат саройда ва сарой доирасида яшовчи бир тўда одамларга нисбат бериб бузишдир. Иккинчидан, тилшунослик нуқтаи назардан халқ тили юзага келишида бирор уруғ, шаҳар тилига эмас, балки жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутиб, ўзининг тил таъсирини кенг тарқатган етакчи қабила тилига асосланish зарур бўлади. Бу хил қабила у даврда шарқда чигиллар эди. Девонда Қашқар, Баласоғон шаҳарларининг хос сўзлари лаҳжавий лексика ўрнида озчилик эди. Шунинг учун девонда ҳоқонлар фақат саройдагилардан иборат бўлган озчилик эди. Бу хил озчилик тилини етакчи деб кўрсатиш тилшуносликда қаттиқ қораланган ирқий назария асосида масалага ёндашиш, қўпол хатодир.

Қипчоқ

Бу кунги ўзбек тилида катта ўрин тутган қипчоқ қабиласи ҳақида «Девону луғотит турк»да кенг маълумот бор. Уларнинг хос шаҳарлари сифатида Тавар шаҳари ва Қашқар яқинидаги бир шаҳарча кўрсатилади. Тироз ёнидаги Қантуан шаҳари уларнинг чегараси дейилади. Қангли бу қабиланинг катталаридан бири сифатида берилган. Демак, бу қабила қачонлардир бу ер-

* Бу мақола автори ҳам Кўпрўлузода бўлса керак.

ларда бошчилик қилган. Девонда Урон исми икки қанотли кема улар томонидан ясалгани айтилади. Шунингдек, девондаги маълумотлар уларнинг чорвачилик ва боғчилик билан ҳам шугулланганини тасдиқлайди. Лекин уларнинг тили ҳақидаги маълумотлар девон ёзилган вақтда бу қабилла кучсизланиб, ҳар томонга тарқалиб кетганидан далолат беради. XI асрда бу қабиланинг тил хусусиятларига кўра уларнинг бир қисми ўғуз, бир қисми чигил ва бир қисми кўчманчиларга мослашган эди. Тарихий асарларда кўрсатилганидек, қипчоқ сўзининг ичи кавак деган маъноси девонда учрамайди. Лекин бу хусусда фақат уларнинг шаҳарларидагина яшайдиган бир ҳайвон тўғрисидаги маълумот характерлидир. Девонда кўрсатилишича, катта гавдали булан дейилган ов ҳайвони қипчоқ шаҳарларидагина яшар экан, ҳолос. Унинг ичи кавак, учи осмонга қараган бир шохи бўлар эди. Қор, ёмғир сувлари унга тўпланиб қолар ва эркак булан урғочи буланнинг шохидан ва урғочи булан эркакнинг шохидан энгашиб сув ичар экан. Қипчоқ сўзининг маъноси ҳақидаги тахминлар шу ҳодиса билан боғли бўлса керак.

Бархан

Маҳмуд Қошғарийнинг маълумотларига кўра, Чин уч бўлимдан иборат эди:

1. Юқори Чин.
2. Урта Чин.
3. Қуйи Чин.

Бархан Қуйи Чиндир.

Жумул

Жумул қабиласи ҳақида девонда маълумот оз. Жумуллар кўнроқ саҳрода яшар эдилар. Уларнинг тиллари ўзига хос эди. Басмиллар билан биргаликда қилган жанглари кўрсатувчи тўртликлардан уларнинг басмиллар билан ҳамфикр экани маълум бўлади.

Фарғона

Фарғона Туркистон чегарасидаги ўлкадир. Батлимус унинг жуғрофий мавқеини мукамал кўрсатгандир. Фарғона мевага бой, тоғлари кўп ўлкадир. Унинг чўзиқ тоғларида олма, узум, pista, бодом ва бошқа мевалар, турли хил хушбўй ўсимликлар, гуллар, райхонлар кўпдир. Хушҳаво, сермеваликда тенги йўқдир. У жуда кенг, сер қишлоқдир. Бундай серқишлоқ ўлка Мовароуннаҳрда йўқдир. Одам кўплигидан, экин ва чорваннинг мўллигидан қишлоқлар кенгайиб, катталашиб кетгандир.

Қишлоқларга бориш учун бир кўниб бориш шартдир. У ерда етишган олимлар ҳам кўпдир. Сўнги вақтларда Дамашқда туриб қолган зўр олим, донгдор устод Хожиб Бинни Молик Бинни Эркин фарғоналик олимларнинг биридир. (Муъжамул булдон, 6-жилд, 364-бет)

Қирғизлар

Девонда қирғизлар бир неча ўринда тилга олинади. Улар баъзан яғмолар ёнида кўрсатилса (I том, 3-бет), баъзан татар яқинида кўрсатилади (I том, 28-бет). Қирғизлар бир қабилла туркий халқлардир (I том, 381-бет). Уларнинг тиллари ёлғиз туркча эди (I том, 30-бет). Бироқ девонда қирғизлар тилига доир маълумот бошқа қабилаларга нисбатан оздир. Қолбуки, тарихий манбалар қирғизлар ҳақида жуда кўп маълумот беради. Уларни энг қадимги ва энг катта нуфузли халқ сифатида танитадилар. Масалан: Култагин обидасида баъзан қирғизлар шарқда энг нуфузли халқлар қаторида кўрсатилса, баъзан у вақтлардаги қабилавий жангларда иштирокчи сифатида кўрсатилади ва баъзан уларнинг хонларига ҳужуми эсланади, уларнинг турар жойларини Кўкман тоғининг қуйисида кўрсатилади.

Қирғизлар ҳақида Муъжамул булдон маълумоти алоҳида муҳимдир. Муъжамул булдон III асрнинг I-ярмида Бухородан Чинга қадар саёҳат қилган Абудалф асаридан маълумот беради: Асар Бухоро билан Чин оралигидаги ҳамма қабилалар ҳақида кенг маълумот беради. Бу асарнинг лотинча таржимаси арабча тексти билан бирликда босилгандир. Асарда қабилаларнинг турар жойлари, қабилалар ишлари ҳақидаги маълумот девон маълумотига жуда яқиндир. Қирғизлар ҳақида у ерда шундай ёзилган: Сўнгра биз «хирхиз» дейилган бир қабиллага бориб етдик. Улар тарик, гурунч ва туянинг гўштидан бошқа (қора мол) урғочи қўй, эчки ва бошқаларнинг гўштарини ейдилар. Уларнинг алоҳида тутган йўллари, фикрлари, ёзувлари ва ибодатхоналари бор. Улар чироғларни ўзи ўчмагунча ўчирмайдилар. Уларнинг қофиялик сўзлари бор, олдиларига хушбўй нарса қўйиб, номоз ўқиш вақтларида уни ўқийдилар. Уларнинг бир йил ичида бир неча байрамлари бор, нишонлари кўкдир, жануб томонга қараб номоз ўқийдилар. Қўкдаги Зуҳал, Зуҳра (Венера) ва Сатурн юлдузларини ҳурматлайдилар. Аммо Миррих (Марс) юлдузини ёқдирмайдилар, уни наҳс деб ҳисоблайдилар. Уларнинг мамлакатларида йиртқиш ҳайвонлар жуда кўпдир. Уларда кечасини ёритадиган бир тош бор, шунинг учун чироққа эҳтиёжлари бўлмайди. Бу тош уларнинг мамлакатларидан бошқа жойда бўлмайди. Уларнинг барча бўйсунган бир подшолари бор. Унинг олдида қирқ ёшдан ўтган кишидан ташқари бирор киши ўтирмайди. (Муъжамул булдон, 5-т., 411-бет).

Тошкент

Тошкент Мовароуннахрнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома»сида Рустам билан Ашқабул жангини тасвирлар экан, Тошкент камони ишлатилгани тўғрисида ёзади:

بماليد چاچي كمانرا بدست
ستون كرد جب راوخم كرد راست
بچرم كوزن اندر آورد شست
خروش از خم چرخ چاچي بخو است

Шоҳнома, Қўлёзма, И 171-б.

Бу факт Тошкент жуда қадим замонлардаёқ ўз махсус жанг қурооларига эга бўлганини исботлайди. Уқчи маҳалласининг эскилиги ҳам шунини тасдиқлайди. «Шоҳнома»да Тошкент Чоч тарзида берилди.

Маҳмуд Қошғарийнинг девонида Таркан деб кўрсатилади ва шундай изоҳланади: Таркан — Шошнинг исмидир. Асли Тошкент, Тош шаҳри демакдир. (I т. 369-бет).

Демак, Маҳмуд Қошғарийга Тошкент ва Шош вариантлари маълум эди. Тошкент сўзининг этимологияси тўғрисида жуда кўп олимлар ёзган. Фикримча, араб манбаларида Шош, тожик манбаларида Чоч, турк манбаларида Таркан деб юритилган.

Қарлуқ

Қарлуқлар туркларнинг бир тури бўлиб, вабарлилар (кўчманчилар) ва ўғузлардан бошқадир. Улар аслида туркманлардандир.

Маҳмуд Қошғарий қабилаларни баён қилган махсус фаслда қарлуқларни кўрсатмайди. Лекин қарлуқ девонда тўққиз ерда учрайди: I том, 370, 381, 390, 393-бетлар; II том, 7, 220-бетлар; III том, 80, 259, 264-бетлар.

Бу ўринларда келтирилган маълумотлар уларни етакчи қабилла тариқасида эмас, аксинча, бошқа қабилаларга тобе, иккинчи даражали қабилла, туркманларнинг бир тоифаси сифатида кўрсатади. Девонда қарлуқларнинг Чўғилан деган бошлиқлари исмидан бошқа бир муҳим маълумот учрамайди. Уларнинг махсус шаҳарлари ҳам кўрсатилган эмас. Тил жиҳатдан қарлуқларнинг бир қисми ўғузларга, бир қисми яғмо, чигилларга қўшилиши мумкин. Тарихий асарларда қарлуқлар номи бошқа қабилаларнинг номларига нисбатан машҳурроқ эканлигини назарга олсак, уларнинг илгарилари машҳур бўлгани ва девон ёзилган даврда иккинчи даражали қабилаларга бирикиб кетгани англашिलाди. Тил хусусиятлари жиҳатдан девонда берилган маълумотлар шунини кўрсатади.

Самарқанд

Самарқанд шаҳри энг эски ва энг обод шаҳар сифатида жуда машҳурдир. У энг қадимги араб манбаларида, форс тарихларида кенг изоҳлаб берилган. Батлимус ва бошқа жуғрофия олимлари бу шаҳарнинг жуғрофий мавқеини ва унинг хушҳаволиги, кўркем манзараларга бойлиги, сермевалик хусусиятларини мукаммал изоҳлаган эдилар.

Бу шаҳар ҳақида жуғрофия олимларидан Абу авн ёзади: Самарқанд тўртинчи иқлимда узун саксон тўққиз ярим даража, эни ўттиз олти ярим даражадир. Африқис бинни Имраҳа Самарқанд устида катта тортишувлар бўлгани ва бунинг натижасида унда юзага келган турли хил ўзгаришларни кенг изоҳлаб берган.

Маҳмуд Қошғарий маълумотида кўра, Самарқанд энг эски шаҳардир. VII асрлардаёқ бу шаҳарда халқ гавжум эди. Ҳар хил касб аҳллари бор эди. X асрларда суғдоқлар Баласоғунга шу ердан кўчиб бордилар. Унинг асл номи Самизканд — Катта шаҳар демакдир. Маҳмуд Қошғарий уқтиришича, бу шаҳарнинг туркий халқлар томонидан бино қилинганига, бу ҳақдаги бошқа хил қарашлар хато эканига шу номнинг ўзи далилдир.

Барсағон

Маҳмуд Қошғарий бу шаҳарни XI асрдаги катта савдо-сотиқ марказлари бўлган Қошғар, Арғу, Жикил каби шаҳарлар билан тенг қўяди. Ҳатто унинг «Қарасангир» деган райони ҳам катта жой сифатида машҳур эди.

Маҳмуд Қошғарий изоҳига кўра, уни Афрасиёбнинг ўгли бино қилган.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг отаси шу ерда туғилганини уқтиради.

Девонда бу шаҳар халқи тилига доир кўпгина маълумотлар берилган. Чунончи: у шаҳар халқлари *буғдой* сўзини *бидрой* тарзида талаффуз қилишларини, бировнинг у шаҳар халқи эканини шу сўз билан синаб билиш одатларини баён қилган. Маҳмуд Қошғарий бу шаҳар Уш шаҳрининг қаршисида эканини, у билан Уш оралиғида Бадал арт деган жой — қишлоқ борлигини кўрсатган.

Лекин девонда барсағонликларни бахилроқ деб камситилган парчалар ҳам бор.

На узбекском языке

МАХМУД КАШГАРСКИЙ

ДИВАН ЛУГАТ-АТ-ТУРК

Перевёл и подготовил к печати

САЛИХ МУТАЛЛИБОВ

Нашриёт редактори *Б. Сайимов*

Рисом *В. Тий*

Техредактор *Э. П. Горьковая*

Корректорлар *Х. Соҳдуллаева, Р. Қўчқортоева ва М. Саидова*

Р08017. Босмига рухсат этилди 27/IV—60 й. Қоғоз $60 \times 92^{1/16} = 15,625$.
Қоғоз — 31,25 босма л. Нашриёт л. 26,85+(1 вкл.) Тиражи 3000.
Баҳоси 16 с. 75 т. Муқоваси 2 с.

ЎзССР Фанлар академияси нашриётининг босмахонаси. Хоразм кўчаси, 9.
Тошкент, 1960 й. Заказ № 81. Нашриёт адреси: Куйбичев кўчаси, 15.